

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА  
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 37; 37(077); 17**

**Турсунов Диёр Суннатович**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА  
ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий  
даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: педагогика фанлари  
доктори, профессор Д.Рўзиева**

## МУНДАРИЖА

|   |     |
|---|-----|
| <b>КИРИШ</b> .....  | 3   |
| <b>I БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>                           |     |
| 1.1. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурият сифатида.....                         | 12  |
| 1.2. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир илғор хорижий тажриба таҳлили .....              | 23  |
| 1.3. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлан-тиришнинг назария ва амалиётдаги ҳолати.....                 | 34  |
| Боб бўйича хулосалар.....   | 50  |
| <b>II БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ-ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМИ</b>                  |     |
| 2.1. Аналитик тафаккур воситасида ўқувчиларнинг ғоявий-мафкуравий компетентлигини ривожлантириш имкониятлари.....       | 51  |
| 2.2. Шахс ахборот хавфсизлигини таркиб топтириш асосида ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш..... | 70  |
| 2.3.Тарбия технологиялари воситасида ўқувчиларда умуммаданий компетенцияни ривожлантириш.....                           | 88  |
| Боб бўйича хулосалар.....   | 101 |
| <b>III БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ</b>                                |     |
| 3.1. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари мазмуни.....       | 104 |
| 3.2. Ўқувчи-ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарадорлиги.....     | 123 |
| Боб бўйича хулосалар.....   | 131 |
| <b>ХУЛОСА</b> .....   | 133 |
| <b>ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....   | 136 |
| <b>ИЛОВАЛАР</b> .....   | 158 |

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XXI аср жаҳонда кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври сифатида ҳаётнинг деярли барча жабҳалари ва инсон фаолиятига кириб бориши, ахборот маконининг глобаллашуви бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилмоқда. Замонавий шароитда жаҳон миқёсида ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоялаш, ахборот хуружларига қарши курашишга доир Cloud State University IDEOLOGY AND U.S. SOCIAL SCIENCE, Centre for Ideology and Discourse Analysis каби халқаро илмий-институт ва марказлар томонидан эътибор қаратиб келинмоқда. Ўқувчиларда ижтимоий фаолликни ва ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш асосида ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини таркиб топтиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг диагностик-профилактик тизимини ҳамкорлик педагогикасига устуворлик бериш асосида такомиллаштириш, виртуал таълим технологиялари воситасида ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини прагматик ёндашувнинг тамойиллари ва мезонлари билан уйғунликда такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ўқувчиларда умуммаданий компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган тарбия технологияларини ишлаб чиқиш, фанлараро модулли таълим технологияларини такомиллаштириш масалалари долзарблик касб этмоқда.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия жараёнлари сифатини ошириш, ўқувчиларда маънавий-ахлоқий, ғоявий компетенцияларни шакллантиришга алоҳида аҳамият

қаратилмоқда. Айниқса, умумтаълим мактабларида «Тарбия» фанини ўқитишнинг инновацион тизимини жорий этиш, ўқувчиларда соғлом тафаккурни ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим устуворлик касб этади. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «...ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш» [6] каби устувор вазифалар белгилаб берилди. Бу эса умумтаълим мактаби ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, тарбиявий вазиятлар технологияси асосида ўқувчиларда умуммаданий компетенцияларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» [4], 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сон «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» [8], 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» [7] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари [9], шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг таълимотларида акс этган комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлари ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонлик файласуф, сиёсатшунос, социолог олимлардан Ж.Туленов [72], Э.Юсупов [87], Қ.Назаров [59], Н.Жўраев [140], А.Очилдиев [62], И.Каримов [43], И.Эргашев [83], М.Қаҳҳорова [88], М.Бекмуродов [30] ҳамда педагог ва психолог олимлардан О.Мусурмонова [187], У.Маҳкамов [178], В.Каримова [165], М.Қуронов [89], Б.Ходжаев [227], Д.Рўзиева [207], Г.Ибрагимова [142], А.Мухсиева [184], М.Абдужабборова [113], З.Қосимова [243], Ҳ.Норқулов [194], Б.Мирзаолимов [181], Ш.Акрамова [116], Д.Маматқулов [174] кабиларнинг тадқиқотларида ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни шакллантиришнинг назарий масалалари, ўқувчиларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялашнинг назарий, фалсафий, педагогик масалалари тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан С.И.Брызгалова [33], М.В.Ильина [41], Т.Н.Ротенкова [33], С.Л.Троянская [70], Л.М.Лузина [169], О.М.Парипколарнинг [197] тадқиқотларида тарбияга компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш, ўқувчиларда тарихий онг ва миллий ўзликни шакллантириш, умуммаданий компетенцияни таркиб топтириш масалалари ёритиб берилган.

Хориж файласуфлари, тарихчи, мафкуравий технологиялар ва геосиёсат мутахассислари: А.Дестют де Траци [119], Фридрих Ницше [77], Густав Лебон [48], Уиллард Маллинза [100], Девид Минар [99], Джордж Уолфорд [102], Гарольд Уолсби [103], Чарльз Блаттберглар [98] ўз тадқиқотларида ахборот, мафкуравий, психологик курашларининг хусусиятлари; аҳоли, ёшларга хавф солаётган мафкуравий таҳдидлар; манипуляция жараёнларининг шахс ривожига таъсири, «оммавий маданият»нинг глобаллашуви, ғоявий курашнинг турли жабҳаларини ёритишга қаратилган тадқиқотларни олиб боришган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий педагогик технологиялари», «Дарсликлар ва ўқув адабиётлар мазмунига Шарқ педагогик тафаккур дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари» мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

ўқувчиларда аналитик тафаккурни ғоявий-мафкуравий компетентлигини ривожлантириш имкониятларини очиб бериш;

ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг рефлексив технологиясини такомиллаштириш.

**Тадқиқот объекти** сифатида умумтаълим мактабларининг 7-9 синф ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёни белгиланиб, Наманган шаҳридаги 13-, 17-, Жиззах шаҳридаги 3-, 16-, Тошкент шаҳридаги 34-, 84-умумтаълим мактабларининг 480 нафар ўқувчиси жалб этилди.

**Тадқиқот предмети**ни умумтаълим мактаби ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тарихий, фалсафий, психологик, педагогик ва методик адабиётларни ўрганиш, кузатиш, сўровнома, тест, мафкуравий-педагогик таҳлил, педагогик эксперимент, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари миллий фазилатлар (бағрикенглик, миллий ғурур, миллий ифтихор, бунёдкорлик) ва акмеошахс хусусиятларининг (шахсий ахборот хавфсизлиги, интеллектуал салоҳият, эътироф қозониш) амалий трансформацияси билан идентивлиги бевосита барқарорлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир компетенциялар тизими (когнитив, социал, шахсий, эмоционал, коммуникатив, умуммаданий) аналитик тафаккурнинг ривожланганлик даражаси, бадий асарлар ва сиёсий нутқ, маърузалардан олинган матнларни таҳлил қилишга доир дискурсив ёндашувнинг праксиологик имкониятининг таъсирчанлигини оширишга йўналтирилган оператив қарор қабул қилиш механизмининг интернал анланганлигини ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш моделининг таълим субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналганлиги, инвариатив мазмунли (умуммаданий компетенциянинг тузилмаси ва педагогик шарт-шароитлар, ёндашувлар, шакл ва воситалар) ва натижавий таркибий асослари умуммаданий компетенциялар тизимининг интеграцион жиҳатларини фаол фуқаролик позицияси билан қайта алоқасини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

Ўқувчиларда шахсий ахборот хавфсизлигини таркиб топтиришга йўналтирилган ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш рефлексив технологияси ўқувчиларнинг субъектив нуқтаи назарини ривожлантиришга йўналтирилган вазиятли топшириқлар, гуруҳий мунозара, ўқув лойиҳаларини ижтимоий фанлар амалиётига вертикал ва горизонтал қўллашнинг дидактик имкониятларини интенсификациясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир [manaviytarbiya.zn.uz](http://manaviytarbiya.zn.uz) сайти яратилган;

Ўқувчиларда умуммаданий компетентликни ривожлантиришга доир тренинг машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган;

Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога фалсафий, методологик, психологик ва педагогик, методик ёндашувларга ҳамда ахборот хавфсизлиги компетентлигини ривожлантиришга доир миллий тажриба, мамлакатимиз ва хорижлик олимлар, шунингдек, профилактик фаолиятни ташкил этишга доир тажрибаларга асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек,



сифат жиҳатидан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш мазмуни, асосий тушунчалари, мезонлари, кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг стратегик ҳаётий мақсадларни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ёритиб берилганлиги, ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг профилактик имкониятларининг очиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ғоявий-мафкуравий компетентликнинг ўзаро алоқадорлиги асносида ўз-ўзини ҳимоялаш ва ижтимоий фаолликни таъминлаш, зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва қаршилик кўрсатишга оид маънавий-профилактик ишларни ташкил этишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, умумтаълим мактабларида адабиёт, тарих, тарбия («Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари») фанларини ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумтаълим мактаби ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар ва тавсиялардан:

умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари миллий фазилатлар ва акмеошахс хусусиятларининг амалий трансформацияси билан идентивлиги бевосита барқарорлигини таъминлашга доир таклифлардан «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари» мазмунига сингдирилган (Халқ таълими

вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-197-сон маълумотномаси).  
Натижада «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»  
туркумига кирувчи ўқув предметларидан компетенциявий ёндашувга  
асосланган ўқув дастурларини амалиётга татбиқ этиш самарадорлигини  
оширишга эришилган;

ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга  
доир компетенциялар тизими (когнитив, социал, шахсий, эмоционал,  
коммуникатив, умуммаданий) аналитик тафаккурнинг ривожланганлик  
даражаси, бадий асарлар ва сиёсий нутқ, маърузалардан олинган матнларни  
таҳлил қилишга доир дискурсив ёндашувнинг праксиологик имкониятининг  
таъсирчанлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялардан А-026-  
рақамли «Болаликни муҳофазалашда катталар орқали ахборот  
хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик йўллари» мавзусидаги  
амалий лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда  
фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-  
2-197-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий  
компетентликни ривожлантиришнинг диагностик воситаларини қўллаш  
самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш  
моделининг таълим субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналганлиги,  
инвариатив мазмунли (умуммаданий компетенциянинг тузилмаси ва  
педагогик шарт-шароитлар, ёндашувлар, шакл ва воситалар) ва натижавий  
таркибий асослари умуммаданий компетенциялар тизимининг интеграцион  
жиҳатларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар «Педагогик  
диагностика ва коррекция» дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 89-03-5449-сон  
маълумотномаси). Натижада таълим олувчиларда фаол фуқаролик  
позициясини шакллантириш ва ҳаётий мақсадларни таркиб топтириш  
имкони кенгайтирилган.

Ўқувчиларда шахсий ахборот хавфсизлигини таркиб топтиришга йўналтирилган ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш рефлексив технологиясининг дидактик имкониятларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар «Педагогик диагностика ва коррекция» дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 89-03-5449-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришнинг дидактик таъминоти мустаҳкамланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналда чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, ишнинг моҳиятини акс эттирувчи уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 164 саҳифани ташкил этади.

# **I БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурият сифатида**

Республикамизда амалга оширилаётган фаол ислохотлар ғоявий-мафкуравий тарбияни янги босқичга кўтариш, ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш масаласини алоҳида тадқиқ этишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида умуминсоний кадриятларга содиқлик; халқимизнинг миллий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, шунингдек, баркамол инсонни вояга етказиш масаласи ҳаётий зарурият сифатида эътироф этилмоқда. Ўқувчиларда юксак маънавиятни шакллантириш умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифага айланди.

Миллий тараққиётнинг янги тарихий даврида келажак авлоднинг маънавий қиёфасида акс этувчи сифатлар, жисмоний, касбий, интеллектуал лаёқатлилик, шунингдек, миллий, умуминсоний хусусиятлар «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» барпо этиш жараёнида асосий шахсий кўрсаткичларни ифодалайди.

Миллий ғоянинг вужудга келиши, уни илмий жиҳатдан асослаш ва ёшлар онгига сингдириш мустақил Ўзбекистон жамиятининг биринчи даражали ижтимоий-педагогик эҳтиёжига айланди. Миллий ғоя тарғиботи кўп қиррали мураккаб педагогик жараённи қамраб олади. Ушбу масала, даставвал, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қарашлари ва ғояларида ўз аксини топди.

Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт ва истиқлол йўли» (1992), «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997), «Маънавий

юксалиш йўлида» (1998), «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин» (1998), «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» (1999), «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» (2000), «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» (2000), «Янгилик ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди» (2000), «Тинчлик учун курашмоқ керак» (2001), «Биз учун халқимиз, ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ» (2001), «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» (2002), «Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли» (2003), «Жисмоний ва маънавий етук авлодни тарбиялаш – бош мақсадимиз» (2004), «Ёвуз кучлар халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди» (2004), «Мактаб – тараққиёт, маданият ва саодат калити» (2004), «Юксак маънавият – енгилмас куч» (2008), «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» (2011) асарлари ва «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажакка йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» (2015) номли асарларида ғоявий-мафкуравий тарбиянинг концептуал асосларини ёритиб берди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ғоя ва мафкура ҳақида фикр юритар экан, унинг жамиятдаги асосий функциясини қуйидагича изоҳлайди: «Биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамлар тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз. Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ равшан ва чароғон этадиган мафкура – миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шarti – одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир» [10].

Шунингдек, Ислом Каримов асарларида ўқувчиларни ғоявий-мафкуравий руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, «таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини

Ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди» [10], дея таъкидлаган.

Миллий мафкуранинг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Асосий ғоялари эса – Ватан равнақи; юрт тинчлиги; халқ фаровонлиги; комил инсон; ижтимоий ҳамкорлик; миллатлараро тотувлик; диний бағрикенглик (толерантлик)дир [88].

«Авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни камраб олиши, иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсон эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган, учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо ҳоли бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши, тўртинчидан, ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши, бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши», кераклиги тўғрисида ўз назарий қарашларини ифодалаган эди [11].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам ғоявий-мафкуравий тарбия масаласига ўз эътиборини қаратиб, ўзининг маъруза ва нутқларида «мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглари? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!» [17], деб таъкидлаб ўтади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ғоявий-мафкуравий тарбия масаласига доир қарашларида амалий ишларга эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган: «Бир-икки марта номига тадбир ўтказиш билан иш битмайди. Бу йўналишда ҳар куни, ҳар соатда, доимий ва тизимли равишда иш олиб бориш керак. Буни маънавий ҳаёт, ғоявий-мафкуравий иш деб қўйибди. Бу бизга ғалла ёки чигит экиш эмас» [17].

Айниқса, Шавкат Мирзиёев маъруза ва нутқларида жамиятни педагогизациялаш шароитида ғоявий-мафкуравий тарбия жараёнига комплекс ёндашиш лозимлиги, ижтимоий институтлар ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда: «Ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим» [17].

Шавкат Мирзиёевнинг мафкура масаласидаги энг асосий ёндашуви бу барча соҳалар қатори ушбу ғоявий соҳага ҳам янги моҳиятдаги иш услубларини жорий этишга интилаётганлигидир. Президентимиз ушбу жараёни: «бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган

hozirgi davrda kim yotadi? Yangi fikr, yangi fo'ya, innovatsiyaga tayanган davlat yotadi» [18], deya izohlaydi.

Prezident Shavkat Mirziyev tashabbusi bilan aholi, shu jumladan, o'shlarда fo'jviiy-mafkuraviiy kompetentlikni rivojlan-tirish so'hasida kator islo'hotlar amalga oshirilmoqda. Fo'jviiy-mafkuraviiy tarbiyaда bu'shliqqa, bepardoqlikka i'ul q'iymaslik maqsadida xalq bilan mu-loqotni amalda i'ulga q'iyish uchun zarur mexanizmlar (xalq qabulxonalari, U'zbekiston Respublikasi Prezidenti (2016 iil 23 dekabr-ga qadar Bo'sh vazir)ning virtual qabulxonasi) joriii etildi. 2017-2021 iillar-da U'zbekiston Respublikasini yana rivojlan-tirish bu'iyicha Xarakatlar strategiasining ikkinchi bosqichi – 2018 iil «Faol tad-birkorlik va innovatsion fo'ylar va texnologiyalarni q'ullab-quvvatlash iili», uchinchi bosqichi – 2019 iil «Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlan-ish iili», tu'rtinchi bosqich – 2020 iil «Iim, ma'rifat va raqamli iqtisodii'tni rivojlan-tirish iili», beshinchi bosqich – 2021 iil «O'shlar-ni q'ullab-quvvatlash va aholi salomatligini mustaqamlash iili» deb e'lon qilin-di. Shuningdek, U'zbekiston Respublikasi Prezidenti Matbuot xizmati tomonidan radio, televideniya (O'zbekiston 24 telekanali, U'zbekiston tarixi telekanali), internetda (k'uplab saytlar, jumladan, www.president.uz sayti), ijtimoiy tar-moq va messengerlar (jumladan, fey'sbukda / mirziyoyev, instagramda / mirziyoyev\_sh, tvitterda president\_uz, telegramda / shmirziyoyev kanal-lari)da aktiv faoliyat i'ulga q'uyildi. Shu bilan bir kator-da o'shlar-ga e'tiborni kuchaytirish, ular-ni madaniyat, san'at, jismoniiy tarbiya va sport-ga keng jalb etish, ular-ga axborot texnologiyalardan foydalani-sh k'unikmalarini singdirish, o'shlar u'rtasida kitobxonlikni tarqib qili-sh, hotin-qizlar bandidigini ta'minlash bu'iyicha Prezident Shavkat Mirziyev tomonidan yangi tizim-ga asoslangan besh muhim tashabbusni amalga oshirish mexanizmlari ishlab chiqildi.

U'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyevning Oliy Majlis-ga Murojaoatnomasida «Oldimiz-ga q'uygan ulkan vazifalarni amalga



оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур» [19] лиги алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, миллий юксалиш ўзининг вертикал динамик мавжуд ҳолат, даражани юқорига кўтариш хусусиятига эга. Миллий ғоя ана шу вертикал-динамик принцип юксалишга куч ва қудрат берувчи манба бўлиши лозим.

Ғоявий-мафкуравий компетентлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш учун, энг аввало, “ғоя” ва “мафкура” тушунчалари таҳлилига эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, “ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр”дир [237].

Ўзбек халқини бирлаштираётган миллий ғоя ўзининг чуқур илдизлари ва тарихий тараққиёт йўлига эга. Ўзбек халқи миллий давлатчилиги тарихида тўпланган тажрибалар, шунингдек, тарихий жараёнлардаги юксалиш ва инқироз сабоқлари натижасида шаклланган миллий ғоя халқимиз кўлга киритган мустақилликни мустаҳкамлашда, миллий тарбиявий қадриятларни тиклаш ва ёшларни баркамолликка етказишда муҳим педагогик аҳамият касб этади. “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз” [12], деб таъкидлайди.

“Мафкура” арабча сўздан олинган бўлиб, тор маънода қарашлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи деган маънони англатади. Кенг маънода мафкура – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуидир. Ғарб

мамлакатлари тилларида мафкура “идеология” атамаси воситасида кўлланилади” [196].

Таъкидлаш лозимки, тарихан Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари томонидан инсон моҳиятида бунёдкор ва вайронкор кучнинг мавжудлиги ўзаро яқдиллик билан тасдиқланган. Айниқса, баъзи мутафаккирлар ўз асарлари орқали бевосита мафкура учун категория бўла оладиган даражада инсондаги идеал (позитив) ва ноидеал (негатив) кучларни ифодаловчи тушунчаларни яратганлар. Жумладан, Шарқда инсоншунослик бўйича жуда катта илмий тадқиқотларни амалга оширган Абу Наср Фаробий одам ва инсон тушунчаларини бир-биридан фарқлаган. У ўз асарларида: “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос “инсонийлик”дир. Шунинг учун ҳам одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим” [111], дея таъкидлаган. Мутафаккир бу фикрлари орқали одам тушунчасини инсон тушунчасига нисбатан пассив характерга эга дея баҳолаб, инсон тушунчасига эса жамиятда тинчликни сақлашда асосий роль ўйновчи ижтимоий мавжудот дея қараган.

Мутафаккир аждодларимиздан яна бири Абу Райхон Беруний идеал инсон образини ифодалашда олижаноб одам ва жавонмард тушунчаларидан фойдаланган. Мутафаккир ушбу тушунчаларни: “Олижаноб одам ўзининг жони ва ўзининг мулкидан бошқа ҳеч нарсага эгалик қилмайди, қонунан ўзига тегишли мулкни бошқаради. Агар бундай одам бошқаларнинг оғир ишини ўз елкасига олиб, улар учун ўзи машаққат тортиб, Оллоҳ унга инъом этган нарсаларни муҳтож одамларга берса, ундай одам жавонмард (фатиёт) деб аталади” [23], дея таърифлаган.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам инсон моҳиятидаги идеал (позитив) ва ноидеал (негатив) кучларни кўра олган. Навоий бундай кучларга эга бўлган инсонларни ифодалашда “аҳли маъни” ва “аҳли суврат” тушунчаларидан фойдаланган [26].

Мутафаккир “Аҳли маъни” деганда ўз эҳтиёжларини ўзгаларники билан уйғунлаштирган, жамият учун хизмат қилишдан лаззатланадиган, ҳар бир

ишнинг оқибатини ўйлаб қиладиган юксак маънавият ва тафаккур соҳибларини назарда тутган. “Аҳли суврат” тоифасига эса инсоний муносабатларда фақат шаклу шамойлга муҳим эътибор берувчи кишиларни киритган. Уларга виқорли бўлиш, кибрланиш, зеб-зийнатга берилиш, ўзгаларга зулм ўтказишдан хузурланиш хосдир, - деган. Бу тоифадаги кишилар кучлилар олдида кул, ожизлар учун зулмкор. Улар ўз эътиқодсизликлари туфайли фақат бугунги кун хузур-халовати билан яшайдилар, бу билан у дунёларини куйдирадилар [97], - дея таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг янги босқичида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг ижтимоий зарурият эканлигини асослаш имконини берувчи қуйидаги жиҳатларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим:

**биринчидан**, глобаллашаётган дунё шиддат билан ўзгараётган, миллий ўзликни англаш, мустаҳкамлаш жараёнларига турли ёт ғояларнинг салбий таъсири ортиб, одамларнинг онги ва қалби учун кураш кучайиб бораётган бугунги кунда миллий ғоя бўйича таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишлари мамлакатимиздаги янгиланиш суръатлари, жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва кенг қамровли ислоҳотларнинг талабларидан ортда қолмоқда;

**иккинчидан**, дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини англаш даражасининг пастлиги, бу борадаги яхлит тушунча ва тасаввурларнинг етарлича шаклланмагани, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес каби трансчегаравий таҳдидларга қарши курашишида миллий ғоя омилидан самарали фойдаланиш имкониятини бермаяпти;

**учинчидан**, мамлакатимиз тинчлиги, жамиятимиз барқарорлиги, умуминсоний, миллий ва диний қадриятларимизга қарши қаратилган, миллий ўзликни англаш, халқимиз асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзини

барбод қилишга йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ишлари замон талабидан ортида қолмоқда;

**тўртинчидан,** оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, глобал интернет тармоғи орқали тарқатилаётган бузғунчи ғоялар, ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи “жозибатор” тасвирлар ва медиамаҳсулотлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий ва ғоявий-тарбиявий ишлар натижадорлиги сезилмаяпти;

**бешинчидан,** “миллий ғоя” туркумидаги ижтимоий фанлар мазмунининг реал ҳаёт, ёшларнинг маънавий қизиқишлари ва фаолият соҳалари билан боғлиқлиги таъминланмаган, ўқув режалари ва дастурларида такрорланиш ҳолатлари мавжуд, мазкур фанларни ўқитишга тизимли ёндашув билан боғлиқ масалаларга етарлича эътибор қаратилмаган;

**олтинчидан,** ғоявий-тарбиявий масалаларни ҳал қилиш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ташкил этиш бўйича давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва хусусий секторнинг ҳамкорлиги етарлича йўлга қўйилмаган.

Таъкидлаш керакки, шу кунгача, чуқур ғоявий билимга эга бўлган ва мафкуравий таҳдидларга қарши тура олиш кўникмасига эга бўлган ўқувчилар кундалик фаолиятда мазкур билим, кўникма ва малакалардан фойдаланиш лаёқатига эга бўлиши, аниқроқ айтганда ғоявий-мафкуравий компетентликка эга бўлиши лозим. Б.Ходжаевнинг “Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш” мавзусидаги педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида “ғоявий-мафкуравий компетенция”, Д.Маматқуловнинг “Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш”

мавзуидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида “мафкуравий компетентлик” тушунчаси илмий истеъмолга киритилган. Бироқ бизгача амалга оширилган тадқиқотларда “ғоявий-мафкуравий компетентлик” тушунчасининг қўлланилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, ғоя биз қурмоқчи бўлган буюк давлат, биз орзу қилиб яшамоқчи турмуш тарзи аломатларини белгилаб беради. Зотан, миллат ўз стратегик тараққиёт ғояларига, миллий тафаккурига эга бўлмаса миллат бўла олмайди. Аниқ, равшан стратегик вазифа бўлмаса, на бирор халқ, на бирор жамият ўз истиқболини кўра олмайди. Миллий ғоя миллат келажаги, тараққиёти ва истиқболини олдиндан кўриш ва илмий фаҳмлашда катта ўрин тутаяди. Мафкура дейилганда, ижтимоий онг маҳсули сифатида муайян ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг дунёқарашини ифодалайдиган илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ёхуд бошқа томондан тизимга солинган ғоялар, тамойил ва категориялар йиғиндиси ҳамда уларнинг амалиётга татбиқ этиш йўллари, усул ва воситалари мажмуасини назарда тутиш лозим. Албатта, у мураккаб таркибий қисмга эга эканлигини, яъни у муайян тизимга солинган ғоялар, категориялар, тамойиллар ҳамда ушбу назарий қисмни амалиётга татбиқ этувчи субъектив омиллар ҳамда мафкуравий амалиётда қўлланилган йўللар, усуллар ва воситаларни ўз ичига олишини таъкидлаш лозим.

Иккинчидан, умумтаълимий компетенциялар билан мафкура ўртасида ўзига хос диалектик алоқа мавжудлигини эътироф этиш лозим. Зеро, ўқувчиларда миллий ва умуммаданий, фаол фуқаролик компетенциясини шакллантиришда мамлакатнинг расмий (хукуқий асосга эга) ёки норасмий (хукуқий асосга эга бўлмаган) мафкураси албатта роль ўйнайди. Бинобарин, мафкура соҳасини тўлиқ тадқиқ этмасдан туриб, ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини таркиб топтириб бўлмайди.

Учинчидан, тадқиқот ишида ғоявий-мафкуравий компетентлик тушунчаси янги атама сифатида илмий истеъмолга киритилаётган бўлиб,

таклиф этилаётган таърифга кўра, ғоявий-мафкуравий компетентлик деганда, ўқувчининг ғоя ва мафкура соҳасида чуқур билимга эгаллиги ва муайян мафкура бўйича кучли эътиқод (мафкуравий иммунитет)нинг шаклланганлиги ҳамда бунёдкор ғояларни кундалик фаолиятда қўллаш олиш лаёқати тушунилади.

## **1.2. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир илғор хорижий тажриба таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишида «Мамлакатимиз тинчлиги, жамиятимиз барқарорлиги, умуминсоний, миллий ва диний қадриятларимизга қарши қаратилган, миллий ўзликни англаш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ишлари замон талабидан ортда қолаётгани» [8] алоҳида таъкидланди. Ушбу муаммони ҳал қилиш дунёнинг ривожланган мамлакатларида миллий ғоя ва унинг тарғиботини қиёсий ўрганишни талаб қилади.

Ривожланган мамлакатларда миллий ғоя давлат мақсадларини халқ мақсадларига уйғунлаштиришда, ягона ҳудуд – ягона халқ эътиқодини шакллантиришда, Ватан ва давлат, халқ ва миллат тушунчаларини ғоявий нуқтаи назардан бирлаштириб, мамлакатлар аҳолисини умумий мақсад йўлида сафарбар қилганлигини кўрамыз.

Масалан, «Тарих – синтоизм – конфуцийлик – самурайлик иродаси» қадриятлар тизими негизида япон миллий ғояси шаклланган. Японияда миллий ғояни сингдириш воситаси сифатида қадриятлар тизимидан фойдаланилди. Натижада «Миллий ғоя – миллий иқтисод – миллий

тараққийет» училиги асосида миллий ғоя «Япон мўъжизаси»нинг таянчи, маънавий куч-қудрат манбаига айланди [103].

Япониянинг “Таълим тўғрисидаги фундаментал Қонуни” [137]да таълим муассасаларига тинчлик ва инсонийлик идеалларига амал қилувчи миллатни шакллантириш миссияси юклатилган. Яъни шахс сифатларини тўлиқ ривожлантириш; тинчликпарвар давлат ва жамият қурувчиларини тарбиялаш, ҳақиқатпарварлик ва адолатлилик; шахсий эркинлик; меҳнатсеварлик; масъулиятлилик; мустақил фикрлилик; ўзгалар билан ҳамкорлик, мустақил фикрга эгалик; анъанавийлик билан замонавийликни англаш; халқаро ҳамкорликка тайёрлик; кундалик турмуш малакаларига эгалик; руҳан ва жисмонан кучлилик; ўзини бахтли ва бошқалар билан уйғун қила олиш фазилатлари шакллантирилмоқда.

Таълим муассасалари учун чиқарилган “Идеал япон йигит-қизининг фазилатлари” деб номланган ҳужжатда япон ёшларида 16 фазилатни шакллантириш вазифаси белгилаб берилган. 16 фазилат 4 гуруҳга бўлинган. Булар: 1) шахсий сифатлар: эркинлик, ўзига хосликни ривожлантириш, мустақил бўлиш, ўз хоҳишларини идора қила олиш, пиетет (эҳтиром) туйғусига эгалик; 2) оила бошлиғига хос сифатлар: ўз уйини меҳр-муҳаббат, ҳаловат ва тарбия масканига айлантира олиш; 3) ижтимоий сифатлар: ўз ишига садоқат, жамият фаровонлигига ҳисса қўшиш, ижодкорлик, миллий (ижтимоий) кадриятларни ҳурмат қилиш; 4) фуқаролик сифатлари: ватанга содиқ бўлиш, давлат рамзларини қадрлаш, ижтимоий фаоллик, энг яхши миллий фазилатлар соҳиби бўлишни ўргатади.

Хитойда миллий ғоя ва миллий онгни шакллантиришда миллий заминга – Конфуций таълимотига мурожаат қилинган. Хитой Конфуций меросидан диний таълимот эмас, балки ахлоқий (ижтимоий малакалар учун) асос сифатида фойдаланди. Бу мамлакатда таълимотга нисбатан мутаассиб кайфият шаклланишининг олди олинди. Конфуцийлик ахлоқининг беш асосий устунни этиб, “Яхшилик 仁”, “Тўғрилиқ 义”, “Поклик 礼”, “Донолик

智”, “Ишончлилик 信” каби фазилатлар белгилаб олинди ва амал қилинди [137]. Бу фазилатлар Хитой маънавий-мафкуравий сиёсатида устувор мавқега эга бўлди. Буни Хитойда маънавий тарбиянинг «Она Ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш» ғояси асосида ташкил этилганлигида кўриш мумкин. Ёшлар тарбиясида бу тамойил ёшларга шахсий эҳтиёжлар ва жамоавий эҳтиёжлар ўртасидаги балансни сақлашга ўргатади [61].

Комил инсон ғоясига амалий, прагматик ва интегратив ёндашган давлатлар тезда назарий қоидалардан бугунги ва эртанги кун учун «фойда» чиқариб олди. Экспериментал педагогика ривожланди. Тарбиянинг кўзга кўринмайдиган назарий тушунчаларини кўринадиган нарсаларга – образларга, бихевиор технологияларга айлантириб, ёшларда энг зарур фазилатларни шакллантириб келишмоқда [47].

Масалан, АҚШнинг «Америка – 2000: таълимни ривожлантириш стратегияси (1991)» дастурида етук шахсга хос фазилатлар сифатида ростгўйлик, мақсадда собитқадамлик, тўғрилиқ (холислиқ), пухталиқ ва шахсий масъулиятга устуворлик берилди. Шунингдек, ёш америкаликларда жасурлик, фидойилиқ, барқарорлик, қатъийлик, тиришқоқлик, ҳамдардлик, бағрикенглиқ сингари 60 асосий фазилат шакллантирилмоқда.

Буюк Британиянинг таълим бўйича Миллий комиссияси (1993) мактабда: ёшларда ҳақиқатпарварлик, бошқаларга ҳурмат, жамият олдида бурчга содиқлик, инсонларга ғамхўрлик, маданий меросга ҳурматни шакллантириш, демократик эркин жамият фуқаролари бўлиш, бағрикенглиқ фазилатларини сингдириш, ахлоқан ва маънан кучли шахслар қилиб етиштириш вазифаларини юклади [131].

Франция таълим вазирлиги кўрсатмаларида [213] масъулиятли, ғурурли, ўзгаларни ҳурмат қилувчи, бошқалар билан ҳамкорликка тайёр, ирқчиликка қарши турувчи, мультикультурализмни қабул қилувчи, ўзининг Францияга муҳаббатини Озодлик, Тенглиқ, Қардошлиқ ғоялари билан уйғун



ривожлантирган демократик жамият кишиси фазилатларига эга шахсни тарбиялаш кўзда тутилган.

АҚШ ҳукумати ўз фуқароларида болалиқдан аниқ фазилатлар тўпламини тарбиялашни назорат қилади. Педагог олимларнинг фикрича, бу характер сифатларини ҳар бир америкаликнинг хулқида кўриш мумкин. Мисол учун «ўзини бошқаларнинг олдида эркин, бамайлихотир тутиш, «номукамаллик комплекси»дан бегоналиқ, ҳар қандай мураккаб, танг вазиятлардан саросимага тушмасдан босиқлик билан чиқа олиш, ички эркинликнинг сиёсий маданият ва қонунийлик доирасида яққол намоён бўлиши билан ажралиб туради. Бу ментал хусусиятларга болалиқдан замин кўйиб борилади» [147]. Ривожланган мамлакатлар тарбиявий тизимларида устуворлик фаол фуқаролик позицияси, юксак ахлоқлилик, маънавий кадриятлар сақланиб қолган. Ушбу кадриятларни сақлаб қолиш ва ўргатиш – таълимга оид сиёсатнинг марказий вазифаси этиб белгиланган. Ривожланган давлатлар олий таълим моделларини таҳлил қилиш асносида тарбия бу талабаларга педагогик таъсир ўтказиш йўли билан уларда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий билимлар ҳамда ўз ҳуқуқларини англаш, ижтимоий фаоллик каби фазилатлар мажмуини шакллантириш, деган хулосага келиш мумкин. Бунда биринчи ўриндаги вазифа сифатида ёшларда жамият ва давлат олдидаги бурч ҳиссини тарбиялаш туради.

Масалан, АҚШнинг 2001 йилда қабул қилинган «The Student Citizen Act of 2001» қонунида замонавий таълим олувчида қандай сифатлар тарбияланиши кераклиги белгилаб қўйилган. Хужжатда қуйидаги саккиз фазилатнинг тарбияланиши қонун томонидан талаб қилиниши қайд қилинади [209] :

1. Довбюраклик – ўз виждонига содиқлик, оломон фикрига қарши тура олиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишда қатъиятлилиқ. Биз яхши фазилатлар, эзгу тилаклар эгаси бўлишимиз мумкин, бироқ ҳаракат қилишдан, ўзимизни кўрсатишдан, қийинчиликлардан ва омадсизликдан кўрқсак, улар бизга фойда бермайди. Юксак академик тайёргарлик ҳали ана

шу билим ва фазилатлар асосида фаол ҳаракат қилиш дегани эмас. Яъни талабаларда ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиш билан бирга уларни ҳимоя қилиш, муҳим масалалар бўйича ўз мустақил фикрини билдириш, ўзига хослигини кўрсатишга уялиш, бошқаларга ўхшамай қолишдан кўркиш, иккиланиш, ўзига ишонмаслик каби шахсни сусткаш қилувчи камчиликларни бартараф этиш.

2. Тўғри қарорлар қабул қила олиш – яхши ва муҳим мақсадларни иккинчи даражалиларидан ажрата олиш, ўз ҳаракатларининг оқибатлари ҳақида фикр юритиб, соғлом фикрлаб мантиқий тўғри қарорлар қабул қилиш.

3. Ҳалоллик – тўғрисўзлик, ишончли ва ҳалол бўлишни таъминловчи ички кучни шакллантириш лозим. Адолат ва ғурур билан ҳаракат қилишга ўргатиш.

4. Меҳрибонлик – ўзгаларга эътиборли бўлиш, хушмуомалалик, ёрдамга ҳозирлик, бошқаларни тушуниш, қайғуриш, ҳамдардлик, дўстлик, сахийлик, ўзига раво кўрмаган нарсани бировга ҳам раво кўрмаслик кўникмаларини шакллантириш.

5. Қатъиятлилиқ – қийинчиликларга чидамлилиқ, уларни енгиб ўта олиш, бошлаган ишини охирига етказиш.

6. Ҳурмат – одамларга, хусусан, раҳбарият ва ўзига, мулкига ва Ватанини доим ҳамма жойда ҳурмат қилиш.

7. Масъулиятлилиқ – ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда собитлик, ишончилиқ, берган ваъдасининг устидан чиқиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб бериш, жамият ҳаётида фаол бўлиш. Ҳозирги ёшларда кўпинча масъулиятлилиқ, атрофидаги кечаётган воқеаларга дахлдорлик тажрибаси етишмайди. Ёшлар кўпроқ тафаккур қилиб, атрофни ўзгартиришда шахсий масъулиятлари ҳақида ўйлашлари лозим. Ҳозирги замон фуқаролик тарбияси талабаларни билиш ва ҳаракат қилишга ўргатиши лозим.

8. Ўзини идора эта олиш – қаттиқ меҳнат қилишга тайёрлик, мақсадга эришиш учун интилиш, ўзида иродани тарбиялаш, доимий ривожланиш ва

обрў, ўз шаъни, ор-номусини пок тутиш. Бу эса ўз навбатида ўз сўзларини ва харакатларини бошқариш, зарарли одатлардан тийилиш ва ўзини энг яхши томондан намоён этиш кабилардир.

Юқоридаги фазилатларни тарбиялашда муайян тамойилларга амал қилинади. Жумладан, маънавий тарбия стратегиясини ишлаб чиқиш, тарбиявий жараёнда жамоатчилик иштирокини таъминлаш, шакллантирилаётган фазилатларнинг аниқлиги, таълимнинг таълим мазмуни билан алоқадорлиги, мисол ва тажриба ёрдамида тарбиялаш, кўрилаётган тарбиявий ишлар натижаларини баҳолаб бориш, тарбиявий иш билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини изчил ошириб бориш, талабалар фаолиятини тарбиявий мақсадлар асосида ташкил қилиш, тарбияни дастурлаштириш ва самарадорлигини таъминлаш[209] каби тамойиллар интеграциясига амал қилинади.

АҚШнинг «Педагогик энциклопедиясида» (2001) фуқаролик тарбиясининг мақсади «АҚШ фуқароларининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда ҳукуматнинг ишлаш механизларини ўрганиш» сифатида белгиланиб, унга «жамиятдаги конституцион тузумни сақлаш ва мастаҳкамлашга хизмат қилувчи фикр, малака, кўникма ва одатларни ривожлантирувчи тарбия» сифатида таъриф берилади [148].

Фуқаронинг шаклланиши қуйидаги бир қатор муҳим ижтимоий-педагогик ғоялар билан боғлиқ. Яъни, фуқаролик жамиятининг бардавомлиги ўсиб келаётган авлодларни тарбиялаш ва таълим бериш билан таъминланади ва такомиллаштирилади; фуқаролик кўникмаларини болаликдан шакллантириш лозим; фуқаролик тарбияси уч унсур: фуқаролик билимлари, фуқаролик кўникмалари, фуқаролик позициясидан иборат [78], деб ҳисобланади.

Фуқарошунослик бўйича АҚШ «Миллий стандартлар»ида билим компоненти беш асосий йўналишда намоён бўлиб, уларни фуқаровий ҳаёт, сиёсат ва ҳукумат; Америка сиёсий тизими асослари; Америка демократияси тамойиллари; Американинг бошқа давлатлар билан муносабатлари ва

давлатнинг жаҳон сиёсатида тутган ўрни; АҚШ фуқаросининг демократияни таъминлаш ва ривожлантиришдаги ўрни ташкил этади.

«Америка орзуси» (American Dream, 1931) – миллатнинг маънавий кудрати, онаси деб тушунилиб, эркинлик ёки имкониятларнинг идеалини мужассам қилади, деб ҳисобланади. Америкаликлар мафқурасиз давлат бошқарувида тизимлилик бўлмайди, тизимсиз эса самарали сиёсат бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблашади. Шу муносабат билан америкалик сиёсий арбоб У.Сэфайр «Агар Америка тузуми – скелет бўлса, американча орзу – унинг қалбидир», деган эди. «Америка орзуси»нинг асосий тушунчаларини шахс эркинлиги, эркин тadbиркорлик, демократия, муваффақиятга эришишга қаратилган меҳнат ташкил қилади [103].

Канадада эса ёшларнинг фуқаролик билимлари базаси фуқаролик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий (сиёсий ва институционал тизимларнинг тузилиши ва фаолияти; мультикультурализмнинг Канада жамиятидаги ўрнини топиш; жамият ва сиёсий тизимнинг жойлашуви; маданий-тарихий мерос каби тўрт йўналишдаги маълумотларни ўз ичига олиши белгилаб қўйилган.

Буюк Британияда фуқароликнинг уч таълимий компонентлари мавжуд бўлиб, улар ижтимоий ҳаётни тартибга солишнинг сиёсий асослари, ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий қонуний асослари, халқаро муаммолар ва Буюк Британиянинг халқаро майдондаги сиёсатини ўз ичига олади.

Австралияда эса ёшларнинг фуқаролик билимлари уч асосий йўналишга бўлиниб, сиёсий, мафқуравий, иқтисодий ва маданий (қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг иш тамойилларини билиш); жамиятда плюрализм ва мультиплюрализм асослари ва уларнинг демократик жараёнларда фуқаролар билан алоқаси; давлатдаги ижтимоий ва сиёсий муносабатларнинг тарихий босқичлари; экологик, иқтисодий, технологик ва ижтимоий асосга эга глобал муаммолар ўрганилади.

Фуқаролик тарбиясининг умумий унсурлари бу – фуқарога ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширишга имкон берувчи интеллектуал ва амалий

фуқаролик кўникмаларидир. Интеллектуал кўникмаларнинг ривожланганлик даражаси фуқаролик жавобгарлигининг самарадорлигини белгилайди. Олий таълимда билим олаётган ёшлар байроқ, герб, миллий ёдгорликлар, мерос каби фуқаролик қадриятларига таъриф бера олишлари, мамлакат тарихининг муҳим тарихий, иқтисодий, сиёсий воқеаларига баҳо бера олишлари лозим.

Тадқиқотчи П.И.Третьяковнинг фикрича, юқоридаги педагогик саъй-харакатлар ўқувчиларнинг “ватанпарварлик, фуқаролик жамияти ва конституциянинг маъносини англай олишлари”га қаратилади [222]. Бунда давлат мадҳияси ва турли тадбир, маросимлар алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, келажакда ушбу унсурлар фуқароларнинг кундалик ҳаётида муҳим роль ўйнаб, сиёсий бошқарув тизимлари, ҳуқуқий ва қонунчилик тизимлари, давлат ва жамоатчилик назоратининг ўрнини тушунтириш ва тушуниш ижтимоий ҳаётда тўғри ҳаракат методлари ва воситаларини танлай олиш ҳамда факт ва фикрларни фарқлаб таҳлил этишга имкон яратади.

Америкалик педагоглар тарбиявий ишларнинг асосий вазифалари қаторига мустақил билим олиш кўникмаларини ва уларнинг интеграл диагностикасини ҳам қўшишади. Шакллантирилган амалий иштирок кўникмалари келажакда жамият ҳаёти ва сиёсий жараёнларга самарали ва масъулиятли таъсир ўтказиш учун талаб этилади. Шунинг учун бу кўникмалар талаба шахси шаклланишининг дастлабки босқичлариданоқ ўргатиб борилиши ва таълимнинг барча босқичларида давом этиши лозим. АҚШ ўқув муассасаларида қабул қилинган тарбиявий иш шакллари суҳбатдошни диққат билан эшитиб, унинг фикр ва ғояларини дўстона ва танқидий тинглаш, низоларни ҳал қилиш, мурасага келиб, ўзаро розиликка эришишга ўргатади. Бунда тьюторлар<sup>1</sup> электрон ресурслардан ҳамда ўзларининг шахсий алоқалари орқали ижтимоий сўровлар ўтказиб боришади.

---

<sup>1</sup>Тьютор — тарихан шаклланган алоҳида педагогик лавозим. Тьютор ўқувчи ва талабалар учун индивидуал таълим-тарбия дастурларининг ишлаб чиқилишини таъминлайди ва мактаб, олий таълим муассасалари, қўшимча таълим тизимида яқка таълим-тарбия жараёнини ташкил этади. Тьюторлик Ўзбекистонда Иқтисодиёт университетида жорий қилинган.

Шу тариқа талаба-ёшлар ўз мамлакатларидаги ислохотларда фаол иштирок этишга ўргатиб борилади.

АҚШ таълим-тарбия доктринасида масъулият, ўз-ўзини идора этиш ва ҳар бир инсонни ҳурмат қилиш ҳамма учун мажбурий ҳисобланади. Шу мақсадда талаба-ёшларда ижтимоий йўналган фазилатлар – очик кўнгиллилик, ўзгаларга ҳурмат, қонунга итоат қилиш, воқеликка танқидий баҳо бериш ва муросалилик шакллантириб борилади.

Австралия таълим муассасаларида тўғрилиқ, оламда ўз ўрнини билиш, тадбиркорлик, ташаббус каби фуқаролик ғоялари асосида юзага келган демократик меросга ҳурмат билан бир қаторда ижтимоий йўналган шахс характериға хос қирралар – бағрикенглик, давлатнинг кўпмиллатли меросини сақлаб қолишга интилиш, киришувчанлик, хайрихоҳлик каби фазилатлар тарбияси устувор саналади.

Буюк Британия тарбиявий доктринасида ҳар бир инсонда индивидуал йўналган шахс қирралари бўлиши шарт ҳисобланади. Шу сабабли ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятли бўлиш, ўзи ва ўзгалар истикболи ҳақида қайғуриш, ўз ҳаракатларининг ўзгаларга қандай таъсир этиши ҳақида ўйлаш, аввал ўйлаб, кейин қарор қабул қилиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, каби сифатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ижтимоий йўналтирилган шахснинг сифатлари – жамият юксалиши ҳақида қайғуриш, низоларни бартараф этишга интилиш, умумий манфаат учун жамоада ишлашга тайёрлик, ўзгалар нуқтаи назарини қабул қила олиш, ўз ҳаракатларига масъулият билан ёндашув, ўзи ва ўзгалар ҳақида қайғуриш, ўз хатти-ҳаракатларининг бошқаларга қандай таъсир этишини ўйлаб иш тутиш, ўз хатти-ҳаракатларининг кутилмаган натижалари учун жавоб бера олиш, масъулиятлилик ва бағрикенглик, индивиднинг сиёсий самарадорлиги, умумий муваффақият ва охир-оқибат энг муҳими жамиятнинг маънавий юксалиши учун ўта муҳим [78] ҳисобланади.

«Journal of American Indian Education» журнали тарбиявий фаолият стратегияси ҳақида сўз юритиб, «яхши инсон»ни шакллантириш биринчи

навбатда ахборот, маърифат, онгнинг ривожланиши, қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш, танқид, ижодий фаоллик, сиёсий, маданий ва иқтисодий соҳаларда мустақил қарор қабул қила олиш каби кўникмаларни интеграл шакллантириш орқали кечиши лозим»лигини таъкидлайди [220].

Жанубий Кореяда XX асрнинг 50-йилларида «табиий ресурслар чекланган, ижод чекланмаган» деган шиор кўтарилган. Бу – юксак интеллект комил инсон фазилатларининг гултожигга айлантиришни англатар эди. Юқоридаги қиёсий фикрларни хулосалаб шуни айтиш мумкинки, ривожланган давлатларнинг бугунги тараққиётига «фазилатлар педагогикаси» асосида ёндошиш ўзининг юксак самараларини берганини кўрсатади. Таълим соҳасида яхши баҳо учун энг муҳим талаб билим, консепт, давомат эмас, балки талабанинг ўз билимини ҳаётнинг турли вазиятларида амалиётда қўллаш олишини кўрсата олишидир [220].

Миллий ғоянинг асоси Жанубий Кореяликларнинг миллий ўзлигига ва ёшлар тарбиясига таяниши билан ажралиб туради. Бунда миллий ғоя ёшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеаллар орқали сингдириб борилади. Ёшларни тарбиялашда оила институти асосий ҳисобланади. Шунинг учун корейс оилаларида умумий бюджетининг 56%и фарзанд учун сарфланади [220].

“... инвестиция деймиз, ислоҳотлар деймиз, модернизация, деймиз. Лекин бу ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад нима ўзи? “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир”, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев. Ушбу фикр миллий ғоя назарияси ва амалиёти учун ўта муҳимдир. Зеро, миллий ғоя рўёби халқнинг муайян вақт ва маконда ўзини бахтли деб ҳис қилишида, шукронасида, ҳаётдан розилигида намоён бўлади.

Бунда ғоя рўёбининг ҳар бир инсон ҳаёти натижаларига трансформациясини кўриш мумкин. Яъни бахт (ҳаётдан розилик) – хавфсизлик, соғлиқ, бойлик, меҳр, кўриш, билимлилик, гўзалликдан баҳрамандлик, эътироф қозониш каби компонентлардан иборатлигидан

келиб чиқсак, Ҳаракатлар стратегияси, ислохотлар амалда шунга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон, яъни умуммиллий масштабда, миллатидан, динидан, жинсидан, ёшидан, касбидан қатъий назар ҳар бир ўзбекистонлик ўз давлатидан, соғлигидан, оила, болаларидан, ишидан, қилган меҳнатидан, ҳокимиятдан, маҳалласидан, ўзининг жамиятдаги ўрнидан, ҳурмат-эътиборидан розилик ҳисси бахт туйғусини ҳосил қилишга замин яратади.

Педагогика нуқтаи назаридан инсон жисмоний, маънавий ва ғоявий томондан мукаммаллашуви тарбия орқали амалга ошади. Тарбия кенг маънода ижтимоий-маданий тажрибани махсус ташкил этиш йўли билан авлоддан-авлодга ўтказиш ҳамда боланинг ички асослари рўёбга чиқиши учун шарт-шароит яратиш жараёни ҳисобланади [56].

Тарбия жараёни жуда кенг кўламли жараён бўлиб, унинг турлари ичида ғоявий тарбия ўзига хос ўринга эга. Ғоявий тарбия деганда инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён тушунилади. Ғоявий тарбия жамиятда мафкуравий муассасалар ҳисобланмиш кўплаб ижтимоий институтлар орқали амалга ошади. Зеро, ғоявий тарбияни кўламли, изчил ва узлуксиз равишда ташкил этиш жараёнини мафкуравий муассасаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

### **1.3. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг назария ва амалиётдаги ҳолати**

Мустақиллик даврида барча соҳалар қатори мафкура соҳаси ҳам олимлар томонидан тадқиқ этилди ва ушбу йўналишда кўплаб илмий адабиётлар яратилди. Мазкур адабиётларда, албатта, мафкура тушунчасига таърифлар берилган. Жумладан, мустақилликнинг даслабки йилларида Ж.Туленов, Э.Юсупов, З.Ғафуров ҳаммуаллифлигида нашр этилган «Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари» номли кўлланмада «мафкура кенг маънода – муайян бир жамиятдаги мавжуд бўлган



хар бир социал гуруҳ, миллат ва элат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлар манфаатини ифодаловчи ва уларга хос бўлган ғоялар тизимини ташкил этади ва ўзининг ранг–баранглиги билан ифодаланади.

Тор маънода – мафкура жамиятимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг умумий муддаоларини ифодаловчи ҳамда уларнинг бошини бириктириб, жипслаштириб битта асосий мақсадга, яъни республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ундайдиган миллий истиқлол ҳақидаги ғоялар, билимлар йиғиндисини ташкил этади» [72], дея таърифланган.

С.Мамашокиров, Ш.Тоғаевлар томонидан яратилган «Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари» номли китобда «мафкура – ғоянинг манфаатлашган мазмуни, шакли, қисми, томони, кўриниши, қиёфаси ва характеридир. Айни пайтда, мафкуранинг амал қилишида одамларнинг ундаги ғояларга бўлган ишонч – эътиқоди муҳим ўрин тутаяди. Бу ҳолда мафкурани тавсифловчи асосий омиллар: а) кишиларнинг талаб, эҳтиёж – манфаатлари ва уларни қондириш усул – восита, механизмлари; б) ғояларга бўлган ишонч – эътиқоднинг намоён бўлишидир» [53], дея таърифланган.

Мафкура тушунчасига атрофлича ёндашув, унинг жамият тараққиётидаги ўрни масалалари юртимиз олимлари томонидан кенг таҳлил этилган. Жумладан, мафкура тушунчаси, миллий мафкуранинг баркамол шахсни тарбиялашдаги аҳамияти, шахс маънавияти ва миллий тарбия муаммолари М.Қуронов [90, 91, 92], миллий маънавиятимиз ва мафкурамизнинг назарий ва тарихий-тадрижий масалалари М.Бекмуродов [30], ижтимоий-миллий онглилик, фаоллик, миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғусини шакллантиришнинг асосий манбалари бўлган миллий ғоянинг моҳияти И.Эргашев, Х.Худайбердиев, А.Қаҳрамоновлар [83], маънавият ҳамда мафкура тушунчаларининг узвий боғлиқлиги ва алоқадорлиги, мустақиллик ва шахс маънавиятини шакллантириш масалалари А.Очилдиевлар [62]нинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаби раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш соҳасида тадқиқотлар олиб борган Д.Маматкулов педагогик нуқтаи назардан мафкура тушунчасига куйидагича таъриф берган: «Мафкура бу, муайян ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг дунёқарабини ифодалайдиган илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа (масалан, диний) томондан тизимга солинган ғоялар, тамойил ва категориялар йиғиндиси ҳамда уларнинг жамият ҳаётига татбиқ этиш йўллари, усул ва воситалари мажмуаси ҳисобланади» [174]. Бинобарин, мафкура ижтимоий борлиқнинг, кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий-сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгида акс этиши, инсон томонидан англаниб, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг амалий фаолиятида назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидан иборат.

Одатда ҳар бир давлат, жамият ўзи бошқараётган тарихий вазифани асословчи ва барча ижтимоий гуруҳ ва қатламлар, элатлар ва миллатлар, диний эътиқодлар вакиллари шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жипслаштирувчи умумхалқ мафкурасига эга. Шу билан бир қаторда умумдавлат мафкураси талаблари ва қоидалари доирасида жамиятдаги, мамлакатдаги ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, табақалар, миллатлар, элатлар, турли дин вакиллари, ўз мафкураларини ишлаб чиқишлари мумкин ва зарур. Чунки, бундай иш умумдавлат, умуммиллий мафкурани янада аниқлашга, бойитишга хизмат қилади, унинг ҳар бир фуқарога етиб боришини таъминлайди.

Шунга кўра, мафкура муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш усулларини ўзида мужассам эттирадиган ғоялар тизимидир.

Миллий мафкура эса мафкуранинг кўринишларидан бири бўлиб, у ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Миллий мафкура деб маълум миллат, элат манфаатларига хизмат қиладиган, унинг орзу-умидлари,

мақсад-муддаолари, интилиш, ният, мақсадларини акс эттирадиган фикрлар, ғоялар йиғиндисига айтилади.

Ўзбекистон миллий мафкураси инсоният тарихидаги энг ажойиб ғояларга, яъни инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ижтимоий адолат, тенглик, ҳамжихатлилик, ўзаро тотувлик, иноқлик, дўстлик – биродарлик ҳақидаги ғоя ва таълимотларга асосланганлиги билан эътиборга сазовордир.

«Мустақиллик мафкураси – жамият аъзоларининг ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, миллатлар ва элатлар, оммавий ҳаракатлар, диний уюшмалар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар, тадбиркорлар ва бошқа ижтимоий субъектларнинг умумий манфаат ва муддаоларини ўзида акс эттирувчи ва мужассамлаштирувчи, унинг хатти – ҳаракатларини, фаолиятини, фикр-зикрини ягона бир мақсадга – мустақилликка эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтирувчи ғоялар ва билимлар мажмуи. Мустақиллик мафкураси мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш орқали жамият ривожланишини тезлаштирадиган муҳим омиллардан биридир» [189].

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, ғоя ва мафкура ўзаро бири-бири билан алоқадор тушунчалар бўлиб, уларни алоҳида қараш ўринли бўлмайди. Ҳозирги вақтгача амалга оширилган аксарият тадқиқотларда ғоявий-мафкуравий тарбияни алоҳида объект сифатида тадқиқ этиш кўзга ташланади.

З.Қосимова ўзининг «Ўқувчи-ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари (Олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ишлари мисолида)» мавзусидаги номзодлик диссертациясида «ғоялар ҳақидаги билимлар»ни мафкуравий кўникманинг элементи сифатида талқин қилади [243]. Шунингдек, тадқиқотчи «мафкуравий иммунитет», «мафкуравий тарбия» тушунчаларини кенг қўллаган ҳолда, «ғоявий иммунитет» атамасини ҳеч бир ўринда ишлатмайди. Аслида, ғоявий

иммунитетни шакллантириш орқали мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш лозимлигига ишда алоҳида эътибор қаратилиши лозим эди.

Б.Мирзаолимов «Ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари («Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мисолида)» мавзусидаги номзодлик диссертацияда «ғоялар тизими мафкурани яратади», деган фикрга таянган ҳолда, мафкуранинг айнанлигини инкор этади [181]. Шу билан бирга, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзига хослигини эътироф этган ҳолда, «ғоявий-мафкуравий таълим ва тарбия», «ғоявий-мафкуравий билим», «ғоявий-мафкуравий фаолият» тушунчаларини кенг талқин қилади.

Оилада миллий тарбия жараёнининг методик асосларини тадқиқ этган А.Мухсиева ўз тадқиқотида «миллий мафкуравий онглилик» тушунчасини қўллаган. Миллий истиқлолий фазилатлар масаласини ёритиш жараёнида муаллиф мафкуравий иммунитет асосларининг мезоний тавсифини баён этган [184]. Тадқиқотда «мафкуравий онглилик», «мафкуравий иммунитет» тушунчаларини қўллашда яқдиллик кўзга ташланмайди. Тадқиқотчида мазкур масала талқинида иккиланиш борлиги англанади. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, тадқиқотнинг мақсади оилада миллий тарбия жараёнини ташкил этиш масаласига қаратилганлиги учун ҳам мазкур масалани чуқур таҳлил этиш эҳтиёжи пайдо бўлмаган бўлиши мумкин.

М.Таджиеванинг «Педагогика коллежлари ўқувчиларини миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш методлари тизими» деб номланган тадқиқотида ўқувчиларни миллий истиқлол ғояси, яъни миллий кадриятлар, миллий маънавият асосида тарбиялашнинг интерфаол методларини қўллаш тажрибаси кўрсатиб берилган бўлса-да, «ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш, «миллий истиқлол ғояси» атамасига муаллифлик ёндашуви асосида таъриф беришга эътибор қаратилмаган» [216].

М.Абдужабборованинг «Ўсмирлар орасида олиб бориладиган мафкуравий профилактика ишларининг ижтимоий-педагогик асослари

(маҳалла фуқаролари йиғинларининг диний маърифат ва маънавий–ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти мисолида)» мавзусидаги номзодлик диссертациясида эса «ғоя» ва «мафкура» тушунчалари таҳлил этилмаган. Муаллиф томонидан «маҳалла мафкуриси» тушунчаси қўлланилган ва қуйидагича таъриф берилган: «маҳалла мафкуриси – бу бир маҳалла аъзоларига хос нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий карашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи. У маҳалла маънавий-сиёсий моҳиятининг инъикосидир, унинг ижтимоий-педагогик акс эттирилиши, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши бузғунчи ғояларга қарши таянчни ҳосил қилади» [113].

Ҳ.Норқуловнинг «Ота-оналарнинг ғоявий-тарбиявий билимларини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари» мавзусидаги диссертациясида «диндош», «миллатдош», «беғараз ёрдам» ниқоби остидаги ёт ғоялардан ўқувчи-ёшларни ҳимоя қилишга доир ота-оналарнинг ғоявий билимларини ошириш масаласи [194] тадқиқ этилган бўлиб, тадқиқотчи томонидан «ғоя», «мафкура», «ғоявий-тарбия» тушунчаларига бирор-бир таъриф кўзга ташланмайди. Тадқиқотда ғоявий-тарбиявий билимларни ошириш ҳақида фикр юритилар экан, ота-оналарда ғоявий-тарбиявий билим бўлиши мумкинлиги, лекин уларнинг бу билимларни кундалик фаолиятда қўллаш лаёқатига эғалигини аниқлаш эътибордан четда қолдирилган.

Г.Ибрагимова «Касб таълими тизимида миллий истиқлол ғояси асосида ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантириш» мавзусидаги докторлик диссертациясида ғоя инсон мақсад-муддаосини ифодалайдиган фикр, мафкура эса ғоялар тизими сифатида талқин этилган [142]. Мазкур ҳолатда ҳам «мафкура» ғоявий иммунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи шакл, метод ва воситалар мажмуи эканлигига эътибор қаратилмаган.

Ш.Акрамованинг «Бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш» мавзусидаги докторлик диссертациясида педагогик тадқиқотлардаги ғоявий иммунитет

тушунчасининг ўрнига «мафкуравий иммунитет» атамасини кўллаш анъанаси давом эттирилган. Диссертация мазмунида божхона хизмати ходимларининг касбий тайёргарлиги билан боғлиқликда «мафкуравий компетенция» масаласининг устувор аҳамият касб этганлигини кўриш мумкин [116].

Бироқ фалсафа соҳасида амалга оширилган тадқиқотларда миллий ғоя, миллий истиқлол ғояси, миллий тараққиёт ғояси каби тушунчалардаги умумийлик ва айримликни фалсафий таҳлил этиш, миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларини айнан бир маънода талқин этиш илмийликка хилоф экани кўрсатиб ўтилган. Жумладан, М.Тиллаволдиеванинг «Мафкура ва ижтимоий тараққиёт: ўзаро алоқадорлик (фалсафий таҳлил)» деб номланган номзодлик диссертациясида «мафкура нафақат ғоялар тизими, балки айнаи чоғда, у бош ва асосий ғояларни одамлар онгига сингдириш, маълум бир йўналишдаги дунёқарашни индивидлар имон-эътиқодига айлантириб, яъни умумий ҳаракатни вужудга келтирадиган ижтимоий институтлар, воситалар, услублар мажмуасидир» [219], деган ҳақли хулосага келинган.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, педагогик тадқиқотларда ғоявий-мафкуравий компетентликни мафкуравий иммунитет ва профилактика билан боғлиқликда талқин этишга алоҳида эътибор қаратилган. Миллий ғоя замонавий талқинда социал капитални, яъни “халқни уюшган ҳаракатга келтирувчи нормалар, норасмий қадриятлар мажмуи”, деган маънога ҳам эга. Шу маънода миллий ғоя ва мафкура Ўзбекистон халқининг умумий мақсадга эришиш ресурсларини ифодалайди.

Таълим турларининг барчасида миллий ғоя туркумидаги фанлар ўқитилган. Миллий ғоя туркумидаги фанлар бу – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши асосида мамлакат таълим тизимига жорий қилинган янги ном ва мазмундаги ўқув фанларидир. Улар – 1-4-синфларда ўқитилган «Одобнома» («Азбука этики»),

5-6-синфларда ўқитилган «Ватан туйғуси» («Чувство Родины»), 7-, 8-, 9-синфларда ўқитилган «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» («Идея национальной независимости и основы духовности»), коллеж ва лицейларда, олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларида «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» («Идея национальной независимости: Основные понятия и принципы»), шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим босқичидаги «Маънавият асослари» («Основы духовности») фанларидан иборат [5].

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» туркумига кирувчи фанларни ўқитишнинг мақсади: ўқувчиларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўқувчилар қалби ва онгига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ғоясининг моҳиятини сингдириш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш ва мафкуравий иммунитетини, таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришдан иборат.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» туркумига кирувчи фанларни ўқитишнинг вазифаси: ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга ўргатиш, уларда фаол фуқаролик нуқтаи назарини, миллий ғурур, бағрикенглик ва соғлом эътиқодни шакллантиришдан иборат.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» туркумига кирувчи фанларни ўқитишда компетенциявий ёндашув татбиқ этилган (1.3.1-жадвал).

### 1.3.1-жадвал

#### Умумий ўрта таълим муассасаларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» туркумига кирувчи фанларни ўрганиш босқичлари

| Таълим босқичи     | Битирувчилар  | Стандарт даражаси | Даража номланиши  |
|--------------------|---|-------------------|---|
| Умумий ўрта таълим | Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синф битирувчилари  | A1                | «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» туркумига кирувчи фанлар (Одобнома)ни ўрганишнинг бошланғич даражаси                                |
|                    | Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчилари  | A2                | «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» туркумига кирувчи фанлар (Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари)ни ўрганишнинг таянч даражаси |
|                    | Умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф битирувчилари | B1                | «Маънавият асослари» фанини ўрганишнинг умумий даражаси   |

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» туркумига кирувчи ўқув фанлари бўйича таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражаси ҳамда таълим муассасалари битирувчиларига нисбатан қўйиладиган малака талаблари қуйидагилардан иборат:

#### 1. Маънавий-ахлоқий маданиятлик компетенцияси

##### A1

Одоб-ахлоқ (кийиниш, муомала, мулоқот, жамоат жойларида ўзини тутиш) маданиятига эга бўлади;

миллий ва умуминсоний қадриятларни англайди ва ҳурмат қилади.

##### A2

Оила, жамият, Ватан олдидаги бурч ҳамда масъулиятни англайди ва уларга риоя қилади;

миллий ва умуминсоний қадриятларни, миллий-маданий анъаналар, урф-одатлар, маросимларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлади;



Ватан равнақи йўлида жисмоний ва интеллектуал имкониятларини сафарбар эта олади;

миллий ва диний муносабатларда бағрикенгликни ўзида намоён эта олади;

муаммоларни вазминлик ва тинч йўл билан ҳал этади;

ҳиссиётларга берилмайди, ҳар қандай жараёнда ақл билан иш юритишга ҳаракат қилади;

жамоатчилик ишларида фаол бўлади.

## **Б1**

Бурч ҳамда масъулият ҳиссини англайди ва уларга риоя қилади;

миллий ва умуминсоний қадриятларни, миллий ўзликни англайди ва унга муносиб бўлишга ҳаракат қилади;

ўз хатти-ҳаракатларини танқидий баҳолай олади ва ўзгалар танқидини тўғри қабул қилади;

миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни ўзида намоён эта олади;

шахсий ва ижтимоий муносабатларда соғлом-маънавий муҳитни шакллантиради;

низоли вазиятларда ўзини ўзи идора қила олади;

маънавий-ахлоқий фазилатларни тарғиб қила олади.

## **2. Мафкуравий иммунитетга эга бўлиш компетенцияси**

### **A1**

яхши ва ёмон хатти-ҳаракатларни фарқлайди, уларга фикрини баён эта олади;

ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдира олади;

илмлилик инсоннинг юксак зийнати эканини англай бошлайди.

### **A2**

Ўзбекистондаги демократик ислохотлар ва дунёда кечаётган маънавий-мафкуравий жараёнларга муносабат билдира олади;

маънавий таҳдидларни англайди ва баҳолай олади;

фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилини ўзида намоён эта олади;  
ахборот ва медиа маданиятга эга.

## **Б1**

турли маънавий таҳдидлар ва мафкуравий хуружларни англайди ва тўғри баҳолай олади, муносабат билдиради;

мамлакатимиздаги маънавий-мафкуравий жараёнларда иштирок этиш ва баҳолашда фаол фуқаролик позицияга эга;

тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етади ва таъминланишига ҳисса қўша олади;

фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураша олади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида «Одобнома», 5-6 синфларда «Ватан туйғуси», 7-9 синфларда «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», 10-11 синфлардан «Маънавият асослари» ва «Дунё динлари тарихи» фанлари бўйича малака талаблари, ўқув дастурлари ва дарсликлари ишлаб чиқилган. Бироқ мазкур фанларни ўқитишда таълим иштирокчилари қуйидаги муаммоларга дуч келишган:

1.1.«Одобнома» фанини ўқитишга доир:

мазкур фанда ўқитиладиган аксарият мавзулар «Ўқиш», «Она тили», «Атрофимиздаги олам», «Жисмоний тарбия» фанларида такрор ўрганилади;

ўқув дастури ва дарсликларни ишлаб чиқишда ўрганилиши кўзда тутилган мавзулар тизимли структуралаштирилмаган ва амалий йўналтирилганлик тамойилига тўлиқ риоя қилинмаган;

дарсликларда ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларда билишга қизиқиш, иштиёқ ва майлни ҳосил қиладиган ўйин ва машқлар, арт-технологиялар ўз аксини топмаган;

ўқувчиларни ўзаро ҳамкорликда ишлаш, мазкур фан бўйича машғулотларни эркин тарбия тамойилларига асосланиб ўқитиш йўлга қўйилмаган;

бошланғич синфларда «Одобнома» фанини ўқитишда илғор хорижий, жумладан, Жанубий Корея, Япония каби Осиёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси ҳисобга олинмаган;

мазкур фанни ўқитишда асосан назарий маълумотларга эътибор қаратилган бўлиб, маънавий-ахлоқий фазилатлар қадрият сифатида англанишига етарлича эътибор қаратилмаган.

#### 1.2. «Ватан туйғуси» фанини ўқитишга доир:

мазкур фанда ўқитиладиган мавзулар мазмун-моҳиятига кўра, «Адабиёт», «Тарих» фанларида ўрганиладиган ўқув материалларини такрорлайди;

ўқув дастурида ушбу фаннинг ҳисобидан 17 соат «Конституция оламига саёҳат» курсини ўзлаштириш учун ажратилган бўлиб, йиллар давомида унинг дастурий таъминотида ўзгартиришлар киритилмаган ва алоҳида дарслик мавжуд эмас;

5-6 синфлар учун ишлаб чиқилган ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмунида тизимлилик, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига риоя қилинмаган. Мавзуларда кетма-кетлик ва изчиллик ҳисобга олинмаган;

мавзуларни ўзлаштириш шахс ривожининг когнитив (билиш) соҳасига йўналтирилган бўлиб, эмоционал ва иродавий хусусиятларини ривожлантиришга хизмат қилмайди. Мавзуларни ўзлаштириш учун асосан билимларни текширишга доир тест саволларидан фойдаланиш билан чекланилган.

#### 1.3. «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўқитишга доир:

мазкур фанда ўқитиладиган мавзулар синфлар бўйича таҳлил қилинганда кўплаб такрорий ҳолатларга йўл қўйилган. Жумладан, 6-синфда ўқитиладиган «Ватан туйғуси» фанидаги 8-мавзу (Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги) 9-синф «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанида 14-мавзу сифатида ўрганилиши кўзда тутилган. 7-синфда ўрганилган

мавзулар 8-синфда кичик ўқув бирликларига тақсимлаш асосида ўрганилиши режалаштирилган;

дарсликдаги мавзулар назарий тавсифга эга бўлиб, ўзида ўқув ахборотлари мажмуини акс эттиради. Дарсликдаги ўқув материаллари ўқувчиларни миллий ғоя ва маънавият асосларига доир билимлар билан қуроллантиришга хизмат қилиши мумкин, бироқ ғоявий-мафкуравий компетенцияларни (фазилатлар) шакллантиришга имкон бермайди;

мазкур фанлардан дарсликларни ҳар беш йилда нашр этирилиши улардаги ўқув материалларини янгилаб бориш имконини бермайди. Умумий ўрта таълим мактабларида 2020 йилгача фойдаланиб келинган дарсликлар охириги марта 2015 йилда қайта нашр этирилган.

#### 1.4. «Маънавият асослари» фанини ўқитишга доир:

мазкур фанда ўрганилиши кўзда тутилган мавзулар мазмун жиҳатдан 7-9 синф «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани тақвим-режаси билан кўп жиҳатдан ўхшашликка эга;

10- ва 11-синфда ўрганиладиган мавзулар ҳам айна бир мавзунинг такрорини ифода этади: «Маънавият – беқиёс куч», «Маънавият – миллат қиёфаси»; «Оила маънавияти», «Оила – муқаддас кўрғон»; «Инсон маънавияти ва ўзликни англаш», «Инсон – кишилик жамиятининг ижодкори» ва ҳ.к.;

дарсликда ўқувчиларни фаоллаштиришга доир савол ва топшириқлар, чистон-топишмоқлар берилган, бироқ рефлексив, витаген таълим технологиялари, вазиятли таҳлилга асосланган ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятига мос ташхис воситаларидан самарали фойдаланилмаган.

#### 4.5. «Дунё динлари тарихи» фанини ўқитишга доир:

10-11 синфлар учун ишлаб чиқилган ўқув дастурлари ва дарсликдаги мавзулар бир-бирига ўхшаш;

6-9 синфларда «Тарих» фанидан ўрганилган динлар тарихига доир маълумотларни такрорлаш ҳолатлари мавжуд;

мавзулар изчил тизимлаштирилмаган ва айрим жуда илмий атамалар кўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди [176]. Мазкур йиғилишда Президентимиз томонидан умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанларини «Тарбия» номи остида бирлаштириб ўқитиш, ўқувчиларда ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш, тарбия жараёнининг ҳаёт билан уйғунлигига тўлиқ эришиш вазифаси кўйилди. Ана шу нуқтаи назардан тадқиқотимиз доирасида мазкур фанни истиқболда ўқитишнинг айрим методологик асосларини ҳам ишлаб чиқдик.

Бизнингча, «Тарбия» фанини таълим амалиётига жорий этишда кўйидаги асосий тамойилларни ҳисобга олиш лозим:

тарбиянинг аниқ мақсадга қаратилганлиги, жумладан, «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Миллий ғояни ривожлантириш концепцияси» (ижтимоий буюртма) билан мувофиқлиги;

илмийлик (ҳар бир тарбиявий жараён элементларининг пухта асосланганлиги, самарадорликнинг тажриба асосида баҳоланиши);

технологик шарт-шароитнинг таъминланганлиги (кўзда тутилган натижани кафолатли лойиҳалаш ва амалга ошириш);

узвийлик, узлуксизлик (ўзлаштирилган билим, кўникма, малакалар негизида янги билим, кўникма, малакаларни шакллантириб бориш, уларнинг навбатдаги босқич учун асос бўлишига эришиш);

индивидуал ёндашув (ҳар бир тарбияланувчининг шахси билан яқиндан танишиш, унинг характери, эҳтиёжлари, ҳаётий тажрибаси, шахсий сифатларини ўрганиш ва уларга таяниб иш кўриш);

модернизация (тарбиявий тадбирларнинг бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш, замон билан ҳамнафас бўлиш);

интенсификация (тарбиявий жараённинг таъсирчанлиги ва жадаллиги);

тарбиявий жараёнда тарбияланувчиларнинг ижобий фазилатларга таяниш (мавжуд ижобий фазилатлар негизида янги сифатларни тарбиялаш, салбий иллатларни бартараф этиб бориш);

тарбиявий жараённинг динамик хусусиятга эгаллиги (шакллантириладиган фазилат тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиш – тушунчани ҳосил қилиш – билимга эга бўлиш – кўникманинг шаклланишига эришиш – малакани ҳосил қилиш – одатнинг шаклланишига эришиш – муайян маънавий-ахлоқий фазилатнинг мавжуд даражаси);

тарбияланувчиларнинг ёш, педагогик-психологик, миллий ва шахсий хусусиятларини инобатга олиш;

таълим ва тарбия бирлиги;

яхлит ёндашув (тарбия жараёнига масъул субъектлар томонидан тарбиявий мақсаднинг бир хил тушунилиши);

педагогик ҳамкорлик (тарбия жараёни субъектлари – оила, таълим муассасалари, жамоатчилик ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш ва уни мустаҳкамлаш).

Шунингдек, тадқиқотимиз объекти билан боғлиқликда мазкур фан доирасида ўқувчилар томонидан эгалланиладиган компетенциялар тизимини аниқлаштирдик. Яъни умумий ўрта таълимнинг 5-9 синфларида қуйидаги компетенциялар таркиб топтирилиши мақсадга мувофиқ:

- Ватанга садоқат;

- кўзлаган мақсадига эришиш учун интилиш, уддабуронлик ва тиришқоқлик;

- рефлексия (ўзини ўзи ва ўзгаларни англаш);

- фаолият ва муомала жараёнларида белгиланган меъёрларга тўлиқ риоя қилиш;

- диалогик мулоқот маданияти ва коммуникативлик;

- меҳр-оқибатлилик;
- ҳамкорлик;
- масъулиятлилик;
- расмий ва норасмий гуруҳларда муваффақиятли мослашувчанлик;
- ижтимоий фаоллик;
- шахсий нуқтаи назарга эғалик ва мустақил фикрлаш маданияти;
- ўз-ўзини бошқариш ва иродавий хусусиятларини намоён этиш;
- миллатларо мулоқот маданияти; соғлом эътиқод ва тафаккур;
- ғоявий ва мафкуравий иммунитет, маънавий-ахлоқий фазилатлар.

### **Боб бўйича хулосалар**

1. Миллий мафкура шу кунгача ўзининг қисқа бўлсада, лекин самарали ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу жараёнда унинг таркибига кирувчи, ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи асосий тушунчаларининг аксарияти шаклланиб улгурди. Уларга мисол қилиб, мафкуравий иммунитет, мафкуравий толерантлилик, мафкуравий нигилизм, мафкуравий плюрализм, ғоявий бўшлиқ, ғоявий турғунлик, ғоявий мутаассиблик, ғоявий тажовуз, мафкуравий сиёсат, мафкуравий амалиёт, мафкуравий муаммо ва бошқа шу каби тушунчаларни келтириш мумкин. Бироқ мазкур тушунчалар бугунги давр талабларига мувофиқ равишда ғоявий-мафкуравий категория даражасига кўтарилиши учун улар чуқур таҳлил этилиши, такомиллаштирилиши ва уларнинг таркиби янада тўлдирилиши зарур.

2. Миллий ғоя рўёби халқнинг муайян вақт ва маконда ўзини бахтли деб ҳис қилишида, шукронасида, ҳаётдан розилигида намоён бўлади. Бунда ғоя рўёбининг ҳар бир инсон ҳаёти натижаларига трансформациясини кўриш мумкин. Яъни бахт (ҳаётдан розилик) – хавфсизлик, соғлик, бойлик, меҳр кўриш, билимлилик, гўзалликдан баҳрамандлик, эътироф қозониш каби компонентлардан иборатлигидан келиб чиқсак, Ҳаракатлар стратегияси, ислоҳотлар амалда шунга хизмат қилмоқда.

3. Ўзбекистон, яъни умуммиллий масштабда, миллатидан, динидан, жинсидан, ёшидан, касбидан қатъи назар ҳар бир ўзбекистонлик ўз давлатидан, соғлигидан, оила, болаларидан, ишидан, қилган меҳнатидан, ҳокимиятдан, маҳалласидан, ўзининг жамиятдаги ўрнидан, ҳурмат-эътиборидан розилик бахт туйғусини ҳосил қилишига эришилади. Айнан шу туйғуларни умумтаълим мактаблари ўқувчиларида шакллантириш учун уларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга мўлжалланган тизимни ишлаб чиқиш зарур ижтимоий педагогик масалалар сирасига киради.

4. Мустақиллик йилларидан бугунги кунгача республикамызда мафкура соҳаси бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари, илмий-публицистик адабиётлар, мактаб дарсликлари ва бошқа манбалар таҳлили ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш муаммоси замон талабларидан ортда қолаётганини кўрсатди.

5. Шу кунгача чуқур ғоявий билимга эга бўлган ва мафкуравий таҳдидларга қарши тура олиш малакасыга эга бўлган ўқувчилар кундалик фаолиятда мазкур билим, кўникма ва малакалардан фойдаланиш лаёқатига эга бўлиши, аниқроқ айтганда, ғоявий-мафкуравий компетентликка эга бўлиши лозим. Мавжуд бизгача амалга оширилган айрим (иккита тадқиқотда – иқтибос бизники) тадқиқотларда «ғоявий-мафкуравий компетенция», «мафкуравий компетентлик» тушунчалари истеъмомга киритилган бўлса-да, «ғоявий-мафкуравий компетентлик» тушунчасининг қўлланилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

6. Таҳлил натижалари асосида ғоявий-мафкуравий компетентлик ўқувчининг ғоя ва мафкура соҳасида чуқур билимга эгаллиги ва муайян мафкура бўйича кучли эътиқод (мафкуравий иммунитет)нинг шаклланганлиги ҳамда бунёдкор ғояларни кундалик фаолиятда қўллаш олиш лаёқатидир, деган хулосага келинди.



## **II БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА ҒОЯВИЙ-МАҒКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ- ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМИ**

### **2.1. Аналитик тафаккур воситасида ўқувчиларнинг ғоявий- мағкуравий компетентлигини ривожлантириш имкониятлари**

Мустақиллик ўзбек халқининг эркин тафаккурини инновацион ғоялар томон илгари суриш, юксак технологияларни яратиш, амалиётга татбиқ этишга имконият яратди. Тараққиётнинг юқори даражасига эришиш каби эзгу мақсадлар фикри билан мен – ўзбекман, ўзбекистонликман: Амир Темур, Улуғбек, Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Имом Бухорийлар авлодиман, Ватаним – Ўзбекистон каби ғурур, фахр, ифтихор туйғулари билан қувватланганди. Тараққиётнинг кейинги йилларида мустақиллик даври фарзандларининг тафаккур қилиш қуввати кескин ортди: инновацион ғояларни яратиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш борасида, тадбиркорлик хусусида дунёдаги бошқа тенгдошлари билан рақобатлаша оладиган авлод вояга етди. Бугунги ёшларнинг тафаккур салоҳияти яқин ўтмиш авлоднинг фикрлаш тарзидан серқатламлилиги, дунёвийлашгани билан ажралиб туради. Ўзбекистон мамлакати ривожланиб, жаҳон халқлари билан турли соҳаларда алоқалар кучайиб бориши натижасида ташқи томондан кириб келаётган маънавий-мағкуравий хуружлар сони ҳам тобора ортиб бормоқда.

Глобаллашув даврида ёш авлодни турли ёт ғоялар, зарарли фикрлар таъсиридан ҳимоялаш муҳим стратегик муаммо даражасига кўтарилди. Ёшларнинг турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолаётгани, ёвуз фикрли кимсаларнинг алдов тузоғига илиниб, ўзга юртларда ноқонуний ишларга аралашиб қолиш ҳолатларининг тез-тез кузатилаётгани ёш авлод тафаккур лаёқатини шакллантириш борасида жиддий мулоҳаза юритишни талаб этади. Инсон таҳлилий фикрлаш орқали воқеликни мушоҳада қилади, «оқ» ва

«қора»ни ажратади. Мустақил фикрга эга бўлмаган инсон ким нима деса ишонаверадиган, қаёққа «юр» деса, ортидан эргашаверадиган бўлади. Фикрлаш иммунитетни паст бўлган ёшлар диний экстремизм, гиёҳвандлик, норасмий оқимлар тўрига илиниб қолади. «Оммавий маданият» ниқоби остида мамлакатлар ҳаётига кириб, одамларни, айниқса, ёшларни ўзлигидан узоқлаштираётган, «маънавий бегоналашув» гирдобига тортаётган маънавий-мафкуравий босқинлар, биринчи навбатда, тафаккури ночор, фикрлаш қуввати кучсиз бўлганларни ўзига тез ва осон тобе қилиб олади.

Ўзбекистонда жисмонан соғлом, ақлан баркамол, интеллектуал ривожланган, мустақил тафаккур юритадиган, инновацион ғояларни илгари сурадиган, амалиётга татбиқ эта билладиган тадбиркор, ишчан, Ватанга содик ёшларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар миллатлараро, халқлараро тотувлик, бағрикенглик, бирдамлик асосига қурилгани билан характерланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси минбарида туриб: «Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларимиз ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вирус»и тарқалишининг олдини олишдир» [20],- дея айтган эзгу гаплари мазмунидан ёш авлоднинг мустақил тафаккурини, аналитик фикр юритиш лаёқатини ривожлантириш бирор мамлакатнинг хусусий ташвиши бўлмай, дунё халқлари олдида турган энг долзарб муаммолардан бири экани англашилади.

Замонавий иқтисодий-ижтимоий ривожланиш таълим тизими олдида кўяётган талаблар билан боғлиқликда ўтказилган кўплаб тадқиқотларда компетент ёндашув таълим мазмуни ва методларини ўзгартиришнинг янги босқичи сифатида кўриб чиқилган. Ана шу нуқтаи назардан кўплаб тадқиқотларда компетенция продуктив ва ижодий фаолият учун зарур ўзаро алоқадор шахсий сифатлар мажмуи, компетентлик эса маълум соҳага доир бирон-бир муаммони ҳал этишга имкон берувчи шахснинг зарурий

компетенцияларни эгаллаганлиги сифатида талқин этилган [57, 33, 41, 76, 32].

Компетенция (лотинча сўз бўлиб, эришаман, тўғри келаман маъноларини билдиради) – субъектнинг мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун ташқи ва ички захираларни самарали бирга ташкил қила олишликка тайёргарлиги, бошқача қилиб айтганда, бу субъектнинг муайян касбий масалаларни еча олишга шахсий қобилиятидир [198].

Н.М.Муслимовнинг фикрича, инглизча «competence» тушунчасининг луғавий маъноси «қобилият» демакдир, бироқ компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ифода этишга хизмат қилади [186].

Н.В.Тарасова «компетенция» тушунчасини «муаммони ҳал этиш учун билим ва вазият, билим ва ҳаракат ўртасида алоқадорликни таъминлаш имконини берадиган билим, қадриятлар, лаёқатларга асосланган умумий қобилият» сифатида талқин этади [68]. Муаллифнинг фикридан келиб чиқиб, компетенция – инсоннинг мавжуд билим ва ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда маълум бир муаммони ҳал этишга доир қобилияти, деган хулосага келиш мумкин.

Компетенция – маълум бир соҳада самарали продуктив фаолият учун зарур бўлган ўқувчининг аввалдан белгиланган таълимий тайёргарлигига қўйиладиган ижтимоий талаблар (меъёрлар)дан ҳам ўзиб кетишидир. Шу билан бир қаторда компетенциявий ёндашувда таълимнинг анъанавий уч элементи (триада) – «Билим – Кўникма – Малака»ни олти бирлик (сикстет) «Билим – Кўникма – Малака – Амалий фаолият тажрибаси – Комптенция – Компетентлик» тарзида таҳлил этиш талаб этилади [229].

Компетенциянинг турларини тасниф этишга доир хилма-хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Н.А.Муслимов ва М.Б.Уразовалар касбий таълим нуқтаи назаридан компетенцияларни қуйидаги турларга ажратади: махсус компетенция – етарли юқори даражада ўз касбий фаолиятини эгаллаш, кейинги касбий ривожланишини лойиҳалаштира олиш; ижтимоий компетенция – биргаликдаги касбий фаолият, ҳамкорликни эгаллаш, ўз

меҳнати натижаларига ижтимоий жавобгарлик; шахсий компетенция – шахсинг мустақил акс этиши ва мустақил ривожланиш усуллари, шахсинг касбий деформацияларга қарши туриш воситаларини эгаллаши; индивидуал компетенция – касб доирасида индивидуалликни мустақил қўллаш ва ривожлантириш усуллари эгаллаш, касбий-шахсий ўсиш, мустақил ташкил қилиш ва мустақил реабилитация қилишга тайёрлик; асосий компетенциялар – мослашиш ва маҳсулдор фаолият учун зарур бўлган шахсинг маданиятлараро ва соҳалараро билим, қобилият ва кўникмалари [57].

О.Ҳайитов ва Н.Умаровалар кластер ёндашуви асосида компетенцияларни қуйидагича гуруҳлашни таклиф этишади: ахборотлар билан ишлашга доир компетенциялар: ахборотларни тўплаш ва таҳлил этиш, қарорлар қабул қилиш; ахборотларни қайта ўзгартириш; муваффақиятга эришишга доир компетенциялар: режалаштириш, фаолиятни ташкиллаштириш, натижаларни таҳлиллаш; инсонлар билан ишлашга доир компетенциялар: муносабатларни бошқариш, командада ишлаш, атрофдагиларга таъсир кўрсатиш; ўз-ўзини такомиллаштиришга доир компетенциялар: ўз-ўзини текшириш, касбий ўсиш, инновацион мобиллик [96].

Е.С.Заир-Бек методик компетенцияларнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатган: мақсадли компетенция: мақсаднинг аниқланиши ва мақсаднинг қўйилиши муаммоси бутун педагогик фаолиятнинг тизимни ҳосил қилувчи таркибий қисм бўлиб ҳисобланади, мақсадларни тўғри қўйиш қобилияти педагог меҳнати натижалари билан боғлиқ; мазмунли компетенция: касбий тайёргарликнинг ҳар бир босқичида кўзда тутилган ҳажмда технологик таълимнинг мазмуни; кўрсатилган мазмун ҳажми доирасида ўқувчиларнинг минимал зарурий тайёргарлигига бўлган талаблар; ўқитиш йиллари бўйича ўқув юкламанинг белгилаш мумкин бўлган максимал ҳажми; мониторингли компетенция [141].

М.Б.Урабова лойиҳавий фаолият нуқтаи назаридан компетенцияларни қуйидаги турларга ажратишни таклиф этади: рефлексив компетенция: ўз-

Ўзига баҳо бериш, ўз шахси ва фаолиятининг ютуқлари ва камчиликларига бўлган ўзига хос талабчанлик, ўз ижодий ютуқлари ва омадсизликлари сабабини тушуна олиш; когнитив компетенция: мустақил равишда янги билим ва қобилиятларни эгаллай олиш, мустақил ривожланиш ғояларини қўллаш; информацион компетенция: керакли ахборотнинг олиниши, қайта ишланиши ва ишлатилишига доир махсус қобилиятларнинг эгалланиши; коммуникатив компетенция юқори даражадаги мулоқотга эришишга ёрдам берадиган усуллар; ижтимоий компетенция: воқеликнинг ижтимоий аҳамиятини англаш, жавобгарликни ўз зиммасига олиш қобилияти, шахсий қизиқишларнинг жамият эҳтиёжлари билан боғлиқлигининг намоён бўлиши [225].

Тарихий тафаккурни ривожлантириш муаммосини тадқиқ этган педагог олим Б.Х.Ходжаев тадқиқот объекти билан боғлиқликда мотивацион-когнитив, информацион; коммуникатив, ғоявий-мафкуравий, фуқароликка доир, маънавий-ахлоқий, акмеологик, аксиологик, эстетик компетенциялар тизимини аниқлаштирган [227].

Таҳлиллар асосида тадқиқот доирасида ғоявий-мафкуравий компетентликнинг қуйидаги компетенциялар тизими аниқлаштирилди (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвалдан кўриниб турибдики, ғоявий-мафкуравий компетентликка тааллуқли компетенциялар тизими ўқувчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришни тақозо этади. Ғоявий-мафкуравий компетентлик тузилмасининг биринчи устунида келтирилган IQ, SQ, PQ, EQ, CQ, TCQ халқаро қисқартма атамалар бўлиб, intelligence quotient, social quotient, personal quotient, emotional quotient, communication quotient, Team Culture Quotient каби тушунчалар сифатида изоҳланади.

## Ғоявий-мафкуравий компетентлик тузилмаси

| Г'спес | Компетенциялар | Ташқи намоён бўлиши   | Ички ҳис-туйғулар  |
|--------|----------------|---|--|
| IQ     | Когнитив       | Мавжуд билимларидан фойдаланади ва янги билимларни намоёйиш этади   | Янги билимларни эгаллаш мотивациясига эга  |
| SQ     | Социал         | Ижтимоий мақомга мувофиқ хулқ-атвор намуналарини намоёйиш этади   | Ўзини миллий ғоя тарғиботчиси, ғоявий-мафкуравий ҳимоячи, ижтимоий фаол фуқаро ролларида англаш                            |
| PQ     | Шахсий         | Мақсадни амалга ошириш қобилияти  | Ҳаёт мазмуни, қадриятлар, мақсад ва вазифаларни англай олиш кўникмаси  |
| EQ     | Эмоционал      | Бошқа кишиларнинг эмоцияларига конструктив йўналганлик ва ўз ҳис-туйғуларини адекват намоён этиш                                | Ўзи ва бошқаларнинг ҳис-туйғуларини англай олиш ва бошқариш  |
| CQ     | Коммуникатив   | Релевант белгилар тизими ёрдамида ўз фикрини ифода этиш   | Замонавий белгилар тизими ёрдамида ўзи бошқаларнинг мақсад-муддаосини тушуниш қобилияти                                    |
| ТСQ    | Умуммаданий    | Ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучларини тушуниш, тарихий мерос ва маданий анъаналарга масъулиятли муносабат | Шахсий ахборот хавфсизлиги кўникмаларига эгалик, ахборотларнинг ишончлилигини баҳолаш, умуминсоний қадриятларга риоя қилиш |

**АНАЛИТИК ТАФАККУР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш» [4] муҳим вазифа этиб белгиланганлиги ёшлар тарбияси, айниқса, уларда мустақил тафаккурни шакллантириш муаммоси

мамлакат сиёсатининг энг устувор масалаларидан бири эканини англатади. Дунё тамаддунида одамни фикрлашга ўргатиш доимо долзарблик касб этиб келган. Америкалик ихтирочи ва тадбиркор Томас Альва Эдисон: «Цивилизациянинг буюк вазифаси одамни фикрлашга ўргатишда» [130], деб айтади.

Психолог олим Эргаш Ғозиевнинг уқтиришича: «Теварак-атрофдаги воқеликни билиш учун инсонда фикр юритиш операциялари, тафаккур формалари яхши тараққий этган бўлиши керак. Маълумки, ўқитишнинг барча методлари мустақиллик, оперативлик, ижодий ёндашишни талаб қилади. Ақлнинг бу хусусиятларини тафаккурсиз шакллантириб бўлмайди. Шу боисдан таълим жараёнида уни тараққий эттириш бош вазифа ҳисобланади» [246].

Аналитик тафаккур – таҳлилий фикр юритиш санъати, бирор муаммо, масала, ахборот, воқеа-ҳодисани ўрганиш жараёнида у ҳақда атрофлича, аниқ, теран, чуқур, мазмундор, мустаҳкам тўхтамга келиш қобилияти. Аналитик тафаккур эгаси таҳлил қилинаётган объектни ҳар томонлама синчиклаб ўрганади: мураккаб ахборотларни қисмларга ажратади – ҳар бир сўз, жумла, детал, нарса устида жиддий фикр юритади, қисмларни ўзаро мантиқий боғлайди, мақбул хулосага келади ва керакли қарорлар қабул қилади. Аналитик қобилият эгаси ҳар қандай ҳодиса устида фикр юритганда нарса-ҳодисанинг ташқи маъносини ўқиш билангина чекланмай, унинг ички – ботиний маъно қатламларини ҳам аниқлашга уринади. Натижада таҳлил этилаётган объект юзасидан атрофлича тушунча юзага келади. Аналитик тафаккур муаммо ёки масаланинг осон ва тез, тўғри ва аниқ ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳар бир инсон ўзининг индивидуал хусусиятларига кўра тафаккурнинг маълум бир типига мойил бўлади. Бу мойиллик унинг фикрлаш жараёнида, хатти-ҳаракатларида, борлиққа бўлган муносабатларида; касб-ҳунарида, яшаш ва меҳнат жамоа муҳитида, ўқиб-изланишда бўлган кучли эҳтиёжи каби омилларда янада аниқ кўринади. Инсоннинг фикрлаш даражаси ўзи

шуғулланаётган соҳанинг ақлий ёки жисмоний фаолиятга мансублигига караб ҳам турлича бўлади. Ақлий меҳнат эгалари ўз фаолиятларини фикр юритиш асосига курадилар. Айниқса, мунтазам илм билан шуғулланувчи кишининг фикрлаш қобиляти тафаккурий сифатларга бойлиги билан ажралиб туради. Аналитик тафаккур юритиш ҳар бир инсон учун фойдалидир. Айниқса, юксак ғоявий-мафкуравий компетентликка эга бўлиш учун унинг аҳамияти каттадир. Аналитик тафаккур ўқувчиларда «ЎЗЛИК»ни идрок этиш, маънавий фазилатларни ўз руҳиятида барқарорлаштиришда, ғоявий-мафкуравий иммунитетини оширишда «сермахсул қурол» сифатида муҳим аҳамият касб этади. Фикр билан иш юритадиган инсон ҳамиша муваффақият қозонади, тўғри йўлдан адашмайди. Фикрлаш инсонни илгарилаб боришга, фойдали ишлар қилишга йўналтиради.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёни аналитик тафаккур воситасида маънавий фазилатларни камол топтиришнинг, мафкуравий иммунитетни оширишнинг катта имкониятга эга бўлган муҳим объектлардан биридир. Айниқса, бадий адабиёт маънавиятнинг туганмас манбасидир. Ўқувчи бадий-маърифий асарларни ўқиш, ўрганиш орқали таҳлилий фикр юритади: маънавий озикланади, маърифий юксалади. Китоб мутолааси ўқувчининг фикрларини ўткирлаштиради, тафаккур қамров доирасини кенгайтиради. Ўқувчи миллий-мафкуравий фазилатларни ўз оиласидан, яшаб турган маҳалласидан, атрофидаги одамлардан фикрлаш, тафаккур юритиш воситасида ўрганиб, ўзлаштириб боради. Бадий адабиёт бу борада унинг энг беминнат устозидир.

Мумтоз асарлар, айниқса, Алишер Навоий ижоди миллий-мафкуравий фазилатларнинг конидир. Ўқувчилар бу буюк сиймонинг асарларини ўқиш, ўрганиш жараёнида мустақил фикр юритиш, аналитик тафаккур қилиш орқали ахлоқий сифатларнинг муҳимлигига, уларни касб этиш улуғ саодат эканига тўлиқ ишонч ҳосил қиладилар, миллий-мафкуравий фазилатларни эгаллаш истаги, эҳтиёжи билан ҳаракатга келадилар.

*Ҳар кишининг таврига лойиқ керак,*



*Сурати ҳолига мувофиқ керак.*

*Кимки улугроқ анга хизмат керак,*

*Улки кичикроқ, анга шафқат керак [26].*

Бадий асарни аналитик ёндашув асосида таҳлиллаш жараёнида ҳар бир сўз, жумла устида фикр, мушоҳада юритилади – таҳлиллаш операциялари бажарилади. Сўзнинг ботиний ва зохирий маънолари «кашф» этилади. Тегишли хулоса ва қарорлар қабул қилинади, улар ичидан энг мақбули сайлаб олинади.

«*Ҳар кишининг*» – ҳар бир одамнинг, кишининг, кимсанинг. Бу ўринда «ким бўлмасин», «ҳар қандай одамнинг», «киши ким бўлишидан қатъи назар» каби маъноларни англатади;

«*таврига*» – кам қўлланадиган эскирган сўз бўлиб, «аслида», «зотида», «азалдан» каби маъноларни билдиради;

«*лойиқ керак*» – муносиб бўлмоқ, садоқатли бўлмоқ, лойиқ бўлмоқ;

«*Ҳар кишининг таврига лойиқ керак*» – ҳар бир одам ўз насл-насабига, зотига муносиб бўлиши керак. Ҳар бир инсон ўзлигини, насл-насабини, кимнинг авлоди, зурриёди эканини, миллатини, миллий қадриятларини, урф-одатларини, анъналарини сира унутмаслиги, уларга садоқат кўрсатиши, шуларга мувофиқ ҳаёт кечириши зарур. Инсон ЎЗЛИГИНИ асло унутиб қўймаслиги, йўқотмаслиги керак;

«*Сурати*» – кўриниш, суврат. Бу ўринда инсоннинг ташқи олами, хатти-ҳаракатлари, бажараётган амали, гап-сўзлари; воқеликка муносабати, қилаётган ишлари; имкониятлари, куч-қудрати...;

«*ҳолига*» – сийрати, ички олами. Ички ўй-кечинмалари, хаёл-орзулари, ният-мақсадлари, фикр- ўйлари...;

«*мувофиқ керак*» – мувофиқ келмоқ, мос тушмоқ, бир хил бўлмоқ;

«*Сурати ҳолига мувофиқ керак*» – инсонинг сурати ва сийрати бир хил бўлиши керак. Бу ўринда инсоннинг ташқи ва ички оламининг уйғунлиги, сўз ва иш-амалининг бирлиги ҳақида сўз боради. «Тили бошқа, дили бошқа» бўлишлик танқид қилинади. Мунофиқлик энг оғир гуноҳлардан биридир.

Муборак ҳадиси шарифларда ҳам мунофиқлик қаттиқ қораланади. «*Сурат*»нинг «*ҳолига*» мувофиқ келмаслиги – мунофиқликнинг бир кўринишидир. Алишер Навоий ҳазратлари «*Фарҳод ва Ширин*» достонида Фарҳодни баркамол инсон сифатида улуғлаб: «Демон, ҳам кўнгли поку ҳам кўзи пок, Тили поку сўзи поку ўзи пок...» [24],- деб таъриф беради;

«*Кимки*» – кимки, ким;

«*улуғроқ*» –улуғроқ, каттароқ. Бу ўринда ёши катта одам...;

«*анга*» – унга;

«*хизмат керак*» – хизмат керак, қаров, эътибор, эъзоз зарур...;

«*Кимки улуғроқ анга хизмат керак*» – ёши улуғ одамларга меҳрибончилик, ғамхўрлик қилиш зарур. Катталарни эъзозлаш, хурматлаш, асраш талаб этилади;

«*Улки кичикроқ, анга шафқат керак*» – кимки кичик ёшда экан, унга шафқат – раҳмдиллик, илтифот керак, уни аяш зарур.

Шу, атиги тўрт мисрада улкан ахлоқий тарбия, маърифий сабоқ мужассам экани тафаккур қудрати билан «кашф» этилади. Ҳеч ким ҳеч кимга ахлоқий тарбия борасида ваъз айтмайди, насиҳат қилмайди. Фикрий тортишув, баҳс-мунозаралар фикрларни янада бойитади. Аналитик тафаккур воситасида мантиқий хулосалар, фикрий умумлашламалар ҳосил қилинади:

инсон ҳар қандай вазиятда ким эканини, кимнинг авлоди эканини ёдда тутиш лозим. Ножўя ишлар инсоннинг нафақат ўзига, балким аждод ва авлодларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Одамлар «тавриға» лойиқ бўлганларни «ота-онасига раҳмат», «яхши одамнинг боласи экан», «таълим берган устозига раҳмат», - дея мақтайдилар. Ўзлигини унутганларни «манқурт», деб нафратланишади. ЎЗЛИКни англаш ва асраш керак;

сўз ва иш бирлиги – муваффақият гарови. Режали иш бузилмайди. Буюк миллатнинг фарзандлари буюк ишларга қодир бўлиши керак. Аждодлар билан қуруқ ғурурланиш, уларга муносиб бўлиш, дегани эмас. Бугуннинг қудрати билан, ўтмишни ёдда тутиб, келажакни таъминлаш учун амалга оширилган эзгу ишлар юртга, Ватанга фойда келтиради;

меҳрибонлик – улуғ фазилат. Ким меҳр кўргазса, меҳр кўради, ғазаб кўрсатса – қаҳр. Улуғ миллатнинг фарзандлари ўз улуғларини, катталарини ҳамиша ҳурмат қилади, хор қилиб қўймайди. Кичиклар катталарга меҳр кўрсатиб, ўз кексалик даврининг роҳатини таъминлаб борадилар. Катталар эъзозланган юртда қут-барака бўлади;

раҳм-шафқат – кишининг зийнати. Кичиклар, ёшлар катталарнинг раҳмдиллигидан нажот топади, камолга етади. Ёшлар тарбиясига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилган юртни ҳеч қачон ёв босиб ололмайди. Ёшлар – келажакнинг ҳақиқий эгалари ва давомчиларидир;

инсон ҳамиша тарбияга эҳтиёж сезади. Тарбияланганлик – инсоннинг ҳар битта хатти-ҳаракатида, сўз ва гапларида намоён бўлади. Тарбия – камолотнинг асосидир.

Кўринадики, фикрлаш, аналитик тафаккур юритиш инсонни маънавий жиҳатдан тўйинтиради, маърифий юксалтиради. Умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчилар бадий асарларни таҳлил этиш жараёнида мустақил фикр юритиш, аналитик тафаккур қилиш воситасида миллий-мафкуравий фазилатларни ўзлаштириб борадилар. Сир эмаски, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида тинчлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ўзаро аҳиллик, дўстлик, меҳрибонлик, ҳамкорлик ғоялари устуворлик касб этади. Бундай эзгу ғояларга садоқат таълим-тарбия жараёнида мустаҳкамланиб борилади. «Ҳаё ва андиша, вафо ва садоқат, тадбиркорлик ва ташаббускорлик, ҳикмат ва саховат, журъат ва шижоат, босиқлик ва камтарлик, фаросат ва заковат, мардоналик ва масъулият ҳамда инсон фарзандини Яратганнинг наздида, ўзига мансуб миллатнинг кўз олдида ва олам аҳли ўртасида юзини ёруғ қилгулик, аждодларга муносиб ворислик, авлодларга ва уларнинг тақдирига нисбатан жавобгарлик ҳиссини барқарорлаштиргулик муҳим жонли фазилатлар, хуллас, жамики инсоний фазилатлар – маънавият даракчиларидир» [60]. Умумий ўрта таълимда бадий асарларни ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида ўқувчи «мафкура даракчилари»ни ўзлаштириб боради. Бу жараёнда аналитик фикрлаш унга

хар бир ғоявий-мафкуравий фазилатнинг моҳиятини англашда амалий ёрдам беради. Аналитик тафаккур ғоявий-мафкуравий фазилатларни идрок этишнинг, касб этишнинг муҳим интеллектуал воситаси ҳисобланади.

Методист олима М.Мирқосимова бадий асар таҳлили ҳақида фикр юритиб шундай дейди: «Бадий асарлар таҳлили орқали ўқувчининг мустақил фикрлаш салоҳияти ўсади, оғзаки ва ёзма нутқи такомиллашади, ўқувчида ўз фикрларини илмий-амалий жиҳатдан асослаш малакалари шакллантирилади. Ҳаммани бир қолипда фикрлашдан озод қилиб, маълум мавзу юзасидан ранг-баранг фикр мулоҳазалар юзага келишида энг самарали ҳисобланган таҳлил усулларига таяниб иш юритилса, адабий таълим ўзининг бош мақсад-муддаосига эришади» [183]. Мустақил фикрлаш аналитик тафаккур юритишга мустаҳкам замин яратади. Мустақил фикрлашсиз аналитик тафаккур қилиб бўлмайди. Аналитик тафаккур бадий асар таҳлили воситасида ўқувчининг коммуникатив лаёқатини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Ўқувчи бадий асар қаҳрамонларининг нутқини шунчаки ўқиб, эшитиб қўя қолмайди, балки аналитик тафаккур воситасида нутқий вазиятни, суҳбат мавзусини, нутқ эгаларининг суҳбат жараёнига тайёргарлигини, нутқий жараёнда қўлланилаётган сўз ва жумлаларнинг тўғри ва аниқ қўлланилаётганини, тинглаш одобини, муносабат билдириш ўқувини таҳлил қилади. Натижада, ўқувчининг нутқ одоби ҳақидаги назарий ва амалий билимлари ортади: сўз танлаш ва қўллашда, суҳбатдошнинг психологик-физиологик ҳолатини ҳисобга олишда, нутқ вазият ва шароитни белгилашда, тинглаш ва муносабат билдиришда тафаккур билан иш тутишга кўникма ва малака ҳосил қилади, ахлоқий фазилатлари янада барқарорлашади. Буни Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидан олинган парчани аналитик таҳлиллаш орқали далиллаш мумкин бўлади.

*Анчагина сўзсиз ўлтургандан сўнг ҳожини мулойимона сўз очди.*

*– Ўғлим, ҳали сан эшитдингми, йўқми, ҳайтовур биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдик... Отабек маълумки, уларнинг «қилиб қўйган ёки*

*қилмоқчи бўлган ишларини», албатта, билар эди. Шундоқ ҳам бўлса билмаганга солинди:*

*– Ақллик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари, албатта, номаъқул бўлмас, — деди. Ҳожи ўғлининг бу жавобидан ерга қаради ва нима деб давом қилишни билмай қолди [242].*

Ўқувчилар, албатта, мустақил ўқиш орқали «Ўткан кунлар» романини тўлиқ ўқиб чиқишади. Асардан олинган парча видеопроектор орқали аудитория доскасига туширилади ёки кўргазмалиликнинг бошқа воситаси ёрдамида ўқувчиларга тақдим этилади. Ўқувчи мустақил аналитик фикр юритиб, парча қаерига яширинган куйидаги ҳақиқатларни «кашф» этади:

матндан чиқариладиган илк хулоса – бадий парчада ота ва ўғилнинг ўзаро суҳбати акс этган (матннинг диалогик шаклга эга эканлиги, адресат ва адресантнинг нутқи ифодаланганлиги фикримиз асосидир);

ота ва ўғил – суҳбатдошлар сермулоҳаза, серфаҳм, теран фикр эгаларидир: улар бир сўзни сўзлашдан аввал обдон ўйлаб, кўнгилда пишитиб, ақл тарозисига солиб, сўнгра ифода қилишни одат қилганлар (суҳбат жараёнининг анча вақт сўзсиз ўтиришдан сўнг бошланиши, гапларнинг мазмундорлиги, фикрий кенглиги, пишиқлиги фикримизни қувватлайди);

– ота ва ўғил – суҳбатдошлар ҳаё, ибo, андиша, фаросат, камтарлик каби инсоний фазилатларнинг соҳибларидир (суҳбат жараёнига тараддуд кўрилиши, вазминлик билан гап очиш, суҳбат жараёнида бир-бирларини эҳтиётлашга уриниш каби ҳолатлар фикрларимизга далилдир);

– ота – ҳожи дину диёнатли, имон-эътиқодли, лафзи ширин, қалби покиза инсон (ҳожи отанинг мулойимона сўз бошлаши унинг покиза сийрати, нурли сувратидан далолат беради);

– ота – суҳбат одобини, суҳбатдошнинг феъл-атворини, тинглаувчининг руҳий ҳолатини мукамал билгувчи закий инсондир (суҳбатдаги ифода йўсини, мурожаат шакли, сўзлар сайлови фикрларимизга мантиқий асос беради);

– ўғил – Отабек донишманд отасининг тарбиясини олган, ақлан баркамол, фикран соғлом, хушхулқ, одобли ва азиз фарзанддир (сухбат жараёнидаги тавозелик, ўзини тута билиш, сўз топқирлиги – Отабек сувратининг ёрқин чизгиларидир);

– ўғил – Отабек ўз ота-онасининг уни қайта уйлантириш режа-аҳдларидан тамоман норози, аммо у ҳар қандай вазиятда, нутқий ҳолатларда ўз норозилик туйғуларини мулойим гап-сўз, ишора қатига яшира олувчи нуқтафаҳм йигит (ҳожининг ўғли берган бундай жавобидан ерга қараши, нима дейишини билмай қолиши Отабек сийратидаги пинҳоний сифатларни исботлайди);

– берилган кичик бадий парча ақл эгаларига сухбат одобидан сабоқ беради: ота-онани қандай эъзозлаш зарурлигидан огоҳ этади; сўзлаганда сўзни сайлаб, сизлаб, ўйлаб айтиш лозимлигини уқтиради; гўзал маънавий фазилят инсоннинг ҳақиқий гўзаллиги эканидан воқиф этади; миллат эгасининг қалбига ғурур, шуурига ақл-идрок бағишлайди.

Аналитик фикрлайдиган ўқувчи «маънавий бегоналашув» йўлидан бормайди: бошқа халқларнинг номақбул одатларига, хатти-ҳаракатларига кўр-кўрона тақлид қилиб, ўзиникидан воз кечишга уринмайди, аксинча «ЎЗЛИГИНИ» сақлаб қолишга уринади. Ўқувчида аналитик тафаккур юритиш қобилиятини такомиллаштириш унинг оилавий ҳаётда ўз ўрнини топишига, соғлом тафаккурий муҳит қарор топган оила барпо этишига ижобий таъсир қилади. Оилалар фаровонлиги жамиятни янада тараққий этишига хизмат қилади.

Бугун жаҳонда мафкуравий урушлар тобора авж олмоқда. Ривожланиб бораётган давлатларнинг тинчилигини бузиш, турли нифоқ ва низоларни келтириб чиқариш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгини захарлашга уринишлар ошкор ёки яширин формада мамлакатлар ичкарасига кириб бормоқда. Виртуал олам – интернет бу борада уларнинг асосий ҳужум қуролига айланиб улгурган. Соатлаб интернет қаршисида ўтирадиган ёшларнинг кўпчилигини фақат фойдали ишлар билан шуғуллаништириш, деб

айтиш қийин. Жангари фильмлар, қон тўкиш, зўравонликка асосланган интернет ўйинлари, беҳаё расмлар ёшларни ёт ғояларга қарам қилиб қўймоқда. Оқибатда баъзи ёшлар орасида қонунбузарликлар, оғир жиноятлар содир этилиши рўй бермоқда. Бугунги глобаллашув асида мафкуравий иммунитетга эга бўлиш барча учун сув ва ҳаводек зарурдир. Маълумки, одам касалликка учрайвермаслиги учун, аввало, киши организмида турли хасталикларга қарши иммунитет ҳосил қилинади. «Биз ҳам ўз фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи, ёшларимиз миллий ўзлигини, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди» [158].

Ҳозирги глобаллашув асида ғоявий иммунитетга эга бўлиш барча учун сув ва ҳаводек зарурдир. Айтиш мумкинки, бузғунчи ғояларни тарқатувчи ёвуз оқим тарафдорлари бирор кишини ўз тузоқларига илинтирмоқчи бўлсалар, аввало, унинг «бўшлиқ» жойини қидиришга киришадилар. Айнан ғоявий иммунитетига «бўшлиқ» кузатилган кимсалар ёт ғоялар таъсирига, бузғунчи оқимлар гирдобига тез тушиб қолади. Биринчи Президентнинг: «...табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум – бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди», «...Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлидир», «... бугунги кунда ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» [123], деб айтган гаплари фикрларга қувват беради.

Аналитик тафаккур қобилияти ўқувчини оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ, лоқайд қолдирмайди: хушёрлигини оширади,

огоҳликка даъват этади. Бунда оммавий ахборот воситалари, интернет тизими орқали етказилаётган ахборот, хабар ўқувчи томонидан аналитик таҳлил қилинади: сабаб-оқибатлари тафаккур қилинади, муносабат билдирилади, мақбул қарор-хулосага келинади. Умумий ўрта таълимда ўқувчиларнинг ғоявий-мафкуравий компетентлигини ривожлантиришда бадий асарлар қаторида сиёсий нутқ, маърузалардан олинган матнларни аналитик ёндашув асосида таҳлиллаш янада яхши самара беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқидан олинган парчанинг аналитик таҳлили мисолида юқоридаги фикрларни қўллаб-қувватлаш мумкин бўлади: «Биз диний экстремизм ғоялари таъсирига адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича ишларни янада такомиллаштирамиз» [19].

Матндаги ҳар бир сўз устида аналитик фикр юритилади, мантиқий хулосалар ясалади:

- **«Биз»** сўзи мамлакат Президентини, бошқарув аппаратини, бутун ўзбек халқини назарда тутаяди; «Биз» - диний экстремизм ғояларига умуман қарши бўлган, тинчликсевар, миллатлараро тотувликни, диний бағрикенгликни истовчи, шу йўлда олдинга интилувчи кишилар жамоасини англатади;

- **«адашиб тушиб қолган»** бирикмаси диний экстремизм тушунчасига аниқлик киритади. Экстремизм [лот. *extremus* - энг охири; ўтакетган, ашаддий; кескин] сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулודда усуллар билан йўл тутишга, кескин чоралар кўришга тарафдорлик [239]. Демак, диний экстремизм, дин ниқоби остида қилинадиган ёвузлик;

- «диний экстремизм ғоялари таъсирига адашиб тушиб қолган», деб айтилишиданоқ диний экстремизм ғоялари вайронкорликни, хунрезликни, нотинчликни тарғиб этиши идрок этилади;

- **«адашиб тушиб қолган фуқаролар»** – фикрий ночор одамлар, охирини, оқибатини ўйламай иш тутган кимсалар; тафаккурида соғломлик,



руҳиятида собитлик, қатъият етишмайдиган кишилар; ишонувчан, содда, оддий одамлар;

- «адашиб тушиб қолган фуқаролар» – ёш, ҳаётий тажрибаси кам ёки йўқ; ўша вазиятда, эҳтимол, имконсиз, иложсиз; ўз хато ишларидан қаттиқ пушаймон чекаётган, ортга – эзгу йўлларга қайтиш йўлларини излаётган фуқаролар;

- «адашиб тушиб қолган фуқаролар» - Ислом динининг асл моҳиятини тўла англаб етмайдиган, чаласавод, фикрий беқарор кимсалар;

- «**ижтимоий**» – жамоа, жамиятга оид. Матн доирасида: ҳамма, барча «адашиб тушиб қолганларни». Ҳеч кимни ажратиб, яккалаб қўймай. Моддий имкони бор-йўқлигидан қатъи назар...;

- «**реабилитация**» – реабилитация [*лот. rehabilitatio* -қайта тиклаш] 1 *тиб.* Организмнинг издан чиққан функцияларини ҳамда беморлар ва ногиронлар меҳнат қобилиятини тез ва тўла-тўқис тиклашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи. 2 *ҳуқ.* Жиноят содир этишда асоссиз гумон қилинган ёхуд айбланган шахснинг пок номи, шаъни ва кадр-қимматининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан тикланиши [239];

- «ижтимоий реабилитация қилиш» – моддий-маънавий ёрдам бериш, тиббий хизмат кўрсатиш, тафаккурини соғломлаштириш;

- «ижтимоий реабилитация қилиш» – жамиятга, оила бағрига, тинч, фаровон ҳаётга қайтариш; инсонга яна бир имкон бериш, нажот бериш, умид бағишлашдир;

- «ижтимоий реабилитация қилиш» – мамлакатда адолат тамойилларининг барқарорлигидан, инсон омилига эътибор, ғамхўрлик кўрсатилишидан, мамлакат раҳбарининг, халқининг бағрикенглигидан, кечиримлилигидан, инсонпарварлигидан далолат беради;

- «**соғлом ҳаёт**» – тинч ва фаровон турмуш. Тафаккур соғломлиги. Яратиш, бунёдкорлик, тадбиркорлик билан ҳаёт кечириш тарзи;

- «янада» - эзгу ишларнинг аввалдан бошланиб, давом этиб келаётганини, узвийлик ва изчилликни ангалатади;

- «такомиллаштирамиз» – мавжуд тизимга инновациялар киритиш, қулайликлар яратиш, фаолият мазмунини янада бойитиш, самарадорликни орттириш, кафолатланган натижаларга эришишни таъминлаш...;

- матнда эзгу мақсад, эзгу тилак ифодаланган;

- нутқда ИНСОН омили, ИНСОН манфаати ётади;

Диний экстремизм ғоялари таъсирга адашиб тушиб қолмасликнинг асосий омиллари нимада?

- соғлом тафаккур;

- маърифий билимларни эгаллаш;

- юксак маънавиятли бўлиш;

- эзгу ишлар билан доимо олдинга интилиш.

Кўринадики, аналитик тафаккур инсонда миллий-мафкуравий фазилатларни барқарорлаштиради, ғоявий-мафкуравий қарашларни соғломлаштиради. Фикрлаш инсонга омад олиб келади. Америкалик ёзувчи Дэн Хармон «Ҳаётда муваффақиятли бўлиш учун танқидий ва аналитик фикрлашни ўрганиш керак» [104], - деб ёзади. Умумий ўрта таълим тизимида аналитик тафаккур воситасида ўқувчиларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, ахлоқий фазилатларини ошириш – уларнинг келажакда фуқаролик эътиқодини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Халқимизда азалдан ўқитувчиларга ўзгача меҳр, самимий муносабат кўрсатиб келинади. Алишер Навоийнинг «Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак осон эмас онинг ҳақин юз ганж ила» [118] эътирофининг ўзиёқ ўқитувчи мақомининг юксак эканини ангалатади. Ўқитувчи-муаллимларнинг касбий обрўси, шахс сифатидаги ҳурмати, аввало, уларнинг тафаккур олами, фикрлаш лаёқатига боғлиқдир. Мамлакатда ўқитувчининг нуфузини оширишга, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилаётган ушбу даврда ўқитувчининг ўзи ҳам ана шу мақомга, даражага ҳамма томондан муносиб бўлиши талаб этилади.

Аналитик тафаккур бу жиҳатдан ўқитувчида ҳам ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг энг ишончли интеллектуал воситасидир.

## **2.2. Шахс ахборот хавфсизлигини таркиб топтириш асосида ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш**

Ахборотлашган жамиятни шакллантириш, энг аввало, ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш ва глобал ахборот муҳитини ривожлантириш билан тавсифланувчи замонавий жамият эволюциясининг қонуний босқичини ўзида акс эттиради. Янги жамиятни шакллантириш жараёни ахборот технологияларининг имкониятларини тўғри англаш ва оқилона фойдаланиш билан боғлиқ. Бугунги кунда ахборот хуружидан ҳимоя қилиш долзарб педагогик масаладир.

Ўз моҳияти билан «хуруж» атамаси Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» китобида ҳам учрайди. Яъни «Хуруж кунлари қилган бешинчи кенгашим», «Хуруж вақтида қилган олтинчи кенгашим», «Хуруж кунлари қилган еттинчи кенгашим» сарлавҳали битикларда ғанимларнинг қай тариқа хуруж қилишгани ва унга қарши кўрилган тадбирлар баён этилади. Ҳамиша жаҳолатга қарши маърифат йўлини танлаган Соҳибқирон бир ўринда шундай ёзади: «Ғанимларни чучук сўз, ширин ҳикоятим билан ўз томонимга эгмоқчи ва улар вужудидаги ёндирувчи (ғазаб) ўтини тўғри тадбир суви билан ўчирмоқни маслаҳат кўрдим. Шу тарзда уларни ром қилмоқчи бўлдим» [217]. Демакки, ўша даврда ҳам мамлакат тинчлиги ва осойишталигига хуруж қилингани ҳамда унга қарши курашда қандай йўл тутилганини ҳам шундай манбалар орқали билиш мумкин.

Эпикурнинг ғояларида хавфсизлик тушунчасида инсон ва табиат уйғунлигини кўриш мумкин [190]. Т.Гоббс хавфсизликни икки эзгу амалда кўради: имон ва қонун [132].

Замонавий адабиётларда «хавфсизлик» тушунчаси объектнинг ўз функцияларини чеклаши ва ўзининг ички қонунлари асосида ривожланадиган шарт-шароитлар ва омиллар тизими сифатида кўриб чиқилади [37]. Шунингдек, хавфсизлик индивид ёки жамиятга хавф-хатар туғдирувчи шарт-шароит ва омиллардан ҳимояланиш тарзида ҳам тавсиф этилади [35].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, «хавфсизлик» тушунчасига берилган кўплаб таърифлар олимлар ва амалиётчилар томонидан танқидга учрамоқда. Бизнингча, кўплаб таърифларда аниқлик етишмаслигининг асосий сабаби тушунчага таъриф беришда хавфсизликнинг диалектик зидди ҳисобланган хавфнинг ҳисобга олинмаслиги билан боғлиқ. Айнан хавф-хатарнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш «хавфсизлик» тушунчасига аниқроқ таъриф бериш имконини беради. Г.А.Атаманов таъкидлаб ўтганидек, хавфсизлик унинг ҳосиласи сифатида хавф-хатар билан алоқадорликда мазмун касб этади [28]. Муаллифнинг фикрича, «хавфсизлик» ички ва ташқи таъсирларнинг мавжудлиги шароитида тизимнинг ҳаётий мавжудлик механизмининг бузилишига доир объект ҳолатини ифода этади. Унинг ҳар қандай таҳдидни хавф-хатар сифатида қабул қилиши ўринли бўлмайди, хавфсизлик хавф-хатарни енгиб ўтиш натижасида юзага келади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, шундай хулосага келиш мумкин: хавфсизлик тизимнинг хавф-хатарларга қарши курашиш имкониятига эгаллиги, шунингдек, ўз ривожининг юқори даражасини эгаллаш қобилияти. Бизнингча, хавфсизлик исталган объектнинг мавжудлиги тавсифини, мазкур объектнинг ўз қадриятлари, мақсадлари, қизиқишларини ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, тизимнинг мавжудлигини таъминловчи асосларга таҳдид солувчи кучларга қарши курашиш қобилиятидир.

«Хавфсизлик» тушунчасининг моҳиятини аниқлаштириш асосида «ахборот хавфсизлиги» атамасининг мазмун-моҳиятини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Бизнингча, ахборот хавфсизлиги бутун инсоният учун глобал аҳамиятга эга бўлган, унинг объектив, амалий таърифини шакллантиришнинг

ҳаётий зарурият эканлиги билан тавсифланувчи замонавий жамиятнинг ноёб ходисасидир.

Мутахассисларнинг қайд этишича, ахборот хавфсизлиги муаммосини ёритиб беришнинг мураккаблиги ҳозирги вақтгача мазкур тушунчанинг умумжамоатчилик томонидан қабул қилинган изоҳининг мавжуд эмаслиги, фан соҳаси билан боғлиқликда баён этилиши билан боғлиқ. Ана шу сабабли «хавфсизлик»нинг объектсиз мавжуд бўлмаслигини аниқлаб олиш зарур. А.А.Стрельцов тўғри таъкидлаб ўтганидек, «аниқ объектсиз «хавфсизлик» тушунчаси мавҳум характер касб этади, у ўзининг ички моҳиятини йўқотади» [66].

Шунингдек, ахборот хавфсизлиги мураккаб ходиса сифатида мазкур тушунчани изоҳлашни қийинлаштирувчи бир нечта асосларни келтириб ўтиш мумкин:

1. Ахборот хавфсизлиги – жамият ривожининг объектив шарт-шароитлари билан боғлиқ объектив ходиса. Унинг шаклланиши жамиятни ахборотлаштириш жараёни билан боғлиқликда юзага келади.

2. «Ахборот хавфсизлиги» тушунчасини таърифлашдаги мураккабликлар, бизнингча, унинг турли – техник, ҳуқуқий, психологик, педагогик, ижтимоий жиҳатлар билан алоқадорликда тадқиқ этилиши билан боғлиқ. Албатта, олимлар ўзининг илмий фаолият соҳаси билан боғлиқликда мазкур тушунчага турли-туман таъриф беришади. Бу эса «ахборот хавфсизлиги» атамасига ягона бир таърифни шакллантиришда қатор қийинчиликларни юзага келтиради.

Социологик-психологик адабиётларда «ахборот психологик хавфсизлик» атамасини қўллаш анъанага айланган.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий йўналишлари ва усуллари илмий асослангандир. Бу ерда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги миллий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифалар, турли таҳдидларга қарши кураш усулларининг назарий жиҳатдан ўрганилиши ва таҳлил этиб борилиши зарур.

Зотан, жамиятни бошқариш сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик йўллар орқали амалга оширилади. Буларнинг негизида, аввало, информацион бошқариш мавжуддир.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг маънавий-маърифий аспекти, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, ОАВ ходимлари фаолиятининг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларига қатъий амал қилиш ахборот-психологик хавфсизлигининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Шуни айтиш жоизки, ахборот-психологик хавфсизлик – давлат, жамият ва шахсга зиён етказиши мумкин бўлган тасодифий ёки қасддан қилинган информацион таъсирлардан ҳимоялашга қаратилган муҳим саъй-ҳаракатдир. Мутахассислар фикрича, бу қўйидаги мақсадларда амалга оширилади: ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш; ахборотнинг конфиденциаллигини сақлаш, унинг ОАВда чиқишини ўғирланиши ва йўқолишининг олдини олиш; ахборотни бузиб кўрсатиш ва сохталаштиришнинг олдини олиш [201].

Демак, бугунги глобаллашган маконда шахс ахборот хавфсизлигини таъминлаш – ахборот соҳасига зиён етказилишининг олдини олишга хизмат қилади. Бу жараёнда ёвуз ниятли кишиларнинг кирдикорларига қарши кураш билан бир қаторда турли даражада келтирилиши мумкин бўлган зарарларнинг ҳам олди олиниши табиий.

Дунё ягона ахборот маконига айланган бугунги кунда бирор ахборотнинг йўлига сунъий тўсиқ қўйиб бўлмайди. Истиқлол шарофати билан дунёга юз очган, ўқувчилари дунё тилларини бемалол эгаллаб, «интернетомания» касалига чалиниш арафасида турган юртимизга ҳам яхши, ҳам ёмон таъсирлар, турли хуружлар мавжудлиги шароитида шахснинг ўзини-ўзи психологик жиҳатдан салбий таъсирлардан ҳимоя қила олиш имкониятларини кенгайтириш энг долзарб муаммолардан биридир [166].

Педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, шахс ахборот хавфсизлигини таъминлаш таълим олувчиларда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.

М.Қуронов ўзининг «Биз англаётган ҳақиқат» китобида «Диққат, Интернет» сарлавҳаси остида қуйидаги фикрларни баён этган: «Ҳали Интернетнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида яқдил хулоса қилишга эртароққа ўхшайди. “Технология бизнеса. Connect” журнали ўзининг 2003 йил 10-сонидagi «Информация + нация» мақоласида хавотирли гапларни ёзди. «Интернетдан мустақил фойдаланувчиларда, – деб ёзади журнал, – ўзини ўзи барқарор идентификация қилиш, ўзига хослик йўқола боради. Одамнинг ўзини англаши хиралашади ёки беқарор бўлиб қолади.

Бошқача қилиб айтганда, Интернет – миллатсиз, қалбсиз, тарихсиз бепоён чексизлик. Унга одам қанча чуқур кириб борса, мия катаклари шунча ташқи маълумотга тўла боради. Бегоналик сари қанча чуқур борсангиз, ўзингизникилардан шунча узоқлаша борасиз. Миянгизда 100 та катак бўлсаю, шундан 70 таси ўзбекона маънога тўла бўлса, яхши. Ўзимизникисиз. Мабодо 30 таси ўзбекча бўлса, ёмон. Сиз ўзингизга, ўзингизникиларга бегоналар томонидан туриб баҳо бера бошлайсиз. Бундан ўзингизникилар ютқазади. Бегоналар ютади... » [93].

Глобаллашув ва янги халқаро ахборот тартиби шаклланаётган бир шароитда деярли тўрт аср аввал машҳур инглиз файласуфи Френсис Бекон томонидан айтилган «Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади», деган фикри бугунги кунда янгича мазмун касб этмоқда. Бугун биз табиий ресурсларнинг анъанавий бозорларига қўшимча равишда ахборот ва билимлар бозорининг шаклланиши ҳамда ривожланиш жараёнига гувоҳ бўлаяпмиз, бу жараёнларнинг фаол қатнашчиларига айланаяпмиз [75]. Шундай экан, ўқувчиларда ахборотлар олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш, уларда ахборот истеъмол маданиятини тарбиялаш ҳаётий аҳамиятга эга.

У.Ғафуровнинг таъкидлашича, ахборот истеъмоли маданияти, энг умумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин этишга хизмат қиладиган билим, қобилият ва малакалар тизимини англатади [95].

Б.Ходжаевнинг қайд этишича, «ахборот истеъмоли маданияти» тушунчаси асосида шахснинг ахборий жиҳатдан шаклланганлигининг учта асосий даражаси акс этади: умумий, касбий ва мазмунли-қадриятли. Шахсда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришнинг мазкур даражалари аниқ мезонларни танлаш ва шахсий ривожланганлик кўрсаткичлари билан боғлиқ. Ахборот истеъмоли маданияти тизимидаги когнитив-операцион ва ташкилий таркибий қисмлар универсаллик, ахборий фаолиятнинг фанлараро алоқадорлиги, шунингдек, инсоннинг турли хил фаолият тизимидаги умумлашган тавсифини акс эттирувчи компьютер саводхонлиги билан белгиланади. Ахборот истеъмоли маданияти мазкур ҳолатда методик жиҳат билан боғлиқликда намоён бўлади. Касбий (амалий) таркибий қисм шахснинг касбий фаолиятга қизиқишида намоён бўлувчи ахборий фаолиятнинг ўзига хослиги, касбий қизиқиш билан боғлиқликда ахборотларни излаб топиш, танлаш ва фойдаланиш каби жиҳатларни ўзида акс эттиради. Коммуникатив ва дунёқарашга оид таркибий қисмлар – интегратив, синтетик, информацион фаолиятнинг кўп функционаллиги; унинг фанлараро ва универсаллиги каби мезонлар билан аниқланувчи шахснинг юқори ахборот истеъмоли маданияти даражасини (мазмунли-қадриятли) аниқлаб беради [228].

«Шахс ахборот хавфсизлиги» тушунчасининг асосий мазмуни ахборот хавфсизлигини таъминлаш, информацион маконда ўзаро биргаликда ҳаракатланаётган субъектларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш, хавфсиз ахборот муҳитини шакллантириш воситасида ўқувчиларнинг ахборот олиш эҳтиёжини қондиришда ўз ифодасини топади.



Адабиётлар таҳлили асосида шахс ахборот хавфсизлиги – ахборотлашган жамият билан уйғун ривожланишга ёрдам беришга йўналтирилган замонавий социумнинг объектив тараққий этиши билан боғлиқ мураккаб ҳодиса эканлиги ҳақидаги хулосага келинди. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, энг аввало, ахборот технологияларини қўллаш билан боғлиқликда юзага келадиган салбий таъсирларни ўрганиш, ўқувчиларни мазкур салбий таъсирлардан ўз-ўзини ва жамият аъзоларини ҳимоя қилиш, юзага келадиган муаммоларнинг олдини олишга тайёрлашни талаб этади.

Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш ўз навбатида шахс ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ бўлиб, ўқувчининг мавжуд эгалланган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ахборотни онгли идрок этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш қобилияти билан тавсифланувчи шахсий қадриятга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан ахборот таҳдидларига қарши курашишга тайёргарлигини ифода этади.

Мазкур таърифга таянган ҳолда, шахс ахборот хавфсизлигининг куйидаги компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин: когнитив (ахборот муҳитидан келадиган хавф-хатарлар ҳақида билимларга эга бўлиш, ахборотни таҳлил этиш, баҳолаш қобилияти), аксиологик (умуминсоний қадриятлар ҳақидаги тасаввур, мазкур қадриятлар билан боғлиқликда хулқ-атвор моделини белгилаб олиш кўникмаси), коммуникатив-фаолиятга доир (бошқаларнинг фикри, нуқтаи назарларига толерант муносабатда бўлиш, вазиятга баҳо бериш қобилияти). Мазкур компонентлар мазмуни шахс ахборот хавфсизлигини икки қисмдан иборат тузилма сифатида кўриб чиқиш имконини беради: шахсга (шахс сифатлари, мотив ва қадриятлари тизими) ва фаолиятга йўналтирилган (тажриба, билим, қобилият).

Замонавий тадқиқотлар таҳлили шахс ахборот хавфсизлиги муаммосини ҳал этишга доир уч ёндашувни ажратиб кўрсатиш имконини беради: ташқи муҳит таъсири, шахсий фаоллик ва интегратив.

Ташқи муҳит таъсири ваколатли шахслар томонидан зарарли ахборотлар билан танишишни чеклаш, уни тарқатишни тақиқлашда ўз аксини топади. Ташқи таъсир асосидаги тақиқларга махсус дастур ва хизматлар асосида ўқувчиларнинг ахборотларни кўр-кўрона кўчириб олишини далиллар асосида исботлашни мисол қилиб келтириш мумкин. Чунки аслида ёш қанча катта бўлса, ахборотларни назорат қилиш имконияти камаяди, унинг устига инсон кундалик ҳаётда турли ахборот таҳдидларига тўхтовсиз дуч келади. Агар шахсда унинг муносабати ва хулқ-атворини белгилаб берувчи кадриятлар тизими қарор топмаган бўлса, у ахборот таҳдидлари олдида ҳимоясиз қолади. Маълумки, фақат ўқувчиларга таъқиқ кўйиш орқали мазкур жараёнда мақсадга эришиб бўлмайди ва ушбу ҳолат ахборот муҳитида шахс хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча усул ва воситаларни талаб этади. Ана шу нуқтаи назардан шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлашда шахс фаоллиги алоҳида аҳамият касб этади.

Айнан шахсий фаоллик ижтимоий муҳит доирасининг кенгайиши, мулоқотмандлик, ҳамкорликка эҳтиёж, ҳамфикр излаш ҳисобига ахборот таҳдидлари сонининг ошиб бориши ўқувчилик даври учун алоҳида аҳамиятлидир. Маълумки, ўқувчилар шахс сифатида етукликка эришмаганлиги боис ахборот майдонидаги салбий характерга эга бўлган хуружларни англай олишмайди.

Мазкур ҳолат билан боғлиқликда ўқувчиларнинг шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳит ва шахснинг ўз имкониятларининг мақбул мувозанатга эришишга имкон берувчи интегратив ёндашувдан фойдаланишни талаб этади. Шахс хавфсизлигини таъминлаш учун ички куч ва имкониятларга эга шахс учун муҳит хавфсиз бўлиб қолмайди, шунинг учун шахс таҳдидлардан ҳимояланиши зарур бўлади. Мазкур ёндашувда айнан шахснинг фаоллиги шахс ахборот хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Шахс ижтимоийлашуви учун алоҳида шарт-шароитларни яратиб берувчи замонавий ахборотлашган жамиятда шахсий ахборот хавфсизлиги

муаммоси долзарб аҳамият касб этади. В.И.Загвязинский таъкидлаб ўтганидек, «янги ахборот ва коммуникация технологиялари таълим олиш учун қулай имкониятлар яратиши билан бирга шахснинг ижодий салоҳиятининг йўқолиши, маданиятсизликнинг юзага келиши, мустақил фикрлаш ўрнига фикрнинг қарамлиги хавфини ҳам келтириб чиқаради» [36]. Ўз навбатида мустақил фикрлай олмаслик ахборот истеъмоли маданиятининг ривожланмаслигига, ахборотларни таҳлил этиш малакасининг шаклланмаслигига, танқидий фикрлашнинг тараққий этмаслигига олиб келади. Фикрнинг қарамлиги иродасизлик, бефарқлик, лоқайдлик ва аниқ мўлжални олишдан маҳрум бўлишда намоён бўлади. Айнан ахборотларни қайта ишлаш ва зарур ҳулоса чиқариш қобилиятининг мавжуд эмаслиги ўқувчилар орасида тайёр маълумотларни кўчириб олишнинг кенг оммалашувига олиб келади. Ҳатто кўпчилик ўқувчилар назорат топшириқларини бажаришда Интернетдан тайёр ахборотларни тўғри ёки нотўғрилигини ўйлаб ҳам кўрмасдан кўчириб жавоб ёзиши одат тусига айланиб қолди. И.Г.Захарова таълим жараёнида ахборотлаштиришнинг салбий таъсири сифатида «дидактик материалларнинг юзаки ишлаб чиқиладиганлиги, тест топшириқларидан ҳаддан зиёд кўп фойдаланилиши, ахборот олишнинг осонлиги» қабиларни кўрсатиб ўтади [38].

Ахборот муҳитининг тобора кучайиб бориши шахс ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатувчи кўплаб ахборот таҳдидларини юзага келтиради. Шунинг учун шахс ахборот хавфсизлиги муаммосини тадқиқ этиш шахс ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатадиган ижтимоий таҳдидлар, яъни ижтимоий омиллар (экстремизм ва интолерантлик, ксенофобия, агрессия ва ҳ.к.)ни ҳам таҳлил этишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида ижтимоий таҳдидларни ҳам ахборот таҳдидлари сирасига киритиш лозимлигини кўрсатади.

Ахборот ва ахборот инфратузилмаси билан боғлиқ, шунингдек, ахборотлар орқали шахсга таъсир кўрсатувчи ижтимоий хавф-хатарларнинг

юзга келиш манбаларини таҳлил этиш асосида уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ахборот мазмунига алоқадор таҳдидлар – онгни манипуляция қилиш ва тарғибот учун мўлжалланган ахлоқсиз, салбий, қонунга зид ва зарарли мазмун-моҳиятга эга материаллар.

2. Интернет ва бошқа ахборот-коммуникация воситаларига психологик тобеликни келтириб чиқарувчи таҳдидлар.

3. Ахборотни излаш, танлаш, қайта ишлаш, тизимлаштириш ва узатиш кўникмасининг шаклланмаганлиги, ахборот истеъмоли маданиятининг мавжуд эмаслиги натижасида юзга келувчи таҳдидлар.

4. Инсон саломатлигига зарар етказувчи таҳдидлар (масалан, ахборотлар билан ишлашда эргономик талабларга риоя қилинмаслиги).

Ўз табиатига кўра таҳдидлар субъектив-объектив тавсифга эга. Ахборот объектив реалликдир. Таҳдид ҳам объектив реаллик сифатида маълум бир шароитида зарарли омил бўлиб хизмат қилади. Субъектнинг муносабати ва идрок этиши билан боғлиқликда таҳдид вазияти шахсга салбий таъсир кўрсатиш даражаси билан боғлиқ. Агар шахс вазиятни танқидий баҳолай олса, зарарли ахборот таъсирига қарши тура олади.

Тадқиқот доирасида ўқувчиларда шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлаш малакасини ривожлантиришга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда кўпроқ рефлексив усулларга таянилди.

Рефлексив усуллар кибермаконда хавфсизликни таъминлаш йўлларини аниқлашга олиб келувчи виртуал мулоқот жараёнида ўқувчиларга ўз шахсий қиёфасини бошқа инсон қиёфасига айлантириш имконини беради.

Кибермаконда хавфсизликни таъминлаш бўйича ўқувчиларнинг рефлексив нуқтаи назарини ривожлантиришга йўналтирилган вазиятли топшириқ намуналарини кўриб чиқамиз.

1-вазият. Янгиликлар тақдим этиб бориладиган сайтни кўриб туриб, мафкура тўғрисидаги шарҳларга оид диалогда қуйидаги фикрларга гувоҳ бўлдингиз:

х: Маънавий меросни ўрганиш бизга нимага керак?

у: тўғри, шу маънавий мерос ҳақида гап кетса, менда ҳам шундай фикр уйғонади.

х: маънавий меросни эмас, аллақачон ноу-хауларни ўрганиш керак.

Топширик. Диалог иштирокчиларининг фуқаролик позициясини баҳоланг. Интернетдаги мазкур мулоқот маънавий меросга нисбатан бошқаларда ҳам шундай фикрларни ҳосил қилмайдими? Сиз диалогга аралашиб, қандай муносабат билдирган бўлар эдингиз. Сизнинг фикрингиз қандай?

2-вазият. Сиз билдингиз, Сизнинг ўртоғингиз доимий равишда хакер сифатида тақиқланган сайтларнинг фаол иштирокчиси. Тасаввур қилинг, ана шундай сайтлардан бирида ўзбек халқининг келиб чиқиши, миллий мероси ва сиёсати ҳақида бузғунчи ғоялар тарқатилади. Ўртоғингиз ҳам ана шу ғояларга ишонади.

Топширик: Сиз маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси воситасида қандай тарзда мазкур ахборот таҳдидига қарши фикр билдирасиз? Сиз ўртоғингизнинг бузғунчи ғояга эргашаётганига ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми? Ўртоғингизни ватанпарвар ва миллий ғурури бор инсон деб ҳисоблайсизми? Ўзингизни ватанпарвар, миллатпарвар, халқпарвар деб ҳисоблайсизми? Мазкур вазиятдан қутилиш учун нима қилиши керак?

Ўқувчиларда танқидий фикрлашни ривожлантиришда рефлексив нуқтаи назарни шакллантиришга йўналтирилган «Идеал» машқидан фойдаланиш мумкин. Мазкур машқни бажариш учун муаммоли саволлар ўқувчилар билан бирга улар учун долзарб ва ҳайратлантирувчи мавзулар асосида шакллантирилади.

Машқ бешта қадам орқали амалга оширилади: 1) «И» – қизик, муаммо нимада – муаммони умумий кўринишда шакллантириш босқичи; 2) «Д» – муаммоли саволлар тузиш – савол кўринишида муаммони шакллантириш; 3) «Е» – муаммони ҳал этишнинг қандайдир ечими борми – дастлаб индивидуал, кейин жуфтликларда кўпроқ ечим топиш; 4) «А» – танлов

қилиш қандай қийин – муаммонинг мақбул ва рационал ечимини танлаб олиш; 5) «Л» – қизиқувчанлик, ҳаётда қандай кечади – қарорни амалга ошириш жараёни босқичи.

Барча босқичлар амалга ошириб бўлинганидан сўнг, муаммоли савол юзасидан таклифларни муҳокама қилиш бўйича мунозара ўтказилади.

Аниқ вазиятларнинг таҳлилини амалга ошириш бўйича ўқувчиларнинг рефлексив нуқтаи назарини шакллантириш учун қўлланиладиган машқ ва топшириқларни кўриб чиқамиз.

### 1. «Вазият таҳлили: Мен кадрлайман...»

Мақсад: ижобий Мен образини яратиш, ҳар бир иштирокчида эмпатияни ривожлантириш, ўз-ўзига берадиган баҳосини кўтариш.

Аниқ вазиятлар таҳлилидан сўнг ўқитувчи ҳар бир иштирокчидан куйидаги фикрларни айтишни сўрайди: «Мен ўзимдаги ... кадрлайман», «Мен ...даги (гуруҳдошларидан бирининг исми) ... кадрлайман», «Мен ҳаётда ...ни кадрлайман».

Машқ тугаллангунга қадар ўқитувчи таҳсил олувчилардан уни бажариш жараёнида юзага келган фикр ва ҳиссиётлар билан ўртоқлашишни сўрайди.

### 2-машқ. «Вазият таҳлили: Қайта алоқа».

Мақсад: гуруҳнинг ҳар бир аъзосида эмпатия ва рефлексияни ривожлантириш.

Ўқувчиларга жуфтликларга бўлиниш ва аниқ вазиятни таҳлил қилишга доир топшириқни бажариб бўлгандан сўнг шеригининг эмоционал ҳолатини баҳолаш таклиф этилади. Биринчи ўқувчи таҳлил жараёнида шериги ижобий ёки бошқача бир таассурот қолдирганлигини аниқлашга уринишади. Сўнгра, ўринлар алмашинади. Навбатдаги ўқувчи қайта алоқани амалга оширади, яъни роллар алмашинади.

### 3. «Мен ахборот хуружига қаршиман» мавзусида эссе ёзиш.

Мақсад: ўқувчиларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашда билим, кўникма, малака ва ахборот-таҳлилий компетенциядан фойдаланишга

ўргатиш. Ўқувчиларда мазкур фаолият турига дахлдорлик туйғусини таркиб топтириш.

### 3. Гуруҳий мунозара.

Мақсад: Интернет тармоғидаги суҳбат жараёнида ҳамсуҳбатининг кадриятга йўналтирилган фикрларини аниқлаштириш.

Гуруҳий мунозарани ташкил этиш учун савол ва топшириқлар  
2.2.1-жадвалда келтирилган:

#### 2.2.1-жадвал

#### «Интернет тармоғида нотаниш суҳбатдош шахсини баҳолаш» мавзуси бўйича гуруҳий мунозарани ташкил этиш

| Ўқувчиларга<br>топшириқ  | Мунозара учун саволлар  |
|--|---|
| Сизнинг вазифангиз<br>Интернет тармоғидаги<br>суҳбатдошга тавсиф<br>бериш. Баҳолаш<br>мезонлари ва<br>кўрсаткичларини таклиф<br>этинг. | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Сизнинг суҳбатдошингизга баҳоингиз унинг саводхонлик даражасига боғлиқми?</li> <li>2. Суҳбатдош шахсини баҳолаш учун умумий мезонларни таклиф этиш мумкинми?</li> <li>3. Интернет тармоғидаги фаолияти билан боғлиқликда истисно тариқасида шахсга ишончли баҳо бериш мумкинми?</li> <li>4. Суҳбатдош шахсини баҳолашнинг қайси мезонлари Сиз учун кўпроқ муҳим?</li> <li>5. Суҳбатдош билан диалог орқали унинг тарихий-маданий меросга муносабати ва фуқаролик позициясини аниқлаш мумкинми?</li> </ol> |

Амалий тавсифдаги саволларни мустақил ўрганиб бўлишганидан сўнг, ўқувчилар гуруҳий мунозара жараёнида ўзларининг таассуротлари ва ўз нуқтаи назарини исботлашга доир далиллар ва мисолларни бошқалар билан ўртоқлашишади. Ўқитувчи ўқувчиларга мунозара қоидаларини эслатиб туради, фикрларни баён этиш жараёнига босқичма-босқичма тузатишлар

киритиб боради, бир саволдан иккинчи саволга ўтишни амалга оширади, оралиқ хулосаларга келинишини таъминлайди.

Мунозара жараёнида гуруҳ рефлексив саволларга жавоб беради ва умумий якуний хулосага келишади.

Мунозара якуни сифатида ўқувчиларга Интернет тармоғидаги ахборотлар билан ишлаш, шунингдек, мазкур ишни бажариш жараёнида фаол рефлексив нуқтаи назарни аниқлашга йўналтирилган «Афсона эмас муаммолар» топшириғини бажаришни таклиф этади.

Гуруҳ иштирокчиларига улар яқинда тўқнаш келган шахсий масала мавжудлиги ҳақида эшлаш таклиф этилади (Миллий мафкура ва маънавиятга зид вазиятлар таҳлилига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ).

Топширик: худди шундай масала билан тўқнаш келган эртақ қаҳрамонини танлаш. Шахсий қаҳрамонини танлаш, воқеа иштирокчиларини номлаш. Сўнгра реал воқеликка ўхшаш масалага дуч келган эртақ ўйлаб топиш зарур.

Доскага доира ичида барча эртақ қаҳрамонларининг номлари ёзиб қўйилади ва ҳар бир ўқувчига навбати билан доска олдида бориш, унинг фикрича, улар орасида бир хил ўхшашликни топиш қийин бўлган учта қаҳрамоннинг номларини стрелка билан бирлаштириш сўралади. Доскада пайдо бўлган чизма гуруҳдаги муаммонинг социометрия натижасини акс эттиради.

Машқнинг навбатдаги босқичи жуфтликларда эртақнинг давомини баён этиш билан давом эттирилади. Мазкур босқич учун кўрсатма: жуфтликларга уларнинг қаҳрамони дуч келган муаммоларни ҳал этиш усулларини умумий баён этиш сўралади. 10-15 минутдан сўнг яратилган эртақ давра бўлиб муҳокама қилинади. Бирор-бир жуфтлик баён этади, иккинчи жуфтлик уни тўлдириши зарур.

Мазкур машқ бўйича бир машғулотнинг ўзида эмас, кейинги машғулотда хулосаларга келиш лозим. Чунки мазкур машқнинг таъсири, энг



аввало, кўпинча бизнинг хулқ-авторимиз бошқарадиган онг ости тизимида содир бўлади.


Шунингдек, ўқувчиларда шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлашда «Тарбия» («Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари») фанидан ўтказиладиган амалий машғулотларида қўллаш билан боғлиқ ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этиш яхши самара беради. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ўқувчиларда Интернет тармоғидаги киберэкстремистик фаолиятга қарши курашиш, шахс хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш малакалари таркиб топтирилади. Ўқувчиларнинг аниқ йўналишларда (очик ахборот хавфсизлиги, психология, педагогика ва ҳ.к.) ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга доир билим ва тажрибаси, информацион материалларнинг осон ўзлаштирилиши, ахборот-коммуникация соҳасидаги турли хил қонунчилик, норматив, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвори тезда англаш имконини беради. Ана шу тарзда ўқувчилар ахборот хавфсизлигини таъминлашга билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ошириш учун кенг имкониятга эга бўлишади.

Лойиҳаларни тайёрлаш ўқувчилардан кўпроқ мустақил ишлашни талаб этади. Мазкур жараёнда улар катта ҳажмдаги ахборотларни излаш ва қайта ишлаш билан шуғулланишади.

Лойиҳани бажариш учун ўқувчиларга қуйидаги методик тавсияларни тақдим этиш лозим: 1) миллий ғоя ва мафкурага таҳдид йўналиши билан боғлиқ жавоби изланаётган саволни аниқ шакллантиринг (масалан, мумтоз мусиқага «оммавий маданият»нинг таъсири); 2) мавжуд билимларингиз нуқтаи назаридан қўйилган масала юзасидан аниқ ечимга келиш мумкинлигини баҳоланг; 3) асосий ва кичик муаммоларни аниқлаштиринг ҳамда уларга жавоб изланг; 4) агар жавоб топган бўлсангиз, эгалланган билимлар асосида ечимни шакллантиринг; 5) индукция ёки анология методлари асосида фаразларни илгари суринг; 6) қўлга киритилган натижаларни маълум бўлганлари билан таққосланг; 7) қўлланилган мантиқий

усулларнинг аниқлигини текшириб кўринг; 8) ечим топишда қўлланилган барча умумлашма ва ҳукмларнинг тўғрилигини текширинг; 9) вазифа объектларининг кўзга ташланадиган мисолларини танлашга интилинг; 10) ечим натижасини қатъий мантиққа асосланиб шакллантиринг; 11) қўлга киритилган ҳукмларни «тарафдор» ва «қарши» ҳукмлари орқали баҳоланг.

Лойиҳани тайёрлаш учун ўқувчи томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилади (2.2.1 -расмга қаранг).



**2.2.1-расм. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга мўлжалланган лойиҳалаштириш босқичлари ва вазифалари**

Лойиҳаларнинг ҳимояси «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» туркумига кирувчи фанлардан амалий машғулотлар жараёнида ўтказилди. Ўқувчилар ўз лойиҳаларини ҳимоя қилиш жараёнида демонстрацион ва тарқатма материаллар тайёрлашди, шунингдек, лойиҳанинг ижодий жиҳати ҳам баҳоланди.

Таклиф қилинган лойиҳалар мавзулари уч йўналишга бўлинди: фуқаролик ва ватанпарварлик тарбияси, ахборот таҳдидларига қарши курашиш (2.2.2-жадвалга қаранг).

Мазкур мавзулар тавсиявий тавсифга эга бўлиб, ўқувчилар кўрсатилган йўналишлар доирасида ўзлари ҳам эркин равишда лойиҳа мавзусини танлаш имкониятига эга бўлишди. Лойиҳалар индивидуал ва кичик гуруҳларда бажарилди. «Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари» фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар барча йўналишдаги мавзулар бўйича лойиҳалар тайёрлашди.

## 2.2.2-жадвал

### Йўналишлар ва лойиҳа мавзулари

| Йўналишлар                           | Лойиҳа мавзулари  |
|--------------------------------------|---|
| Фуқаролик ва ватанпарварлик тарбияси | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ватанпарварлик ва миллий ўз-ўзини англаш.</li> <li>2. Замонамиз қаҳрамонлари.</li> <li>3. Космополитизм – бузғунчи ғоя.</li> <li>4. Миллий ғоя – кучли фуқаролик жамиятининг асоси.</li> <li>5. XXI аср ватанпарварлари.</li> <li>6. Мен фуқароман.</li> <li>7. Ўзбекистон – тинчлик ва дўстлик Ватани.</li> <li>8. Хотира – муқаддас</li> <li>9. Миллий-маданий марказлар.</li> <li>10. Менинг шажарам.</li> </ol>   |
| Ахборот таҳдидларига қарши кураш     | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ахборот хуружи: тарихий ва замонавийлик.</li> <li>2. Ахборот уруши.</li> <li>3. Ахборот таҳдидининг ижтимоий-психологик омиллари.</li> <li>4. Ахборот таҳдидларининг кўринишлари ва намоён бўлиши.</li> <li>5. Менинг огоҳлигим инсонларни қутқаради.</li> <li>6. Кибертерроризм.</li> <li>7. Янги мафкуравий таҳдидлар.</li> <li>8. Оммавий ахборот воситаларининг ахборот таҳдидларига курашдаги роли.</li> <li>9. Ахборот таҳдидлари профилактикасининг қонунчилик асослари.</li> <li>10. Шахслараро конфликт – ахборот хуружининг илдизи сифатида.</li> </ol> |

Мустақил иш топшириғи сифатида эгалланган ахборотларини мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларга эссе ёзиш топширилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида лойиҳа методидан фойдаланиш умумий ўрта таълимда ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланган ўқувчиларда шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлаш

компетентлигини ривожлантиришга имкон берди. Бунда ўқувчилар ўз фаолияти мақсадини мустақил белгилайди, уни амалга оширишни режалаштиради, қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг мақбул усулларини танлайди. Лойиҳалар ахборот хавфсизлигини таъминлашга жалб этиш жараёнида тафаккур, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини тарбиялашни ривожлантиради.

### **2.3. Тарбия технологиялари воситасида ўқувчиларда умуммаданий компетенцияни ривожлантириш**

Замонавий жамият ривожининг муҳим эҳтиёжларидан бири инсоният ва ҳар бир инсоннинг тақдири билан бевосита алоқадор маданият ҳодисасининг мазмуни ва функцияларини замонавий тарзда тушуниш билан боғлиқдир. Айнан ижтимоийлашув жараёнида умуминсоний кадриятлар, хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари, бой маданий меросни ўзлаштириш орқали ўқувчиларнинг ўзлигини англашига эришилади. Ўз-ўзини ривожлантиришга қодир ўқувчи шахсини шакллантириш, уни миллий маданият билан таништириш таълим ва тарбия орқали амалга оширилади.

Педагогик луғат ва энциклопедияларда маданият ва шахс тарбиясининг алоқадорлиги алоҳида қайд этиб ўтилган. В.М.Полонский томонидан яратилган «Таълим ва педагогика бўйича луғат»да маданият тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Маданият – жамият ва кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш турлари ва шакллари, инсон фаолиятининг моддий ва маънавий натижалари, дунёқарашда намоён бўладиган салоҳияти ва қобилиятлари, инсоннинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик ривожланиши, унинг бошқа кишилар ва табиат билан мулоқоти усуллари ва шаклларининг ривожланиш даражаси» [200].

Педагог олима Ойниса Мусурмонованинг таъкидлашича эса, «Маданият жамият тараққиёти даражасини характерловчи, ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида мужассам бўладиган тизим бўлиб, шахснинг

ижтимоий ва маънавий мазмунини ташкил этади. Бундан маданият шахс ва ва унинг фаолияти ўртасидаги ўзаро таъсирга доир қонуниятлар, шу жумладан, шахс ва жамиятнинг борлиққа бўлган маданий муносабатларининг пайдо бўлиши, ривожланиши, шахснинг талаби, қизиқиши, хоҳишига мос равишда унинг маданий фаолиятини ташкил қилиш йўллари, маънавий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари тизими, шахснинг маънавий ривожланиши ва маънавий маданиятини шакллантириш қонуниятлари мажмуидан иборат» [187].

Юқоридаги таърифлардан маълум бўладики, «Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, ҳуқуқ, таълим, тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи қабилар билан бирга ривожланади, жамиятнинг тараққиёт даражасини акс эттиради.

Маданият инсон фаолиятининг ҳам маҳсули, ҳам сифат кўрсаткичидир. Шу билан бирга, инсоннинг ўзи ҳам, пировард натижада маданият маҳсулидир. Ҳатто айтиш мумкинки, маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай тарзда шаклланади» [189].

Академик Д.С.Лихачевнинг фикрича, «маданиятли инсон – бу кўп нарсани тушунадиган, бинобарин, бошқаларга интиладиган, уларнинг маънавий ҳаётини «кашф этувчи» турли давр ва халқларнинг санъат асарларини ўзлаштирган шахс». Маданиятли инсоннинг муҳим фарқли жиҳати шундаки, деб таъкидлайди Д.С.Лихачев, у тажовузкорликдан, шубҳали ҳаракатлардан, шахсий норасоликлар мажмуидан ҳоли бўлади. Ана шундай инсонни умумий ўрта таълим мактаби шакллантириши зарур [168].

Ана шу тариқа, «маданият» тушунчаси мазмуни тўғридан тўғри шахслилик сифати билан алоқадор бўлиб, XX аср охири – XXI аср бошларида замонавий тарбия ва педагогик жараёнда мазкур категориянинг роли янада ошганлигини кўриш мумкин. Умумий ўрта таълим мактабининг муҳим вазифаси таълим-тарбияга доир меъёрий ҳужжатлар, замонавий педагогик тадқиқотлар ва тарбия концепцияларида аниқ белгилаб

қўйилганидек, ўсиб келаётган авлодда умуммаданий компетенцияни шакллантиришдан иборатдир.

«Умуммаданий компетенция»га турли-туман таърифлар берилган. Масалан, Г.К.Селевкониң таъкидлашича, умуммаданий компетенция – индивиднинг ижтимоий ва маданий муҳитга йўналтиришга имкон берувчи билим, малака ва ижтимоий тажриба унсурлари йиғиндисидир [65]. Л.Л.Супрунова умуммаданий компетенцияни «ўқувчиларда интеллектуал, маданий, ахлоқий ва жисмоний ўз-ўзини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилияти» [67] сифатида талқин қилади. Қўйилган мақсадга эришишдаги қатъийлик, тўпланган тажрибани танқидий мушоҳада қилиш, шунингдек, толерантлик, ижтимоий мослашувга қобилиятлилик, мустақил ва жамоада ишлаш кўникмаси «умуммаданий компетенция»нинг асосий тушунчаларини ташкил этади.

С.Л.Троянская «умуммаданий компетенция» тушунчасини чуқур таҳлил этиш асосида «умуммаданий компетенция маданий муҳитни ўзлаштириш тажрибаси, таълим олганлик даражаси, тарбияланганлик ва ривожланиш, билиш, дунёқарашга оид, ҳаётий, касбий тавсифдаги муаммоларни ҳал этишни баҳолаш мезони сифатида маданий эталонлардан фойдаланишга йўналтирилган шахснинг интегратив қобилияти» [70], деган хулосага келади.

С.Л.Троянская юқори синф ўқувчиларида умуммаданий компетенцияни ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш билан боғлиқликда унинг қуйидаги компонентларини ажратиб кўрсатади: ўқувчиларнинг маданиятни тушуниши ва ўзлаштириши, инсоннинг муаммони тушуниш ва уни ҳал этиш асосида билимларни эгаллаш қобилиятини амалга оширишни кафолатловчи когнитив компонент; кишилар билан маънавий-ахлоқий ўзаро биргаликдаги ҳаракат жараёнида қадриятларни узатиш воситаси сифатида инсоннинг маданият билан мулоқотга киришишини белгилаб берувчи қадриятга йўналтирилганлик компоненти; маданий фаолият, мулоқот кўникмалари ривожланадиган коммуникатив-фаолиятга доир компонент [71].

Жак Делор таълим бўйича халқаро комиссиянинг «Таълим: сирли марварид» деб номланган маърузасида педагогик йўналишнинг тўрт асосий жиҳатини ажратиб кўрсатар экан, компетенция «турли-туман кўплаб вазиятлар билан ва гуруҳий ишлаш имкониятини беради» [135], деган фикрни алоҳида таъкидлаб ўтади.

Юқоридаги фикрлар асосида умуммаданий компетенция билишга қизиқиш, маънавий-ахлоқий эътиқод ва тасаввурлар, воқеликни ўзлаштириш ва қайта яратиш бўйича маданий фаолиятга тайёрликни шакллантиришни талаб этувчи умуминсоний қадриятлар билан бевосита алоқадор эканлиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида умуммаданий компетенцияни ривожлантиришга йўналтирилган тарбия жараёни ўз навбатида технологик ёндашувга асосланиши лозим.

Тарбияга технологик ёндашув – тарбия натижаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

Технологик ёндашув имконияти тарбия жараёнининг ўзида унинг кўп омиллилиги – турли-туман омиллар таъсирига учраши, натижаларнинг тезда намоён бўлмаслиги, тарбиячи фаолиятининг (бевосита ёки билвосита) йўналтирилганлиги, кўп босқичлилиқ билан боғлиқ равишда мужассамдир. Кўп босқичлилиқ ўқувчининг у ёки бу сифат ҳақида тасаввур даражасидан тушунчага ва кейинроқ ўзлаштирилганларига мувофиқ ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантириш ҳамда тўғри хулқ-атвор одатларини шакллантиришга ўтиш билан тавсифланади. Шунга асосан В.С.Селиванов тарбия жараёни, унинг босқичлари кетма-кетлиги мураккаб ўзига хосликка эга эканлиги ҳақидаги хулосага келади [211]. Тарбия, шахс сифатларини шакллантириш эмоционал йўналганлик, хулқнинг маълум шаклига ижодий муносабат уйғотишдан бошланади. Иккинчи босқич ҳаракатни тўғри бажариш малакасини, яъни тўғри хатти-ҳаракат қилишни машқ қилиш

саналади. Кейинчалик ҳаракатни унга ижобий муносабат билан кўп марта бажариш давомида оқилона хулқ-атворга одатлантирилади. Тушунчани ўзлаштириш (шакллантириш) – тарбия жараёнининг кейинги босқичи. Ўзлаштирилган тушунчалар асосида ижтимоий хулқ тажрибаси ташкил қилинади.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида умуммаданий компетенцияни ривожлантиришда синфдан ташқари машғулотлар учун тарбиявий вазиятлар технологиясини қўллаш яхши самара беради. Тарбиявий вазиятлар технологияси деганда, ахлоқий вазиятларни уни ҳал этиш йўллари асослаш асосида мустақил мушоҳада қилиш; маълум бир кетма-кетлик, педагогик жараённи мунтазам назорат қилиб бориш ва коррекциялаш асосида, педагог томонидан қўлланиладиган хилма-хил метод ва усуллар ёрдамида ўқувчиларда маданий хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришга имкон берувчи мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиладиган муаммо ва ечимлар тизими тушунилади. Н.М.Боритко таъкидлаб ўтганидек, «тарбиявий вазият ўқувчининг нима яхши-ю, нима ёмон, энг асосий нима, нимага интилиш кераклигини англашини рағбатлайдиган шарт-шароитларни махсус ташкил этиш тизимидир» [129].


Умуммаданий компетенцияни ривожлантириш бўйича ўқувчилар билан синфдан ташқари ишлар жараёнида қўлланиладиган тарбиявий вазиятлар технологиясини моделлаштириш педагогик жараён иштирокчиларининг субъектив таркиби, фаолиятнинг мақсадга йўналганлиги, мазмунли (умуммаданий компетенциянинг тузилмаси ва педагогик шарт-шароитлар, ёндашувлар, шакл ва воситалар) ва натижавий компонентларни ҳисобга олишни талаб этади. Мазкур модел чизма кўринишида акс эттирилган (2.3.1-расмга қаранг).

Ўқувчиларда умуммаданий компетенцияни ривожлантиришнинг мазкур тарбиявий вазиятлар технологиясининг тизимли-тузилмасини ташкил этиш умуммаданий компетенциянинг когнитив, шахсий-мотивацион ва фаолиятга



йўналтирилган компонентлари билан боғлиқ вазиятларни режалаштиришни талаб этади.

Ушбу асосдан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот доирасида тарбиявий вазиятлар технологиясини амалга ошириш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятининг барча турлари ва шаклларини ташкил этишда ижтимоий-маданий вазиятларни мустақил шахсий танлов, ўқувчиларнинг шахсий сифатларини ҳисобга олиш ва кейинги вазиятлар учун асос яратиш каби қоидаларга амал қилинди.



**2.3.1-расм. Ўқувчиларда умуммаданий компетенцияни ривожлантиришнинг технологик модели**

Тарбиявий вазиятлар технологияси педагогга ўқувчиларда умуммаданий компетенцияни шакллантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш билан алоқадор ижтимоий алоқаларни кенгайтириш ҳамда ота-оналар, мактабдан ташқари таълим муассасаси ходимлари, турли касб вакилларини мазкур фаолият турига жалб этиш имкониятини беради. Синфдан ташқари ишлар жараёнида технологияни қўллаш педагогга субъект-субъект муносабатларини йўлга қўйиш имкониятини ҳам беради, шунингдек, ахлоқий, маданий хулқ-атвор ва атроф-муҳитга муносабатда ўқувчиларга намуна кўрсатишни талаб этади. Энг асосийси, тарбиявий вазиятлар реал таълим-тарбия шароитидан келиб чиқиб танланади ва амалга оширилади.

Синфдан ташқари ишларда тарбиявий вазиятлар технологиясини қўллаш ўқувчиларда умуммаданий компетенциянинг шаклланганлик даражасини аниқлашга доир диагностик материаллар, ўқувчилар учун долзарб ҳаётий муаммоларни танлаш, ўқувчиларни ижтимоий-маданий муҳит билан бевосита мулоқотга киришиши, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси билан алоқадорликда бир нечта вариантдаги фаолият йўналишларини аниқлаштириш каби технологик элементларни ўзида акс эттиради.

Педагогнинг тарбиявий вазиятлар технологияси доирасида жараённи ташкил этиш тузилмаси қуйидаги ҳаракатлар алгоритмига асосланади:

- 1) технологиянинг диагностик воситаларини ишлаб чиқиш;
- 2) умумтаълим мактаб ўқувчиларининг ҳаётий тажрибалари ва ижтимоий-маданий мазмун билан алоқадорликда тарбиявий вазиятларни танлаб олиш;
- 3) умуммаданий компетенция билан тарбиявий вазиятларнинг ўзаро мос бўлиши;
- 4) педагогик ўзаро биргаликдаги ҳаракат шакл ва воситаларининг мослиги;
- 5) ўқувчиларни тарбиявий вазиятлар билан ишлашга жалб этиш;
- 6) ташкиллаштирилган тарбиявий вазиятларни ҳал этиш;
- 7) технологияни қўллаш асосида олинган натижаларни таҳлил этиш;

8) тарбиявий вазиятларни ҳал этиш жараёнида олинган маълумотлар асосида навбатдаги вазиятни лойиҳалаштириш.

Ушбу боб натижаси сифатида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Ушбу моделда компетенциялар тизими аналитик тафаккур воситасида ривожлантиришлиши, шахс ахборот хавфсизлигининг компонентларини когнитив, аксиологик, коммуникатив фаолиятга доир. Рефлексив усулларга таянилган вазиятли топшириқ, гуруҳий мунозара. ўқув лойиҳалар орқали ушбу компонентларни ривожлантириш орқали ўқувчиларнинг шахсий ахборот хавфсизлигига эришиш мумкин. Тарбиявий вазиятлар технологиясига асосланган биз томондан ишлаб чиқилган тренинг машғулотилари орқали муммаданий компетенциянинг алоҳида когнитив, шахсий мотивацион, фаолиятга йўналтирилган компонентларига таъсир этиш орқали ўқувчиларда умуммаданий компетенция ривожланганлиги ўз исботини топди. Буларнинг барча дарсида, дарсдан ташқари, тўғарак, маънавият соатларида ва мактабдан ташқари тарих, адабиёт, тарбия фанларида қўллаш мумкин. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожланганлик даражалари, кўрсаткичлари, тамойиллари, компонентлари когнитив, ташкилий фаолиятга доир ва қадриятга йўналтирилган мотивацион. Ривожланганлик даражаси эса паст, ўрта, юқори. Натижада эса ғоявий-мафкуравий компетентлиги ривожланган умумтаълим мактаблари ўқувчилари.

Мазкур алгоритмга асосланган ҳолда умумий ўрта таълимнинг юқори синф ўқувчилари билан тарбиявий вазиятлар технологиясига асосланган ҳолда ҳамда умуммаданий компетенцияни шакллантириш йўналишларига мувофиқ тренинг машғулотилари мажмуи ишлаб чиқилди. Қуйида ана шу тренинг машғулотилар ишланмаларини келтириб ўтамиз:

1-йўналиш. Оилавий муносабатлар.

«Оилавий ҳаёт» ўйин-тренинги.

1-машқ. Оила модели.

Машқнинг мақсади:

- ўқувчиларнинг ўз оиласига муносабатини аниқлаштириш;
- таклиф этилган вазиятга диққатни жалб этиш қобилиятини рағбатлантириш;
- ўқувчилар билан оилавий ҳаётнинг мақбул ва мураккаб томонларини таҳлил қилиш;
- бахтли оила моделини яратиш.

Иштирокчилар сони: 30-35 нафар.

Ўтказиш вақти: 40-45 дақиқа.

Керакли жиҳозлар: ватман қоғоз, рангли қаламлар. Ўқув биносининг ўзида ёки очик ҳавода ўтказилиши мумкин.


Машқни ўтказиш тартиби:

а) кўрсатма: «Менинг оилам модели» – мураккаб машқ эмас, фақат Сиздан тўғрилик, ҳаққонийлик ва, энг асосийси, ҳар биримиз бизнинг яқинларимизнинг ҳаётини бахтли қилиш имкониятига эга эканлигимизни тушунишимиз ва англаб етишимиздир;

б) топшириқ: Сизнинг оилангиз ҳаётини намойиш этиш имконини бериш билан боғлиқликда мустақил равишда бир нечта гуруҳга бўлининг. Баҳс-мунозарали ва низоли вазиятларда руҳий тарангликни бўшаштиришда тўғри қарор қабул қилиш, тинчликни таъминлаш кимга боғлиқлигига эътиборни қаратинг;

в) гуруҳларнинг тақдмоти билан танишиш ва таҳлил этиш: ўқувчилар барча гуруҳларнинг тақдмоти билан танишишади, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини, шунингдек, педагог ёрдамида оилавий ҳаёт куришнинг кучли томонларини қайд этишади, оила аъзолари, биринчи навбатда қандай сифатларга эга бўлиши лозимлигини аниқлашади;

г) машқни якунлаш: ҳар бир гуруҳ ватман қоғозига чизма кўринишида бахтли оила моделини тасвирлашади.



2-расм. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш модели

2-машқ. «Оталар ва болалар».

Машқнинг мақсади:

- ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатларида тез-тез юзага келадиган муаммоларни аниқлаштириш;

- ўқувчиларнинг у ёки бу вазиятда ота-оналарининг фикрига қаршилик кўрсатиш реакциясини аниқлаш;

- муаммони кўра олиш ва уни хилма-хил ёндашувлар асосида ҳал этиш қобилиятини ривожлантириш;

- ота-оналар ва болалар учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Иштирокчилар сони: 30-35 нафар.

Ўтказиш вақти: 40-45 дақиқа.

Керакли жиҳозлар: ватман қоғози, рангли қаламлар.

Машқни ўтказиш тартиби:

а) кўрсатма: Сизнинг фикрингизча, ота-оналарингиз Сизни тушунмайди ёки ниманидир бажаришни тақиқлайди ёки ҳатто жазолайди. Ҳақиқатан, ўзингизнинг хоҳиш ва истакларингизни яқинларингиз билан ўртоқлаша олмаслик кишига алам қилади. Келинг, бугун нима учун «оталар ва болалар» ўртасида низолар келиб чиқишига ойдинлик киритамиз. Ўзингизнинг ҳаётий тажрибангизга асосан ўз тақлифларингизни илгари сурилинг;

б) топшириқ: 3-4 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлининг ва низоинг юзага келиши ва уни бартараф этиш йўлини кўрсатиб беринг;

в) ўқувчилар томонидан намойиш қилинадиган вазиятларни кўриш ва таҳлил қилиш;

г) машқни яқунлаш: низоли вазиятларни бартараф этиш бўйича ота-оналар ва болалар учун эслатмалар тузиш.

2-йўналиш. Экологик маданият.

«Менинг танловим – атроф-муҳит тозалиги» ўйин-тренинги.

1-машқ. Конфет қоғози.

Машқнинг мақсади:

- тақлиф этилган хатти-ҳаракатга реакцияни аниқлаш;

- табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқликда ўз вақтида тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантириш;

- инсоннинг атроф-муҳитга муносабати ҳақида қайғуришини талаб этадиган усуллар рўйхатини тузиш.

Иштирокчилар сони: 30-35 нафар.

Ўтказиш вақти: 40-45 дақиқа.

Керакли жиҳозлар: конфетлар, ватман қоғози, рангли қалам. Тренинг боғ ёки далада ўтказилади.

Машқни ўтказиш тартиби:

а) кузатиш – машғулот мавзусини олдиндан эълон қилиш тавсия этилмайди. Бирдан ўқувчиларга конфетлар тарқатилади... Аралашилмайди ва ўқувчилар конфет қоғозини қаерга ташлаши жим кузатилади. Кейин гуллар, ўсимликлар ва гулзорнинг гўзаллигига эътибор қаратилади. Ўқувчилар кимдир ахлатни махсус идишга эмас, ўсимликлар орасига ташлаганига қандай муносабат билдириши кузатилади;

б) кўрсатма: атроф-муҳитнинг тозалиги бизнинг ҳар биримизга боғлиқ, бизнинг истагимиз шаҳар тозалигини сақлаш. Биз бугун бир қарашдаёқ энг «зарарсиз» хатти-ҳаракатларни кўрдик;

в) топширик: ақлий ҳужум кўринишида шаҳар аҳолисини мазкур муаммога эътиборини жалб этишнинг самарали усулларини аниқлаштириш;

г) ватман қоғозга ғояларни ёзиш ва муҳокама қилиш;

д) машқни яқунлаш: хулосаларни шакллантириш. «Бизнинг танлов» ижтимоий акциясини ўтказиш ғоясининг кенг оммалашувига эришилади.

2-машқ. Ўхшатиш.

Машқнинг мақсади:

- импровизация кўникмасини шакллантириш;
- ижодий қобилиятни ривожлантириш;
- атроф-муҳит элементлари номидан экологик муаммолар ҳақида баён қилиш қобилияти.

Иштирокчилар сони: чекланмаган.

Ўтказиш вақти: 30-40 дақиқа.

Керакли жиҳозлар: талаб қилинмайди.

Машқни ўтказиш тартиби:

а) топшириқ: Сизларга бугун ўсимликлар, ҳайвонлар ва табиат воситалари номидан атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳақида ҳикоя қилиб беришни таклиф этаман. Ўз монологингизда инсоннинг хатти-ҳаракати, Сизнинг ҳаётингизда мазкур фаолият қандай акс этишига тавсиф ва баҳо беришингиз лозим. Келинг, иштирокчилар орасидан ихтиёрий равишда 5 нафар кишига 10 дақиқа ичида ўз монологини тайёрлашни таклиф этамиз, томошабинлар иштирокчилар томонидан табиат объектининг қанчалик ўхшатилганлигини аниқлашади;

б) ўқувчиларнинг монологи ва таҳлили;

в) рефлексия.

3-йўналиш. Нутқ маданияти.

«Айтганча...» ўйин-тренинги.

1-машқ. «Таржимон».

Машқнинг мақсади:

- сўзларнинг синонимини топиш, бошқа сўз ёрдамида унинг моҳиятини етказиш кўникмасини ривожлантириш;

- ўқувчиларнинг лексик бойлигини ошириш.

Иштирокчилар сони: чегараланмаган.

Ўтказиш вақти: 30-40 дақиқа.

Керакли жиҳозлар: босма рақамлар, синф тахтаси ва бўр.

Топшириқ: газета мақоласидан бирор сўзни танланг ва унинг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда бошқа сўз билан ифодаланг. Матндан олинган сўзни иккинчи марта қайта такрорланг. Топшириқни бажариш занжирсимон кўринишда амалга оширилади.

2-машқ. «Stand up».

Машқнинг мақсади – олдиндан тайёргарликсиз боғланишли нутқни ривожлантириш.



Иштирокчилар сони: 10-15 нафар киши.

Ўтказиш вақти: 30-40 дақиқа.

Керакли жиҳозлар: Интернетдан олинган видеолавҳалар: жонли эфирдан ёзиб олинган янгиликлар дастури.

Топшириқ: 3 дақиқа давомида бирор бир воқеани баён қилиб беринг ва Сизнинг ҳикоянгиз томошабинларда қизиқиш уйғотсин.

4-йўналиш. Ахлоқий маданият.

«Қатъий танлов» ўйин-тренинги.

Тренингнинг мақсади:

- инсон ҳаётидаги асосий қадриятларни аниқлаштириш;
- ахлоқий эътиқод билан боғлиқликда қарор қабул қилиш кўникмаси;
- ахлоқий ҳис-туйғуни шакллантириш.

Иштирокчилар сони: 30-35 нафар киши.

Ўтказиш вақти: 45 дақиқа.

Керакли жиҳозлар: ручка, қоғоз. Тренинг бинонинг ўзида ёки очик ҳавода ўтказилиши мумкин.

Тренингнинг бориши:

а) кўрсатма: «Қатъий танлов» – бу жавоби Сиз ва Сизнинг дунёқарашингизга боғлиқ бир қанча вазиятлар, саволлардан ташкил топадиган ўйин-тренинг.

Муҳокама учун куйидаги саволлардан бири таклиф этилади:

- ҳақиқийлик дўстлик нимада намоён бўлади?
- шахсий истакларми ёки жамоанинг қизиқишлари муҳимми?
- агар Сизнинг фикрингизга бошқалар эътибор қаратишмаса, қандай ҳаракат қилиш лозим?
- агар Сизни хафа қилишса, худди шундай жавоб қайтарасизми?
- қандай қадриятлар Сиз учун муҳим: маънавий ёки моддий?

б) танланган саволни муҳокама қилиш. Ўқувчиларининг умуминсоний қадриятларни тушуниши ва ўзининг дастлабки фикрини баён этиши;

г) мақбул ечимларни излаб топиш. Қандай вазиятларда мурасага келинмаслигига эътибор қаратиш;

д) рефлексия – телеграмма ёзиш. Бугун муҳокама қилинган муаммо юзасидан хулоса сифатида 11 та сўз ёзиш.

Хулоса сифатида синфдан ташқари ишлар жараёнида ўқувчиларда умуммаданий компетенцияни ривожлантиришда тарбиявий вазиятлар технологиясидан самарали фойдаланишга доир қуйидаги тавсияларни келтириб ўтиш мумкин:

1) ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантиришга имкон берувчи қулай таълим муҳитини яратиш; ўйин методлари ва тарбия воситалари (ўйин-тренинг, ўқув лойиҳаси, волонтерлик)дан фойдаланиш, «муваффақиятга эришиш вазияти»ни амалга ошириш;

2) синфдан ташқари ишлар жараёнида педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини шахсий-қадриятга йўналтирилган мазмун билан бойитиш;

3) ўқувчиларнинг олам манзарасини англаши, жамиятда содир бўлаётган воқеа ва жараёнларни таҳлил этишини қўллаб-қувватловчи ижтимоий-маданий муҳитни ташкил этиш;

4) ахлоқий меъёрларга мувофиқ, ҳаётий фаолиятни ташкил этиш ва одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилишга шахсий эҳтиёжни қарор топтиришга эришиш лозим.

### **Боб бўйича хулосалар**

1. Таҳлиллар асосида тадқиқот доирасида ғоявий-мафкуравий компетентликнинг қуйидаги компетенциялар тизими аниқлаштирилди: когнитив, социал, шахсий, эмоционал, коммуникатив, умуммаданий. Ғоявий-мафкуравий компетентликка тааллуқли мазкур компетенциялар тизими ўқувчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришни тақозо этиши ҳақидаги хулосага келинди.

2. Аналитик тафаккур – таҳлилий фикр юритиш санъати, бирор муаммо, масала, ахборот, воқеа-ҳодисани ўрганиш жараёнида у ҳақда атрофлича, аниқ, теран, чуқур, мазмундор, мустаҳкам тўхтамга келиш қобилияти. Аналитик тафаккур эгаси таҳлил қилинаётган объектни ҳар томонлама синчиклаб ўрганади: мураккаб ахборотларни қисмларга ажратади – ҳар бир сўз, жумла, детал, нарса устида жиддий фикр юритади, қисмларни ўзаро мантиқий боғлайди, мақбул хулосага келади ва керакли қарорлар қабул қилади.

3. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёни аналитик тафаккур воситасида маънавий фазилатларни камол топтиришнинг, мафкуравий иммунитетни оширишнинг катта имкониятга эга бўлган муҳим объектлардан биридир. Айниқса, бадиий адабиёт маънавиятнинг туганмас манбасидир. Ўқувчи бадиий-маърифий асарларни ўқиш, ўрганиш орқали таҳлилий фикр юритади: маънавий озиқланади, маърифий юксалади.

4. Аналитик тафаккур қобилияти ўқувчини оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ, лоқайд қолдирмайди: хушёрлигини оширади, огоҳликка даъват этади. Умумий ўрта таълимда ўқувчиларнинг ғоявий-мафкуравий компетентлигини ривожлантиришда бадиий асарлар қаторида сиёсий нутқ, маърузалардан олинган матнларни аналитик ёндашув асосида таҳлиллаш янада яхши самара беради.

5. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш ўз навбатида шахс ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ бўлиб, ўқувчининг мавжуд эгалланган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ахборотни онгли идрок этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш қобилияти билан тавсифланувчи шахсий қадриятга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан ахборот таҳдидларига қарши курашишга тайёргарлигини ифода этади.

6. Тадқиқот доирасида шахсий ахборот хавфсизлигининг қуйидаги компонентлари аниқлаштирилди: когнитив (ахборот муҳитидан келадиган хавф-хатарлар ҳақида билимларга эга бўлиш, ахборотни таҳлил этиш, баҳолаш қобилияти), аксиологик (умуминсоний қадриятлар ҳақидаги

тасаввур, мазкур кадриятлар билан боғлиқликда хулқ-атвор моделини белгилай олиш кўникмаси), коммуникатив-фаолиятга доир (бошқаларнинг фикри, нуқтаи назарларига толерант муносабатда бўлиш, вазиятга баҳо бериш қобилияти).

7. Ўқувчиларда шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлаш малакасини ривожлантиришга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда кўпроқ рефлексив усулларга таянилди. Рефлексив усуллар кибермаконда хавфсизликни таъминлаш йўллари аниқлашга олиб келувчи виртуал мулоқот жараёнида ўқувчиларга ўз шахсий қиёфасини бошқа инсон қиёфасига айлантириш имконини беради.

8. Таҳлиллар асосида умуммаданий компетенция билишга қизиқиш, маънавий-ахлоқий эътиқод ва тасаввурлар, воқеликни ўзлаштириш ва қайта яратиш бўйича маданий фаолиятга тайёрликни шакллантиришни талаб этувчи умуминсоний кадриятлар билан бевосита алоқадор эканлиги ҳақидаги хулосага келинди.

9. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида умуммаданий компетенцияни ривожлантиришда синфдан ташқари машғулотлар учун тарбиявий вазиятлар технологиясини қўллаш яхши самара берди. Тарбиявий вазиятлар технологияси деганда, ахлоқий вазиятларни уни ҳал этиш йўллари асослаш асосида мустақил мушоҳада қилиш; маълум бир кетма-кетлик, педагогик жараённи мунтазам назорат қилиб бориш ва коррекциялаш асосида, педагог томонидан қўлланиладиган хилма-хил метод ва усуллар ёрдамида ўқувчиларда маданий хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришга имкон берувчи мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиладиган муаммо ва ечимлар тизими тушунилади.

10. Тўғри танланган асар ўқувчида кретивлик қобилиятлари, ахборот билан ишлаш компетенцияларини ривожлантиради. Ўқувчиларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини шакллантириш индивидуал, гуруҳий, ва омма психологиясини жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий, экологик, ва бошқа соҳаларига қаратилган турли

даражалардаги салбий таъсирлардан химоялашга доир фаолиятини ташкил этиб, информацион саводхонлик, ғоявий йўналганлик, ижтимоий-сиёсий фаоллик, тизимли қарор қабул қилиш, соғлом тафаккур юритиш, информацион дунёқараш, ахборот маданияти, ахборот истеъмол маданияти каби компонентларни ўз ичига қамраб олиши ҳақидаги хулосага келинди.

## **III БОБ. ЎҚУВЧИЛАРДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ**

### **3.1. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари мазмуни**

Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёнида қўлга киритилган натижаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, унумлилик даражасини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган методик тизим самарадорлигини аниқлашнинг муҳим шартларидан бири – таъкидловчи тажриба-синов ишларининг тўғри ташкил этилишидир.

Диссертация ишининг биринчи бобида баён этилган назарий фикрларнинг амалий ишланмалар билан уйғунлаштирилганлиги, мавжуд педагогик жараённинг ҳар томонлама таҳлил этилганлиги, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ютуқларни бойитиш таъкидловчи тажриба-синов ишлари давомида белгилаб олинди. Шунга кўра, амалга оширилган таъкидловчи тажриба-синов ишларини самарали ташкил этиш мақсадида махсус кўрсаткичлар тизимини ўз ичига олган дастур ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратдик. Мазкур дастур асосида ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган тажриба-синов ишларининг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи кўрсаткичлар, шунингдек, тажриба-синов ишлари самарадорлигини аниқлаш методикаси ёритилди.

Ушбу дастурни тузишдан кўзда тутилган асосий мақсад – тадқиқот концепцияси, объекти, предмети, вазифалари ва илгари сурилган илмий фаразлардан келиб чиққан ҳолда, тажриба-синов ишлари самарадорлигини оширишнинг амалий жиҳатларини аниқлаш ва пухта ўрганиш орқали, энг мақбул шакл, метод ва воситаларни белгилашдан иборат.

Тажриба-синов ишлари давомида қуйидаги педагогик вазифалар ҳал қилинди:

1. Тажриба-синов майдончалари аниқланди.
2. Тажриба-тадқиқот муддатлари, босқичлари белгиланди ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган хусусий вазифалар аниқланди.
3. Тажриба-синов жараёни иштирокчилари респондентлар сони белгилаб олинди ҳамда тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди.
4. Респондентлар тажриба-синов ишлари боришидан хабардор қилинди.
5. Тажриба-синов ишларини ташкил этувчи масъуллар аниқланди.
6. Тажриба-синов материаллари сифатида дастлабки ишланмалар тайёрланди ва унинг мазмуни тадқиқот базаси сифатида Институт Кенгашларининг йиғилишларида муҳокама этилди.
7. Ижтимоий-гуманитар фанлар ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларнинг мазкур йўналишдаги педагогик имкониятлари ўрганилди.
8. Анкета, тест, суҳбат, интервью, кузатиш, социологик тадқиқот каби методлар ёрдамида ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожланганлиги аниқланди.
9. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёнида қўлланиладиган мақбул шакллар, методлар ва воситалар белгилаб олинди.
10. Ишлаб чиқилган методика таъкидловчи тажриба-синов жараёнида синовдан ўтказилди ҳамда унинг натижалари таҳлил этилди.
11. Ишлаб чиқилган методика самарадорлигини аниқлашга эришиш. Шу мақсадда тадқиқот объекти ҳисобланган тажриба-синов майдонларида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда тақдим этилаётган методикадан фойдаланилди ҳамда унинг самарадорлиги аниқланди, зарур ҳолатларда унинг мазмунига ўзгартиришлар киритилди.
12. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган шакллантирувчи ва назорат қилувчи тажрибалар изчил тарзда

ташкил этилди ва уларнинг муваффақиятли кечишини таъминловчи шарт-шароитлар яратилди.

13. Тажриба-синов ишларининг натижаларини таҳлил этишда умумлаштирувчи, таъкидловчи, ўзгартирувчи, шунингдек, назорат қилувчи тажриба кўрсаткичлари ўзаро таққосланди, самарадорлиги хусусида яқиний хулоса чиқарилди ва умумий натижалар математик-статистик метод ёрдамида қайта ишланди.

Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш бўйича ташкил этилган тажриба-синов ишлари қуйидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилди:

- тажриба-синов ишларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги;
- тажриба-синов ишларининг изчиллиги, тизимлилиги ва узвийлиги амалда таъминланганлиги;
- муаммонинг назарий асослари билан амалий ишланмалар орасида ўзаро алоқадорликнинг мавжудлиги;
- респондентларнинг ўз имкониятларини эркин рўёбга чиқара олишларига эришилганлиги;
- тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадга эришиш учун қулай педагогик вазиятнинг вужудга келтирилганлиги.

Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш тажриба-синов ишларининг муваффақияти қуйидаги педагогик шарт-шароитларни яратиш орқали таъминланди:

- тажриба-синов материаллари мазмуни асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда танланганлиги;
- тажриба-синов материалларига мос келадиган дидактик воситалар, шакллар, усуллар ва методларнинг танланганлиги;
- тажриба-синов жараёни иштирокчилари – респондентлар сонини таққослаш, қиёслаш имкониятини берадиган кўрсаткич бўла олишига эришилганлиги;



– респондентларнинг тажриба-синов ишлари мазмун-моҳиятидан тўлақонли тарзда хабардор этилганлиги;

– тажриба-синов ишларини амалга оширишда тадқиқотчи ёки ушбу фаолиятни ташкил этишга масъул бўлган етакчи-педагог билан респондентлар ўртасида самимий мулоқот ҳамда ўзаро ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги;

– тажриба-синов ишларини йўлга қўйиш мақсадида респондентлар билан мулоқот қила олиш имкониятининг яратилганлиги;

– тажриба-синов ишлари натижаларининг доимий равишда умумлаштириб таҳлил этилганлиги;

– умумий натижаларни қайта таҳлил этиш имкониятини берадиган математик-статистик методларнинг аниқланганлиги.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

1. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёнида ижтимоий-эмоционал кўникмаларга эътибор қаратиш.

2. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришда комплекс педагогик омилларга таяниш.

3. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш асосида ижтимоий фаолликни ривожлантиришга эришиш.

Тажриба-синов ишларини амалга оширишда мавжуд имкониятларни ҳисобга олиш ва бунда қуйидагиларга амал қилиш тадқиқот иши самарадорлигини таъминлашга хизмат қилди:

1. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш самарадорлигини белгиловчи меъёрларни аниқлаш ва унинг ўзига хос даражаларини ўрганиш. Бунда қуйидаги босқичларга амал қилинди:

– мунтазам педагогик кузатишлар олиб бориш;

– қадриятлар тизимининг ривожлантириш юзасидан мониторинг ўтказиш;

– респондентлар орасида суҳбат, анкета ва тест сўровлари ташкил этиш;

– педагогик таҳлил натижаларини умумлаштириш ва якуний хулосалар чиқариш.

2. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёнида аниқланган педагогик муаммоларни таснифлашда қуйидагиларни ҳисобга олинди:

– ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш имкониятига эга бўлган ижтимоий институтларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва таъсири;

– ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга хизмат қиладиган мавжуд манбаларни аниқлаш, улар мазмунини ўрганиш ва таҳлил этиш;

– респондентлар орасида ташкил этиладиган турли мулоқотлар, баҳс-мунозаралар, суҳбатлар, дебатлар, муҳокамалар ёрдамида, шунингдек, анкета ва сўровномалар натижасида аниқланган муаммоларнинг мақбул ечимини излаш;

– муаммоларни характер хусусиятларига кўра табақалаштириш;

– мавжуд муаммоларга илмий-педагогик жамоатчилик ва ижтимоий институтлар эътиборини қаратиш.

3. Респондентларга ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш мазмун-моҳиятини мақбул усуллар ва воситалар ёрдамида тушунтириш. Бунда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратилади:

– ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетенцияларни чуқур ўзлаштириш эҳтиёжини вужудга келтириш;

– респондентларнинг миллий дунёқарашининг аҳамиятини англаб етишларига ҳар томонлама шароит яратиш;

– респондентларнинг кундалик фаолиятлари жараёнида ахборот хавфсизлиги компетентлигини ривожлантириб боришларига қулайлик туғдириш.

Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган таълимий тажриба-синов ишлари жараёнида қуйидаги метод ва техникалардан самарали фойдаланилди:

**«БИР ТАҲДИДГА БЕШ ЗАРБА» стратегияси.** Бу стратегиянинг асосини ролли ўйин ташкил этади. Бунда икки ёки бир нечта ўқувчи ўзлари учун нотаниш бўлган ролларни бажаришади. Масалан, бир ўқувчи – бузғунчи ғоя вакили, «миссионер», «оммавий маданият вакили», бошқа салбий характерли, ёмон ниятли одам ролида чиқади. Иккинчи ўқувчи эса, мустақил Ўзбекистоннинг миллий ғоя руҳида тарбияланган йигит-қизи ролида чиқади.

Ўйин асосан сахналаштирилган муаммоли вазият шаклида ўтказилади. Масалан, «1 га 5» ролли ўйини ўқувчиларга бузғунчи, ёт ғояларнинг мақсад-муддаоларини фош этишга хизмат қилади. Миллий ғоямизнинг бунёдкор, инсонпарвар, умуминсоний моҳиятини конкрет вазият билан боғлаб очиб беради.

Ушбу стратегиянинг тарбиявий аҳамияти: бир вақтнинг ўзида ўқувчиларнинг қулоғи (диалог мазмунини эшиттириш) ва кўзи (бузғунчи ғоя вакили ва ўзбек ўғил-қизи образларини кўрсатиш) орқали таъсир этади. Саҳна руҳи, эмоционал таъминот эса манзаранинг таъсирчанлигини кучайтиради ва юқори самара беради. Томошабин ўқувчилар ўзларини ғойибона ўша ролларда тасаввур қиладилар. Бу эса уларда ахборот хуружларидан ҳимояланиш иммунитетини кучайтиради.

Бугунги ахборот хуружлари даврида «1 га 5» ролли ўйинидан бир вақтнинг ўзида ўнта энг муҳим самарага эришиш мумкин. Жумладан:

- 1) ёшларнинг ғоявий дунёқарашини янги билимлар билан бойитади;
- 2) уларга хавф солаётган ахборот хуружларидан огоҳлантиради;
- 3) ўқувчиларнинг ахборот психологик хавфсизлигига доир билимларини қўллашга ўргатади;
- 4) ахборот психологик хавфсизлигига доир билимларни ҳаёт билан боғлайди;

- 5) «Ғояга қарши ғоя» билан қандай курашиш лозимлигини кўрсатиб беради;
- 6) ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатади;
- 7) иродани, Ватанга садоқатни кучайтиради;
- 8) вайронкор ғоя тарқатувчи шахсларга қарши тура олишни ўргатади;
- 9) ўқувчиларга энг тўғри ҳаракат моделини кўрсатиб беради;
- 10) томошабин ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни ривожлантиради.

Қўлланилиши: «1 га 5» ролли ўйинини тарбиявий соатларда қўллаш мумкин. Мазкур ролли ўйин беш босқичда ўтказилади:

1. Тайёргарлик. Бугунги ҳаётимизда ўқувчилар дуч келаётган ахборот таҳдидлари муҳокама қилинади. Масалан, «оммавий маданият», «демократия экспорти», «лоқайдлик», «миссионерлик ва прозелитизм», «лудомания» кабиларнинг асл мақсад-муддаолари аниқланиб, маълумот тайёрланади. Ундан сўнг мазкур таҳдидларни «Ғояга қарши ғоя» тамойили асосида фош қилишга қаратилган далиллар тўплайди.

2. Ташкилий иш. Ўқувчилар материаллар билан таништирилади. Материаллар диалог шаклида тақсимланади. Иқтидорли, нутқ маҳоратига эга ўғил-қизлар танланиб, уларга роллар тақсимланади. Машқ қилдирилади.

3. Ўқитувчининг мавқеи. Ўқитувчи ролли ўйин пайтида кузатувчи сифатида иштирок этади. Айрим ҳолларда у ёки бу ўйин иштирокчиси томонидан тартиб бузилса, тuzатади, бундай ҳолатларнинг олдини олади. Ўқитувчининг аралашуви ва таъсири қисқа бўлиши лозим.

4. Муҳокама. Ўйин натижалари муҳокама қилинади ва баҳоланади. Ўйин иштирокчилари ва томошабинлар ўйинларни таҳлил этиш, муҳокама қилиш имкониятига эга бўладилар. Муҳокамада қуйидаги саволлар ўртага ташланиши мумкин:


- Ролни ўйнаётганингизда нималарни ҳис қилдингиз?
- Сиз ўйнаган ролингиздан нималарни ўргандингиз?
- Сиз «1 га 5» ролли ўйинини кўриб, нималарни ўргандингиз?

- Сиз ҳаётда бузғунчи ғоя тарқатувчи одамларга дуч келганмисиз?
- Сиз қандай бузғунчи ғояларни биласиз?
- Сиз эртага ҳаётда шундай вазиятга дуч келсангиз нима қиласиз?
- Сиз ўзингизни қайси инфор­ма­цион таҳдидларга қарши туришга тайёр, деб ҳисоблайсиз?

5. Яқунлаш. Ўқитувчи ўйинни яқунлайди. Фаол иштирок этганларни рағбатлантиради. «Сиз қандай бузғунчи ғояларни биласиз?», «Сиз эртага ҳаётда шундай вазиятга дуч келсангиз нима қиласиз?», «Сиз ўзингизни қайси инфор­ма­цион таҳдидларга қарши туришга тайёр, деб ҳисоблайсиз?» саволларига берилган жавобларнинг сони ва сифати «1 га 5» ролли ўйинининг тарбиявий самарадорлигини белгилашга хизмат қилади.

**«ЎЗ ЎРНИНГНИ ТОП» стратегияси.** Агар аудиторияда у ёки бу инфор­ма­ция бўйича тортишувлар вужудга келса, мазкур стратегия ёрдамида муаммонинг ечимини топиш мумкин.

Бунинг учун аудиториянинг қарама-қарши бурчакларига иккита плакат осилади. Уларнинг бирига «розиман», бошқасига «рози эмасман» деган сўзлар ёзилиши шарт. Плакатларда кўриб чиқи­лаётган инфор­ма­цияга доир саволлар бўйича билдирилган қарама-қарши фикрлар ҳам ёзилиши мумкин.



Мисол: «Глобаллашув ахборот хуружлари хавфини келтириб чиқаради», ёки «Интернет ёшлар дунёқарашини ривожлантиришга хизмат қилади».

2. Мунозарани ташкил этиш қоидалари муҳокама қилинади.

3. Таҳлил этилаётган муаммо юзасидан ўз фикрларига мос келадиган плакат ёнига бориш ўқувчиларга таклиф этилади.

4. Тегишли плакат ёнига бориб турган ўқувчилардан ўз қарашларини асослаш сўралади. Бу вақтда бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтишга рухсат берилади ва шу тариқа аудиториядаги ўқувчиларнинг ҳаммасини жалб этишга эришилади.

5. Муаммо бўйича фикрлар билидирилгач, ўқувчилар орасида мунозара давомида ўз нуқтаи назарини ўзгартирганлар ва бошқа гуруҳга ўтувчилар бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда улар ўз ўрнини ўзгартириш сабабларини асослашлари керак бўлади.

6. Иштирокчиларнинг оппонентлари ичида муаммо юзасидан энг ишончли фикрни айтган ўқувчиларни аниқлаш сўралади.

**«АҚЛИЙ ҲУЖУМ» стратегияси.** Стратегия ўқувчиларни ахборот хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Стратегия ахборотлар тўғрисидаги маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Уни самарали қўллашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

1. Ўқувчиларнинг ўзларини эркин ҳис этишларига шароит яратиб бериш, ғояларни ёзиб бориш учун ёзув тахтаси ёки қоғозларни тайёрлаб қўйиш.

2. Муаммо (ёки мавзу)ни аниқлаш.

3. Машғулот жараёнида амал қилинадиган шартларни белгилаш.

4. Билдирилаётган ғояларни уларнинг муаллифлари томонидан асосланишига эришиш ва уларни ёзиб олиш, қоғозлар ғоя (ёки фикр)лар билан тўлгандан сўнг ёзув тахтасига осиб қўйиш.

5. Билдирилган фикр, янги ғояларнинг турлича ва кўп миқдорда бўлишига эътибор қаратиш.

6. Ўқувчининг бошқалар билдирган фикрларни ёдда сақлаши, уларга таяниб янги фикрларни билдириши ва улар асосида муайян хулосаларга келишига эришиш (билдирилаётган ҳар қандай ғоя баҳоланмайди).

7. Ўқувчилар томонидан мустақил фикр юритилиши, шахсий фикрларнинг илгари сурилиши учун қулай муҳит яратиш.

8. Илгари сурилган ғояларни янада бойитиш асосида ўқувчиларни қувватлаш.

9. Янги ғояларни билдириш давом этаётган экан, муаммонинг ягона тўғри ечимини эълон қилишга шошилмаслик.

**«ЭРКИН ХАТ» стратегияси.** Ўқитувчи ўқувчиларга аввал кўриб чиқилган, муҳокама қилинган ахборотга мувофиқ эркин хат ёзишни таклиф этиши мумкин. Эркин хат стратегияси ўқувчилар кўпроқ таниш ахборотлар ҳақида ёзиш учун қўлланилади. Масалан, бирор матн, асар ёки шеърни ўқигандан кейин қўлланилиши мумкин.

Эркин хат ёзиш қоидаси: муҳокама қилинган ахборот юзасидан хаёлга келган ҳамма фикрлар ёзилаверади, узоқ ўйлаб ўтирилмайди; ёнидагилар, партадошлар билан маслаҳат қилинмайди; матн таҳрир қилинмайди, хатолар тўғриланмайди; хатоларга эътибор берилмайди; хат ёзиш вақти белгилаб кўйилади.

Қисқаси, ўқувчилар узлуксиз, тўхтамасдан эркин хатни ёзадилар. Агар улар яна нимани ёзишни ҳеч ўйлаб топа олмасалар, «Мен нима ёзишни билмайман» деган жумлани ёзишлари лозим. Асосийси: тўхтамасдан, қайта ўқимасдан, тузатмасдан ёзиш керак.

Эркин хат ёки эсседан кейин ўқитувчи ўқувчиларга ҳар гал эмас, вақти-вақти билан ёзилган нарсаларни кўриб чиқиш, негиз бўладиган фикрларни ажратишни ва ушбу фикрлардан ўзак сифатида фойдаланиб, одатда эркин ёзишда юзага чиқадиган барча ортиқча жумлаларни олиб ташлаб, янги иншо ёзишни таклиф этади.

**«БОШҚАРИЛАДИГАН ХАЁЛ» стратегияси.** Ўқувчиларга 2-3 минут давомида хаёлга берилиш ва хаёлига келган, унинг ҳаётида бўлиб ўтган ёки

унга катта таъсир кўрсатган воқеа ва ҳодисаларни эслаш психологик таъсир этиш йўли билан сингдирилади. Сўнгра шу нарсаларни ёзиш вазифаси топширилади.

Бошқариладиган хаёлнинг эркин хатдан фарқли томони шуки, бунда ёзилган матн қайта ўқиб чиқилади, хатолар тuzатилади, фикрларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш мумкин.

**«БОШЛАБ БЕРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ИЖОДИЙ БАЁН ЁЗИШ» стратегияси.** Мазкур стратегия ўқувчиларни ҳикоя тузишга, ижодкорликка ўргатади.

Ўқитувчи бу ёзма стратегия турини қўллаш учун қизиқ бир воқеа бошлаб бериб, давомини ўзларингиз давом эттиринглар, воқеани ҳар ким ҳар хил ёзиб, уни ўзингиз хоҳлагандай тугаллашингиз керак, дейди.

Мисоллар:

- Мен бир куни автобусда эшикка яқинроқ жойда турган эдим. Автобусдан одамлар кетма-кет туша бошладилар. Шу пайт автобус йўлагида кимдандир пул қопчиғи тушиб қолганини кўпчилик кўрди. Шунда мен бу пул қопчиғ...

Яна бир мисол:

- Бир куни мактабдан қайтиб қишлоқ кўчасидаги қатор уйлар ёнидан ўтиб кетаётган эдим. Бир уй деразасидан тутун бурқсиб чиқаётганини ва уйда ёш болаларнинг йиғлаётганини эшитиб қолдим. Мен ёнғин чиққанини, уйда ёш болалар қолганини сезиб дарҳол...

Бундай қизиқарли воқеаларни ўқувчиларнинг ўзлари ҳам ўйлаб топишлари ёки кўрган кечирган қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиб беришлари мумкин. Бундай баён ёзиш шартларидан бири шундаки, воқеа тўлиқ ҳикоя қилиб берилмайди, фақат қизиқарли воқеа бошлаб берилиб, давомини қандай тугагини ўқувчиларнинг ихтиёрига қолдириш керак.

**«Автобус» стратегияси.** Мақсад: мулоқот мазмунини шахснинг новербал ҳаракатларидан англаш имконияти ҳақидаги тушунчаларни



шакллантириш. Новербал компонентлар: имо-ишора, мимика ва хиссий ҳолатларни ўқий олиш қобилиятларини аниқлаш.

Бошловчи иштирокчиларга инсоннинг мулоқот жараёни қанчалик бой эканлиги, у фақатгина оғзаки мулоқотдан иборат бўлмай, балки сўзлар ёрдамисиз узатиладиган маълумотларга ҳам бой эканлиги ҳақида айтиб ўтади. Сўзлар ёрдамисиз узатиладиган маълумотлар мулоқотдаги новербал компонент дейилади. Бу компонентларни: имо-ишоралар, мимика (юз ифодаси) ва ихтиёрсиз тана ҳаракатларини мулоқотга киришадиган ҳар қандай одамда кузатиш мумкин. Бу хил компонентларни зеҳн билан кузатиш ва тушуниш натижасида кўпинча суҳбатдошимиз айта олмайдиган майл, истаклари ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Бу хил ҳаракатларни кузата олиш қобилияти инсон ички оламида юзага келадиган норозиликларни олдиндан сезиш, суҳбатдошини «яримта» гапидан тушуна олиш имкониятини беради. Натижада мулоқот жараёнида бу хил омилларни ҳисобга олиш бу жараённи анча енгиллаштиради ва ўзаро тушуниш ҳиссини келтириб чиқаради.

Ўқувчиларда бу хил билимларни мустаҳкамлаш учун қуйидаги машқ таклиф этилади. Ўқувчилар икки қатор бўлиб бир-бирларига қарама-қарши ҳолда юзма-юз турадилар. Ҳар бир ўқувчи қаршисидаги шериги билан машқни бажаради.

Йўриқнома: тасаввур қилинг, сизлар қарама-қарши томонларга кетаётган автобусда кетаяпсизлар, автобус ойнасидан бошқа автобусда кетаётган танишингизни кўриб қолдингиз. Биринчи гуруҳдагилар сизларнинг ўша танишингизга бирон зарур, муҳим гапингиз бор. Имо-ишора орқали унга ўз фикрингизни тушунтиришингиз керак. Иккинчи гуруҳдагилар, сизлар ўз суҳбатдошингизни имо-ишорасидан нима демоқчи эканлигини тушуниб олишингиз керак.

Ўқувчилар машқни бажариб бўлганларидан сўнг бошловчи ҳар бир гуруҳ иштирокчиларига қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Шеригингиз бермоқчи бўлган маълумотдан нимани тушундингиз? Иккинчи

гуруҳдагиларга эса «Сиз аслида нима демоқчи эдингиз?» , деб сўралади. Натижалар солиштириб чиқилади ва новербал имо-ишора ва хатти-харакатлар индивидуал хусусиятга эга бўлиши билан бирга умумий томонларга ҳам эгаллиги таъкидлаб ўтилади. Мулоқот давомида бу жараён иштирокчиларнинг нафақат сўзлари, балки хатти-харакатлари, юз ифодаси, товушидаги интонацияларни ўқий олиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

**«МУМКИН ЭМАС...» стратегияси.** Стратегиянинг мақсади: иштирокчиларда ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ечиш юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш. Стратегия ўйин тарзида амалга оширилади.

Ўйиннинг бориши: гуруҳ иккига бўлинади. Биринчи гуруҳ ўз хоҳиш-истакларини баён қилади, иккинчи гуруҳ эса бунга рад жавобини бериши керак. Ўн минутдан кейин гуруҳлар ўз ўринларини алмашадилар. Ўйин тахминан қуйидагича бошланиши мумкин:

- Мен бугун кечқурун дискотекага бормоқчи эдим.
- Йўқ, мумкин эмас, кеч бўлиб қолади. Ётоқхонага соат тўққиздан кейин киритилмайди.
- Мен исталган нарсамни исталган вақтда сотиб олишим мумкин.
- Йўқ, бундай қила олмайсан. Чунки энди ўзинг учун зарур барча нарсаларни ўз ҳисобингиздан сотиб олишинг керак.

Ўйиндан сўнг хоҳишларни рад қилиш учун қўлланилган далиллар, уларнинг сабаблари ва мазмуни таҳлил қилиб чиқилади. Бошловчи қуйидагича хулоса қилса бўлади: «Асосли ва асоссиз рад этишлар бор. Кўпинча сизга баъзи таъқиқлар асоссиздай туюлиши мумкин, бироқ уларда ҳам мақсад, мазмун борлигини инкор эта олмаймиз. Агар биз истагимиз нега рад этилаётганлигини англасак, тушунсак, бунга кўникишимиз осонроқ бўлади. Баъзан ўзимиз қилаётган хатти-харакатларимиз, истагимиз ноўрин эканлигини ҳам англаб тураемиз. Бундай ҳолда тушунишимиз қийин бўлган кечинмаларни ҳис қилаемиз».

**«МУЗЁРАР» стратегияси.** Кўпчилик одамлар нотаниш вазиятда (янги синф ёки янги мактабда, курснинг бошланишида) бўлганларида ўзларини журъатсиз сезишади. Кўпинча бир-бирларини билишмайди. Агар ҳеч бўлмаганда бир киши билан таниш бўлсалар, улар бирга бўлишади. Шунинг учун ўқитувчи (ёки бошловчи) ўқувчиларга ўзларига ишонч ҳиссиётини берадиган дўстона муҳитни ва улар ўзлари ўрганишлари керак бўлган нарсага диққатларини қарата оладиган вазиятни яратиши керак. Бунда «Музёра» стратегиясидан фойдаланиш мумкин. Бу таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги «тўсиқ»ни йўқотишга қаратилган усул.

«Музёра»га қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

### **1. Тақдим этиш.**

Ўқувчи ёки иштирокчилардан улар ўзларини таништиришлари ва ўзлари тўғрисида муайян ахборот беришлари сўралади. Улар тақдим этган ахборот сайланмаси синф ёки курс хусусиятига боғлиқ. Бу қуйидагилар бўлиши мумкин:

- исм-шарифи;
- яшаш жойи;
- қизиқиши;
- фанларга муносабати.

Бу ахборот жадвал шаклида катта қоғоз варағига ёзиб жамланса яхши бўлади.

Бу стратегия кам вақтни олади (ҳар ўқувчига 1-2 минут), бироқ ундан 30 кишидан кўп гуруҳларда фойдаланиб бўлмайди. Бизда улар ҳақида ахборот кам бўлган, улардаги одамлар бир-бирларини яхши билмайдиган гуруҳлар учун яхши, бироқ у ҳар доим ҳам гуруҳ аъзоларининг яхши танишишларига кафолат бермайди.

### **2. Интервью.**

Бир-бирларини яхши танимайдиган жуфтликлар тузилиб, уларга танишиб олишлари учун 5-7 минут вақт берилади. Сўнг жуфтликнинг ҳар

бир аъзоси бутун гуруҳга ўз шериги тўғрисидаги маълумотларни бирор кизиқарли фактни қўшган ҳолда тақдим этади.

Бунда гуруҳдаги ҳар бир киши битта одам билан танишиши кафолатланади. Бу усул иштирокчиларга дадиллик ҳиссини беради, бироқ уни 25 кишидан кўп гуруҳда қўллаш мумкин эмас.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Тайёргарлик босқичи. Бунда тажриба-синов ишларининг мазмун-моҳияти, ўтказилиш тартиблари аниқланди. Респондентларга тажриба-синов ишларининг мазмуни, мақсад ва вазифалари тушунтирилди.

2. Тажриба-синов ишларини амалга ошириш босқичида тадқиқот муаммосини ижобий ҳал этишга хизмат қиладиган махсус методика мазкур жараёнга татбиқ этилади, дастлабки натижалар таҳлил қилиниб, зарур ҳолларда тавсия этилаётган методика мазмунига ўзгартиришлар киритилди, тажриба-синов ишларининг навбатдаги босқичлари тавсифланди, олинган натижалар умумийлаштирилиб, математик-статистик метод ёрдамида қайта ишланди.

3. Тадқиқот натижаларини расмийлаштириш босқичида тақдим этиш учун зарур маълумотлар тўпланди.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Тажриба-синов ишларининг махсус дастурга таянган ҳолда ташкил этилиши педагогик фаолият натижадорлигини таъминлаш билан бир қаторда, унинг режали ва мақсадга мувофиқ бўлиши учун ҳам шарт-шароит яратди.

2. Тажриба-синов ишлари режасида жараённинг яхлит тарзда акс этиши, субъектлар фаолияти ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг вужудга келиши таъминланди.

3. Мазкур дастур асосида тажриба-синов ишларини ташкил этиш натижасида бир қатор салбий ҳолатларнинг бартараф этилишига эришилди.

Ана шу хулосалардан келиб чиққан ҳолда олиб борилган тажриба-синов ишларининг мақсадини ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш методикасини бевосита ўқув-тарбия жараёнида синаб кўришдан иборат, деб белгиладик.

Тажриба-синов ишларининг биринчи хусусияти шундан иборат бўлдики, унда тадқиқотчининг шахсан ўзи тажриба-синов ишларини ташкил этди, амалга оширди ва натижаларни таҳлил қилди.

Иккинчи хусусияти – ўқув-тарбия жараёнининг ички қонуниятларини аниқлаш асосида шу жараённинг шарт-шароитлари, параметрлари ўрганилди, керак бўлса, ўзгартириш имкони яратилди.

Учинчи хусусияти – ўқув тарбия жараёни натижаларини назорат қилиб, унинг самарадорлигини аниқлаш имконияти пайдо бўлди.

Тўртинчи хусусияти – тажриба-синов ишлари давомида тадқиқотнинг илмий фарази тўғри ёки нотўғрилиги аниқланди.

Тажриба-синов ишлари табиий ҳолда бевосита ва билвосита кузатишлар натижасида фото-кинолавҳалар, расмлар, диаграммалар, ўқувчилар ва ўқитувчиларга тарқатилган анкета, тест саволларига жавоблар, даражаларининг динамикаси келтирилиши керак бўлди.

Тажриба-синов ишларини бошлашдан олдин ўқувчиларнинг маънавий шаклланганлик даражаси аниқлаб олинди. Бунинг учун махсус тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Бир неча тажриба машғулотлари олиб борилгандан кейин такрорий кузатишлар давом этди. Тажриба дарслари қандай натижаларга олиб келаётганлиги ҳақидаги дастлабки маълумотларга эга бўлгандан сўнг биз ўз ишларимизга яна бир қарра аниқлик киритдик.

Тажриба-синов ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатларни тайёрлаш зарур эди:

1. Тажриба-синов ўтказиладиган гуруҳларнинг психологик тавсифи.
2. Тажриба-синов дарсларининг мавзулари.

3. Эксперт баҳолари, машғулотлар таҳлили баёнларини муфассал қайд қилиб бориш.

4. Машғулот таҳлилларини қайд қилиш дафтари.

5. Тажриба-синов машғулотларини кузатиш баёнларини қайд қилувчи дафтар.

6. Тажриба-синов гуруҳидаги алоҳида ўқувчиларни кузатиш дафтарлари.

7. Фото-кино лавҳалар, расмларнинг тахминий рўйхати.

Шу жумладан, қуйидагиларни батафсил қайд қилиш зарур эди:

1. Тажриба-синов давомида ўқувчилар билан ўтказилган суҳбатларнинг баёни.

2. Ўқувчилар берган саволларнинг характери.

3. Ўқувчиларнинг рейтинг тизимида олган баҳолари.

4. Ўқувчиларнинг характерли хатолари.

Натижада қуйидаги ҳужжатлар тўпланди:

1. Ўқувчиларнинг тест саволларига жавоблари.

2. Тажриба машғулотларининг кузатиш баённомалари.

3. Ўқувчилар билан суҳбатлар қайдномалари.

Тажриба-синов ишларини ўтказиш методикаси қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Тажриба-синовнинг бевосита мақсади, вазифаси, фаразлари ғоявий-мафкуравий компетентлик мазмунига оид тузилди.

2. Тадқиқот методидан фойдаланиши. Агар лабораторияда тажриба-синов тадқиқотчи томонидан ўтказилса, тажриба гуруҳлари билан бирга назорат гуруҳи ҳам танланди. Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчилар сони, маънавий шаклланганлик даражалари асосан бир хил бўлиши таъминланди. Тажриба гуруҳида таълимий машғулотлар педагогик-профилактик методлар билан ташкил этилса, назорат гуруҳида анъанавий тарзда ўтилди.

3. Тажриба ва назорат гуруҳларига бир хил тест саволлари тайёрланди.

4. Тажриба-синов ишларининг асосий негизи тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчиларининг маънавий шаклланганлик даражалари солиштирилди. Тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчиларига бир хил тест саволлари, бир хил иш объектини бажариш таклиф этилиб, уларнинг натижалари қиёсий таққосланди ва қайднома дафтарларига қайд қилинди.

5. Тажриба-синов қай даражада ўтишидан қатъи назар ўқувчи-ёшларда мафкуравий иммунитетни шаклланганлик даражасининг мезонлари ишлаб чиқилди.

Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришда қуйидаги мезонлар танлаб олинди:

- интеллектуал салоҳият;
- миллий ўзликни англаши;
- хулқ-одоб меъёрларига риоя этиши;
- мустақил фикрлаш, эркин, ижодий тафаккурининг шаклланганлиги;
- иймон, эътиқоди, виждонлилиги;
- адолатли ва ҳақиқатпарварлиги;
- инсонпарварлик хислатининг намоён бўлиши;
- Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор туйғуси;
- ҳуқуқий маданиятга эгалиги;
- атроф-оламга муносабати;
- бурч ва масъулиятни ҳис этиши;
- ҳар қандай ёт мафкуравий таъсирларга берилмаслиги;
- оилапарварлиги ва фуқаролик масъулиятига эгалиги;
- шахс ҳаётининг фаолиятида маънавиятнинг намоён бўлиши кабилар.

Шунга кўра тажриба-синов ишлари қуйидаги методика асосида ўтказилди:

## Тажриба-синов ишларини амалга ошириш методикаси

| Характерли кўрсаткичлар        | Текшириш турлари.<br>Бошланғич даражалари   |
|--------------------------------|---|
| Нима текширилади?              | Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликнинг ривожланганлик даражаси  |
| Текшириш мақсади               | Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликнинг ривожланганлик миллий тарбия соҳасидаги амалга оширилаётган ислохотлар билан таққослаш |
| Текшириш методларининг мазмуни | Тест саволлари, махсус методикалар  |
| Назоратнинг қайтарилиши        | Тажриба аввали ва сўнгида   |
| Ўқувчилар сони                 | 480 нафар   |
| Назорат тури                   | Табиий шароитда, дарс ва дарсдан ташқари жараёнда   |

Тадқиқот давомида олинган натижалар асосида шакллантирувчи эксперимент ташкил этилди.

Мазкур жараёнда ўқувчиларнинг умумий ва хусусий, ақлий ва амалий қобилиятларининг ривожланганлик даражалари, ҳаётий йўлланмалари ва ахлоқий фазилатлари, билим, кўникма ва малакалари, ўз кадр-қимматини англаши аниқлаб олинди.

Таъкидловчи экспериментда тадқиқотни асосий методларига машғулотларни кузатиш, таҳлил этиш, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ўрганиш ва таҳлил этиш, натижаларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этди.



### 3.2. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарадорлиги

Тажриба-синов ишлари Наманган шаҳридаги 13, 17-, Жиззах шаҳридаги 3, 16-, Тошкент шаҳридаги 34, 84-мактабларда амалга оширилди. Аниқлаштирувчи ва таълимий тажриба-синов ишларини ташкил этиш учун ғоявий-мафкуравий компетентлик билан боғлиқ 5 та компетенция танлаб олинди: Ватанга садоқат, ҳамкорлик, масъулиятлилик, меҳр-оқибатлилик, мафкуравий иммунитет. Мазкур ҳар бир компетенция бўйича сўровномалар ва махсус методикалар ишлаб чиқилди (1-5 иловалар).

Аниқлаштирувчи тажриба-синов ишлари махсус таълимий тайёгарликсиз, мавжуд ҳолат бўйича ташкил этилди. Қуйида аниқлаштирувчи тажриба-синов ишлари натижаларини келтириб ўтамиз.

«Ватанга садоқат» компетенциясининг ривожланганлигини аниқлаш учун «Ватанпарварликни аниқлаш» сўровномаси қўлланилди.

Ўқувчиларнинг кўпчилиги «ватанпарварлик» тушунчасини Ватанни севиш билан боғлиқликда ифода этишади. Ватан учун хизмат қилиш истаги ёрқин намоён бўлмайди. «Ўзингизни ватанпарвар деб ҳисоблайсизми?» саволига ўқувчиларнинг аксарияти юзаки тарзда «ха» жавобини беришган. Бироқ «нима учун» эканлигини аниқ ифода қилиб бериша олишмаган. «Йўқ» ва «билмайман» деган жавобни қайд этган ўқувчилар эса бунинг сабабини умуман изоҳлай олишмаган. Бундан кўриниб турибдики, ўқувчиларга ҳудди шундай савол билан мурожаат қилинмаган. Ўқувчилардан Ватан ҳақида қандай кинофильм, кўрсатувларни томоша қилишганлиги, китоблар ўқиганлиги ҳақида сўралганда, **30-40 фоиз** респондент «Ватан», «Элпарвар», «Жасур», «18 квадрат», «Умид», «Жосус» каби миллий киноларни, «Ватанпарвар» кўрсатувини томоша қилишини таъкидлаб ўтишган. Ўқувчилар 1 ёки 2 та кинонинг номини айтиш билан чекланишган. Китобларнинг аниқ номларини айтишмади. Ўқувчилар **100 фоиз** умумий тарзда тарихий шахслар (Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур)

хақидаги китобларни ўқишганлигини таъкидлаб ўтишди. Бу эса ўқувчиларда мустақил мутолаа компетенцияси шаклланмаганлигини, ўқитувчи назорати остида мажбуран китоб ўқиши кузатилди. **85 фоиз** ўқувчилар ота-оналари билан аниқ бир мавзу мисолида ватанпарварлик ҳақида суҳбатлашишмаган. **15 фоиз** ўқувчилар суҳбатлашганини айтиб ўтишган бўлса-да, уларнинг жавоблари саволга жавоб бериш мақсадида ўйлаб топилганини кўрсатади. Мактабда ўтказилаётган ватанпарварлик анъаналари байрамлар билан боғлиқликда ифода этилган. Ўқувчиларда ўзи ёки ўртоғи ватанпарвар сифатида ҳаракат қилган ҳолатни айтиб бериш сўралганида мисол келтирган ўқувчиларнинг **90 фоизи** ўртоғининг бирор бир ҳаракатини таъкидлаб ўтган. Лекин уларнинг жавобларидан «ватанпарвар сифатида ҳаракат қилиш» тушунчасининг моҳиятини аниқ тушунмаслиги маълум бўлди.

«Ҳамкорлик» компетенцияси бўйича ўқувчиларга алоҳида методика таклиф этилди. Ўқувчиларда ҳамкорликка нуфузли мотивлар паст даражада (**10 %**). Аксинча, 7-синф ўқувчиларида ҳали жамоавий мотивлар сақланиб (**50 %**) қолган ҳолда 9-синф ўқувчиларида шахсий мотивлар (**90 %**) устунлик қилади. Бу эса ҳамкорликда ишлаш компетенцияси ривожлантириб борилмаслигини, шахсий мотивларнинг устуворлик касб этишини кўрсатади. Ҳамкорликда ишлаш компетенциясининг ривожланмаганлиги ўқувчиларда ташаббускорлик, ижтимоий фаолликнинг шаклланмаслигига олиб келади.

«Масъулиятлилик» компетенцияси бўйича ўқувчиларга «масъулиятлиликни аниқлаш» методикаси таклиф этилди. Ўқувчиларнинг **27%** ида масъулият ҳисси яхши ривожланган бўлиб, улар ўзларига топширилган вазифаларни ишончли тарзда бажара оладилар ҳамда бу ишончни оқлашга интиладилар. Ўқувчиларнинг **33%** ида эса маълум вазиятлар учунгина масъулиятлилик ҳисси мавжуд бўлиб, ушбу ҳиссиёт мунтазам равишда уларга ҳамроҳлик қилмайди. Бу ҳолатда ўқувчиларга ишониш билан бирга уларни назорат қилиш зарур, яъни маълум вазифани бажариш топширилганда уларни қай даражада вазифани бажараётганларини текшириб, назоратга олиб туриш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларнинг **40 %**

ида масъулиятлилиқ ҳисси умуман намоён бўлмайди. Улар фақат ўзларининг хатти-ҳаракатларини тўғри, деб ҳисоблашади.

«Меҳр-оқибатлилиқ» компетенцияси бўйича ўқувчиларга «Миннатдорлик хати» ёзиш таклиф этилди. «Миннатдорлик хати» натижалари ўқувчиларнинг **28%** (8-10 балл оралиғи)ида яқинларига нисбатан меҳр-оқибат туйғуси ёрқин намоён бўлишини, **44%** (5-7 балл оралиғи)ида эса меҳр-оқибат туйғусини тўлиқ намоён бўлмаслигини ҳамда **28%** (0-5 балл оралиғи)ида меҳр-оқибат туйғуси деярли намоён бўлмаслигини кўрсатди. Жумладан, **6 %** ўқувчилар яқинларидан ўтмишда қилган ишлари учун кечирим сўраганлар; **35%** эса яқинларини яхши кўришларини, улар билан фахрланишларини аниқ ифодалай олган; **15 %** ўқувчи яқинларини яхши кўришини ҳалигача оғзаки равишда айта олмай ичида сақлаганлигини; **4%** оғзаки равишда меҳрини, муносабатини изҳор эта олишда қийинчилик йўқлигини, шу сабабли хат ёзишни истамасликларини (\*ота-онасини яхши кўришинигина ёзиб қолдирганлар бундан мустасно); **14%** ўқувчи ўз фарзандларига ота-онасидек тарбия беришга ҳаракат қилишларини таъкидлаганлар; **26%** синалувчилар эса, ота-оналарини фақат «яхши кўриши»ни ёзиш билан кифояланган.

«Мафкуравий иммунитет» компетенцияси бўйича ўқувчиларга ўз-ўзини баҳолаш методикаси таклиф этилди. Мафкуравий компетентликнинг энг муҳим индикатори ахборот билан ишлаш лаёқати ҳисобланади. Чунки шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлиги шаклланмаган ўқувчилар мафкуравий таҳдидларга тез йўлиқади. Ўрта ва юқори синф ўқувчилари билан ўтказилган рефлексив кўникмаларни баҳолаш методикаси натижалари ижобий эмаслигини кўрсатди:

- **4 %** ўқувчилар 148 ва ундан юқори балл тўплаган бўлиб, ўқувчиларда шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича рефлексив нуқтаи назар юқори даражада ривожланган бўлиб, улар қабул қилаётган ахборотларини анализ-синтез қилиб, унинг манбасини суриштириб, ишончлилиги тасдиқлангач, ушбу ахборотдан фойдаланадилар;

- **46% ўқувчилар** 114-147 балл тўплаган бўлиб, ушбу ўқувчиларда – ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича рефлексив нуқтаи назар ўрта даражада ривожланган бўлиб, улар ахборот истеъмолида доимо унинг ишончли манба эканлиги ёки йўқлигига аҳамият қаратишмайди;

- **50% ўқувчилар** 113 ва ундан кам балл тўплаган бўлиб, бу гуруҳга, асосан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича рефлексив нуқтаи назар паст даражада ривожланган ўқувчилар мансуб бўлиб, уларда ахборот истеъмолида аниқ манбага таяниб ахборотдан фойдаланиш кўникмалари етарли даражада ривожланмаган.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, тегишли компетенцияларга мос равишда ўқув материаллари тайёрланиб, ишчи гуруҳ ва синф раҳбарлари томонидан экспериментал объект респондентлари учун тренинглари, вазиятлар, таҳлил суҳбатлар ташкил этилди.

Ўқувчилар билан қуйидаги йўналишларда таълимий тажриба-синов ишлари ташкил этилди:

1) Ватанга садоқат акс этган бирор-бир адабиётни мустақил ўқиш топшириғини бериш ва башоратлар чизмаси асосида таҳлил қилиш;

2) ҳамкорликда ишлаш методларини қўллаш асосида ўқувчиларнинг жамоавий ижодий ишини ташкил этиш;

3) масъулиятсизлик оқибати билан боғлиқ ҳаётий вазиятларни таҳлил қилиш. «Масъулиятлилик ҳисси» тренингини ўтказиш;

4) меҳр-оқибат билан боғлиқ видеороликни намойиш этиш. Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китобидаги «Лайлак» ҳикоясини таҳлил этиш;

5) “1 таҳдидга 5 зарба” технологияси асосида ролли-ўйин ташкил этиш.

#### **Натижада:**

«Ватанга садоқат» компетенцияси бўйича қуйидаги натижаларга эришилди: **90 %** ўқувчилар «Ватанпарварлик» тушунчасига Ватанни асраш, ўз Она заминини севиш, уни асраш, Ватан учун хизмат қилиш, ўз Онасидек улуғлаш, ўз халқига ёрдам бериш, Ватан равнақига ҳиссасини қўшиш ва ҳеч

качон хиёнат қилмаслик каби аниқ таърифни беришган. **92 %** ўқувчилар ўзларини ватанпарвар деб ҳисоблаш мумкинлигини, буни эса яхши ўқиётганлиги, билимларини ошираётганлиги, ота-оналарини яхши кўриши, Ватанни севиши, келажакда Ватан учун керакли фарзанд бўлиши, бу бурчлари эканлигини, жамоат ишларида фаол иштирок этаётганликлари билан изоҳлашган. Тажриба-синов сўнгида **100 %** ўқувчилар ота-оналари билан ватанпарварлик мавзуида суҳбатлашганлигини, биргаликда ватанпарварлик акс этган фильмни томоша қилганликларини таъкидлаб ўтишган. 11-синф ўқувчилари бошланғич синф ўқувчиларини уйларига кузатиб қўйганлиги, уларнинг нарса-буюмларини кўтариб борганликлари, мактаб атрофини тозалаганликлари каби ватанпарварликка оид аниқ мисолларни келтириб ўтишган.

«Ҳамкорлик» компетенцияси бўйича қуйидаги натижалар қайд этилди: тажриба сўнгида ўқувчиларда ҳамкорликка доир нуфузли мотивларнинг ўрта даражани (**10/70 %**), жамоавий мотивлар юқори (**80 %**) даражани кўрсатди. Аксинча, шахсий мотивларни устун қўймаслик ҳолати юзага келди. Бу эса ўқувчиларнинг жамоавий биргаликдаги фаолиятини самарали ташкил этиш, ҳамма учун аҳамиятли ва қизиқарли ишларни бажариш, коррекцион методикаларни қўллаш самарали эканлигини кўрсатди.

«Масъулиятлилик» компетенцияси бўйича қуйидаги натижалар қўлга киритилди: Ўқувчиларнинг **87%** ида масъулият ҳисси яхши ривожланган бўлиб, улар ўзларига топширилган вазифаларни ишончли тарзда бажара оладилар ҳамда бу ишончни оқлашга интиладилар. **13%** ида эса маълум вазиятлар учунгина масъулиятлилик ҳисси мавжуд бўлиб, ушбу ҳиссиёт мунтазам равишда уларга ҳамроҳлик қилмайди. Бу ҳолатда ўқувчиларга ишониш билан бирга уларни назорат қилиш зарур, яъни маълум вазифани бажариш топширилганда уларни қай даражада вазифани бажараётганини текшириб, назоратга олиб туриш мақсадга мувофиқдир. Масъулиятсиз ўқувчилар аниқланмади, яъни синалувчиларнинг барчасида маълум миқдорда масъулият ҳиссининг мавжудлиги аниқланди, бу улар ўзларининг

хатти-ҳаракатларига бошқалар эмас, айнан ўзлари жавоб беришларини англаб бораётганлигини, қарор қабул қилишда ўз имкониятларидан келиб чиқиб, атрофдагиларни фикрига таяниб қолмасдан, ўзлари мустақил бўлишга интилаётганлигини кўрсатади.

«Меҳр-оқибатлилик» компетенцияси бўйича қуйидаги натижалар аниқланди: Миннатдорчилик хатларининг ҳаммасида ўқувчилар томонидан фақат ижобий ва илиқ фикрлар илгари сурилган бўлиб, уларнинг яқинларига нисбатан меҳри, эътибори чексиз эканлигини, яқинларининг ёрдами билангина шу кунга етиб келганликларини, яқин деб ҳисоблаган инсонлари ҳаётда улар учун ишончли дўст, қийин кунларида суянчиқ бўла олганликлари, уларнинг қадрини ҳаётлик чоғларида англаш кераклигини барча ўқувчилар алоҳида таъкидлаб ўтишган.

«Мафкуравий иммунитет» компетенцияси бўйича тажриба сўнгида ўқувчилар билан рефлексив кўникмаларни баҳолаш методикаси қайта ўтказилиб, қуйидаги натижаларга эришилди: **78 %** ўқувчилар 148 ва ундан юқори балл тўплаган бўлиб, ўқувчиларда шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича рефлексив нуқтаи назар юқори даражада ривожланган бўлиб, улар қабул қилаётган ахборотларини анализ-синтез қилиб, унинг манбасини суриштириб, ишончилиги тасдиқлангач, ушбу ахборотдан фойдаланадилар; **12 % ўқувчилар** 114-147 балл тўплаган бўлиб, ушбу ўқувчиларда – ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича рефлексив нуқтаи назар ўрта даражада ривожланган бўлиб, улар ахборот истеъмолида доимо унинг ишончли манба эканлиги ёки йўқлигига аҳамият қаратишмайди; **10 % ўқувчилар** 113 ва ундан кам балл тўплаган бўлиб, бу гуруҳга асосан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича рефлексив нуқтаи назар паст даражада ривожланган ўқувчилар мансуб бўлиб, уларда ахборот истеъмолида аниқ манбага таяниб ахборотдан фойдаланиш кўникмалари етарли даражада ривожланмаган.

Олинган натижаларни мезон компонентлари бўйича умумлаштирдик (3.2.1-жадвал):

### 3.2.1-жадвал

#### Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш динамикаси

| Ривожланганлик даражаси | Аниқловчи босқич |    |      |    |     |    | Таълимий босқич |    |     |    |     |    |
|-------------------------|------------------|----|------|----|-----|----|-----------------|----|-----|----|-----|----|
|                         | КК               |    | ТФК  |    | ҚМК |    | КК              |    | ТФК |    | ҚМК |    |
|                         | ТГ               | НГ | ТГ   | НГ | ТГ  | НГ | ТГ              | НГ | ТГ  | НГ | ТГ  | НГ |
| Паст                    | 51               | 50 | 36   | 30 | 61  | 60 | 22              | 43 | 10  | 27 | 20  | 53 |
| Ўрта                    | 29               | 23 | 50,5 | 53 | 30  | 30 | 53              | 30 | 53  | 56 | 51  | 37 |
| Юқори                   | 20               | 27 | 13,5 | 17 | 9   | 10 | 25              | 27 | 37  | 17 | 29  | 10 |

3.2.2-жадвалда келтирилган натижаларининг қиёсий таҳлили тажриба гуруҳида когнитив компонент бўйича паст даражадаги кўрсаткичга эга бўлган ўқувчилар сони 22 % га камайганлигини кўрсатади. Когнитив компонентнинг ўртача кўрсаткич даражаси 24 % га, юқори даражаси 5% га ошганлигини кўрсатади.

Худди шундай ташкилий-фаолиятга йўналтирилган компонент бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичида ўсиш кузатилган. Ташкилий-фаолиятга йўналтирилган компонент бўйича ўртача ўзлаштиришда аҳамиятли ўзгариш кузатилмаган бўлса-да (2,5%), бироқ юқори даражадаги ўзлаштириш 23,5 га ортган.

Корреляцион таҳлил натижалари ҳам ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг барча компонентларида аҳамиятли ўзгаришлар кузатилганлигини тасдиқлади (3.2.2-жадвал).


### 3.2.2-жадвал

#### Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир корреляция натижалари

| Компонентлари                      | Ўртача ўзлаштириш |          | Аҳамиятlilik даражаси |
|------------------------------------|-------------------|----------|-----------------------|
|                                    | Аниқловчи         | Таълимий |                       |
| Когнитив                           | 10,81             | 14,23    | $p \leq 0,01$         |
| Ташкилий-фаолиятга доир            | 24,15             | 30,07    | $p \leq 0,01$         |
| Қадриятга йўналтирилган-мотивацион | 9,46              | 13,51    | $p \leq 0,01$         |

Қуйидаги диаграмма жадваллари орқали ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг барча компонентлари солиштирма таҳлиллари келтириб ўтилган. (1-3 диаграммалар.)


**1-диаграмма.**




Ушбу миқдорий кўрсаткичлар «Стьюdent» методи асосида қайта таҳлил этилди. Махсус дастур асосида ташкил этилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик фаолият воситасида ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожланганлигини аниқлаш мақсадида тажриба ҳамда назорат гуруҳларига ажратилган ўқувчилар томонидан қайд этилган миқдорларни 3.2.2-жадвалда ўз ифодасини топган сонларга асосан белгилаймиз.



2-диаграмма.



3-диаграмма.



Қўйилган масалани қуйидагича ҳал этамиз:  $(x - m_T) - (y - m_H) = x - y$   
тушиши лозим бўлган ишонччилик оралиғи:

$$-t_{\alpha} \sqrt{\frac{S_T^2}{n_1} + \frac{S_H^2}{n_2}} < X - Y < t_{\alpha} \sqrt{\frac{S_T^2}{n_1} + \frac{S_H^2}{n_2}}$$

ни тузамиз. Формула учун қийматларни 3.2.2–жадвалдан оламиз.

Тажриба гуруҳлари учун:

$$\text{Ўртача қиймат: } X = \frac{3 \cdot 60 + 4 \cdot 186 + 5 \cdot 74}{320} = 4,04$$

$$\text{Ўртача квадрат қиймати: } X^2 = 16,35$$

$$\text{Ўртача квадрат қиймати: } X^2 = \frac{9 \cdot 60 + 16 \cdot 186 + 25 \cdot 74}{320} = 16,77$$

$$\text{Дисперсия: } S_T^2 = 16,77 - 16,35 = 0,42$$

$$\text{Микдор: } S_T^2/n = 0,42/320 = 0,001$$

Назорат гуруҳлари учун:

$$\text{Ўртача қиймат: } Y = \frac{3 \cdot 167 + 4 \cdot 94 + 5 \cdot 61}{322} = 3,67$$

$$\text{Ўртача квадрат қиймати: } Y^2 = 13,47$$

$$\text{Ўртача квадрат климат: } Y^2 = \frac{9 \cdot 167 + 16 \cdot 94 + 25 \cdot 61}{322} = 14,07$$

$$\text{Дисперсия: } S_T^2 = 14,07 - 13,47 = 0,60$$

$$\text{Микдор: } S_T^2/n = 0,60/322 = 0,002$$

3.2.2-жадвал кўрсаткичларига асосан  $t_2$  микдор  $\alpha$  0,05 дан топилади:  $t_2 = 1,96$ . У ҳолда ишончлилик оралиғи қуйидагича бўлади:  $(-1,96 \cdot \sqrt{0,007}; 1,96 \cdot \sqrt{0,0007}) = (-0,16; 0,16)$

Демак,  $X - Y = 0,42 - 0,60 = -0,18$  ҳосил бўлган қиймат ишончлилик оралиғига тушмайди.

Олинган натижаларга кўра,  $H_0$  (бошланғич) фараз рад этилади ва унга муқобил бўлган  $H_1$  фараз, яъни,  $x > y$  қабул қилинади.

Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида амалга оширилган тажриба-синов ишларининг натижалари ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш сифат ва микдорий даражаси ошганлигини кўрсатувчи хулосанинг ҳаққонийлиги исботланди.

Математик-статистик метод ёрдамида ҳосил бўлган қийматлар ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш соҳасида амалга оширилган тажриба-синов ишлари муваффақиятли ўтказилганлигини тасдиқлади. Бу эса тадқиқот фарази тўғрилигини асослаш имконини берди.

### **Боб бўйича хулосалар**

1. Педагогик йўналишларда ташкил этиладиган тадқиқотларнинг асосида ўрганилаётган муаммонинг амалиётдаги мавжуд ҳолатини ўрганиш, қўлга киритилган далилларни таҳлил этиш, муайян хулосаларга келиш, шунингдек, чиқарилган хулосалар асосида ягона муаммонинг умумий ҳолатига баҳо беришга йўналтирилган амалий фаолият алоҳида ўрин тутди.

2. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида ана шу ёндашувга кўра амалий ҳаракатни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва тажриба-синов майдонларида амалга оширилувчи дастлабки амалий фаолият, истиқболдаги ҳаракатларнинг муҳим қисми сифатида намоён бўлишини назарда тутган ҳолда уни самарали ташкил этиш йўлида ҳаракат олиб борилди. Тажриба ишларининг муайян лойиҳа асосида олиб борилиши бу жараён самарасини кафолатлади.

3. Тажриба-синов ишларини изчил, тизимли йўлга қўйиш мақсадида дастлабки босқичда бу жараёнга таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчиларни жалб этишга ҳам эътибор қаратилди. Мақсад ва вазифалардан огоҳ этган ҳолда тажриба-синов ишларига муайян касбий тажриба ва ҳаётий малакага эга ўқитувчилар жалб этилди.

4. Муаммони тадқиқ этишга йўналтирилган амалий фаолият бир неча босқичда амалга оширилди. Дастлаб амалга оширилиши зарур бўлган мақсад ва вазифаларнинг моҳиятига таянган ҳолда тажриба-синов ишларининг умумий даври ва босқичлари белгиланди.

## ХУЛОСА

1. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш уларнинг билим, ҳиссиёт ва иродасига боғлиқ жараёндир. Ана шу нуқтаи назардан ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири – узлуксиз маънавий тарбиянинг амалий йўналтирилганлигини таъминлашдан иборатдир.

2. Чуқур ғоявий билимга эга бўлган ва мафкуравий таҳдидларга қарши тура олиш малакасига эга бўлган ўқувчилар кундалик фаолиятда мазкур билим, кўникма ва малакалардан фойдаланиш лаёқатига эга бўлиши, аниқроқ айтганда ғоявий-мафкуравий компетентликка эга бўлиши лозим. Таҳлил натижалари асосида ғоявий-мафкуравий компетентлик ўқувчининг ғоя ва мафкура соҳасида чуқур билимга эгаллиги ва муайян мафкура бўйича кучли эътиқод (мафкуравий иммунитет)нинг шаклланиши ҳамда бунёдкор ғояларни кундалик фаолиятда қўллаш олиш лаёқатидир, деган хулосага келинди.

3. Тадқиқот доирасида ғоявий-мафкуравий компетентликнинг қуйидаги компетенциялар тизими аниқлаштирилди: когнитив, социал, шахсий, эмоционал, коммуникатив, умуммаданий. Ғоявий-мафкуравий компетентликка тааллуқли мазкур компетенциялар тизими ўқувчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришни тақозо этади деган хулосага келинди.

4. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш ишларининг маркази – ўқувчиларни таҳлил қилишга йўналтиришдир. Ёт мафкураларга танқидий ёндашишни, қарши тарғибот кўникмаларини шакллантиришда тўғарак раҳбарлари бўлган тажрибали ўқитувчилар олимлар асарларида ёритиб берилган педагогик профилактикага доир методлардан самарали фойдаланишлари лозим.

5. Аналитик тафаккур – таҳлилий фикр юритиш санъати, бирор муаммо, масала, ахборот, воқеа-ҳодисани ўрганиш жараёнида у ҳақда атрофлича, аниқ, теран, чуқур, мазмундор, мустаҳкам тўхтамга келиш

қобилияти. Аналитик тафаккур эгаси таҳлил қилинаётган объектни ҳар томонлама синчиклаб ўрганади: мураккаб ахборотларни қисмларга ажратади – ҳар бир сўз, жумла, детал, нарса устида жиддий фикр юритади, қисмларни ўзаро мантиқий боғлайди, мақбул хулосага келади ва керакли қарорлар қабул қилади.

6. Ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш ўз навбатида шахс ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ бўлиб, ўқувчининг мавжуд эгалланган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ахборотни онгли идрок этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш қобилияти билан тавсифланувчи шахсий кадриятга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан ахборот таҳдидларига қарши курашишга тайёргарлигини ифода этади.

7. Тадқиқот доирасида шахсий ахборот хавфсизлигининг қуйидаги компонентлари аниқлаштирилди: когнитив (ахборот муҳитидан келадиган хавф-хатарлар ҳақида билимларга эга бўлиш, ахборотни таҳлил этиш, баҳолаш қобилияти), аксиологик (умуминсоний кадриятлар ҳақидаги тасаввур, мазкур кадриятлар билан боғлиқликда хулқ-атвор моделини белгилай олиш кўникмаси), коммуникатив-фаолиятга доир (бошқаларнинг фикри, нуқтаи назарларига толерант муносабатда бўлиш, вазиятга баҳо бериш қобилияти).

8. Ўқувчиларда шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлаш малакасини ривожлантиришга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда кўпроқ рефлексив усулларга таянилди. Рефлексив усуллар кибермаконда хавфсизликни таъминлаш йўллари аниқлашга олиб келувчи виртуал мулоқот жараёнида ўқувчиларга ўз шахсий қиёфасини бошқа инсон қиёфасига айланлаштириш имконини беради.

## **ТАВСИЯЛАР**

1. Ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир педагогик фаолиятни амалга оширишда ўқувчиларда фақат интеллектуал кўникмаларнигина шакллантирилмасдан балки уларнинг ғоявий-мафкуравий билимларини кундалик фаолиятда қўллашга ўргатиш, амалий фаолият

тажрибасига айлантириш ва ғоявий-мафкуравий дунёқарашини шакллантиришда шахсий эҳтиёжларнинг қондирилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

2. Мустақил мутолаа қилинган асарлар тўғрисида суҳбатлар, фильмлар ва концертларни жамоа бўлиб кўриш ва кенг муҳокама қилиш, чет эл ва ўзбек фильмлари билан муфассал танишиш ўқувчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради. Шу боис таълим муассасаларида «Актёр» театр-труппаларини тузиш, адабиёт намоёндалари билан учрашувларни кўпайтириш тавсия этилади.

3. Синф раҳбарлари ва фан ўқитувчиларининг ғоявий-тарбия соҳасидаги билимларини ошириш, диний экстремизм, «оммавий маданият», миссионерлик ва бошқа оқимлар ҳақида маълумот-матнлар, тақдимотлар, тренинглардан унумли фойдаланишлари зарур. Шу сабабли мазкур йўналишдаги услубий-ахборот, мультимедиали воситаларни кўпайтириш зарур.

4. Замонавий шароитда онлайн тарзда ўтказилган форумлар ўқувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожтиришнинг муҳим омили бўлиб, улар ахборот тарқатиш билан бирга анъаналар, ғоялар, миллий тараққиётга муносабатларни ҳам шакллантиради. Айниқса, сўнгги вақтларда ўтказилаётган онлайн мулоқотларда билдирилаётган миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетга доир тушунарли, амалий фикрлардан ўқув-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш лозим.

5. Таҳлиллар асосида умуммаданий компетенция билишга қизиқиш, маънавий-ахлоқий эътиқод ва тасаввурлар, воқеликни ўзлаштириш ва қайта яратиш бўйича маданий фаолиятга тайёрликни шакллантиришни талаб этувчи умуминсоний қадриятлар билан бевосита алоқадор эканлиги ҳамда ўқувчиларда умуммаданий компетенцияни ривожлантиришда синфдан ташқари машғулотлар учун тарбиявий вазиятлар технологиясини қўллаш зарур.

6. Ижтимоий фанлар ўқитувчиларини йилда камида бир мартаба давлат ва нодавлат таълим муассасаларида малака ошириш юзасидан семинар тренинглар, дебатлар, форумлар ташкил этиш ва иштирок этишга доир чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон, 75-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. 4-модда. 2014 йил 3 декабрь, ЎРҚ-378-сон. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=2509996](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2509996)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда. [//http://www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги ПФ–1331-сонли фармойиши. – // Г. Маърифат. – Тошкент, 20.01.2001.

